6.Вардияшвили А.А. Разработка и исследования многофункциональных энергоэффективных гелиотехнических комплексов с использованием энергетических отходов. – Карши: «Насаф», 2013.

7.Промышленное производство овощей в теплицах / Под ред. Вашенко С. –М., 1977.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қашқадарё вилояти шароитида бир қаватли қишлоқ куёш уйининг иссиқлик таъминоти тизимида иссиқлик насосларининг қўлланилиш схемалари келтирилган. Иссиқлик насосли куёш коллекторлари ва конденсацион утилизаторлардан фойдаланиш учун тақдим этилаётган схемалар иссиқлик-совуқлик таъминотини мавжуд системасининг эффективлигини ва экологик хавфсизлигини оширишга ёрдам бериши ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены схемы применения теплового насоса для теплоснабжения одноэтажного сельского дома в условиях Кашкадаринской области. Предлагаемые схемы использования солнечных коллекторов и конденсационных утилизаторов с тепловыми насосами позволяют повысить эффективность и экологическую безопасность существующих систем теплоснабжения.

SUMMARY

In article are brought the schemes of using the heat pump for heatsupplying one-storey rural building in condition of Kashkadarya region area. The proposed schemes of the use solar collector and condensational utilizations with heat pump allow to raise efficiency and ecological safety existing systems heatcoldsupplying.

Рекомендовано на печати проф. Л.Ёзиевым

КИМЁ

ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИНИ ОЛТИНГУГУРТЛИ ВА АРОМАТИК БИРИКМАЛАРДАН ТОЗАЛАШНИНГ КИМЁВИЙ УСУЛЛАРИ

**Қуйбоқаров О.Э., Турсунов А., Қурбонов М.Ж.
Нуриддинова Д.З. (ҚарДУ)**

Таянч сўзлар: *дизель ёнилғиси, Евростандарт, деароматлаш, демаркаптанлаш, сланц, қурум, фракция, крекинг, реагент, ишқор, туз, кислота, адсорбция, экстракция, гидротозалаш, депарафинлаш, аддукт, смола, нафтен, парафин, ароматик, сульфокислота, сульфон, дистиллат, сульфид, дисульфид, тиофан, тиофен, бензотиофен, алкилсульфат, сульфокислота, диалкилсульфат, арен, компаундлаш, қўндирма.*

Бугун Ўзбекистон нефть ва газни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича жаҳондаги йирик мамлакатлар қаторида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб бормоқда. Ўзбекистонда нефтьгаз соҳасида бир қанча йирик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, “Ўзбекнефтегаз” МХК Малайзиянинг “Petronas” ва “Sasol” (ЖАР) компаниялари билан ҳамкорликда Шўртангазкимё мажмуаси базасида тозаланган метандан GTL технологияси бўйича синтетик суяқ ёнилғи ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Корхонанинг қуриб битирилиши ва ишга туширилиши 2017 йилга режалаштирилган бўлиб, қазиб олинаётган газдан йилига 1,3 миллион тонна Евро-4 ва Евро-5 стандартларига жавоб берадиган дизель ёнилғиси, бензин, авиабензин, керосин ва сиқилган газ ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотлар нафақат ўзимизнинг ички бозоримизни таъминлаб қолмасдан, хориж мамлакатларига ҳам экспорт қилишга мўлжалланган. Бундан ташқари, мутахассислар томонидан ёнувчи сланцларнинг 47 миллиард тонна захираси аниқланган. Сланцни қайта ишловчи завод лойиҳасига биноан бир йилда 8 миллион тонна ёнувчи сланц қайта ишланади ва ундан 1 миллион тонна нефть маҳсулотлари олинади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб, Джет-1 маркали авиаёнилғисини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган замонавий кўп қувватли ички ёнув двигателлари юқори сифатли мотор ёнилғиларини талаб қилмоқда. Бунинг учун барча ишлаб чиқарилаётган мотор ёнилғилари юқори сифатли бўлиши билан бирга, олтингугуртли ва ароматик бирикмалардан чуқур тозаланган бўлиши ҳамда Европа стандартларига жавоб бериши керак.

Охириги ўн йилликда кўпгина мамлакатларда мотор ёнилғилари

	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йил 2011 йилга нисбатан, фоиз ҳисобида
Жами аҳоли, минг киши	29123,4	29555,4	29993,5	30492,8	104,7
Шу жумладан,					
Аёллар	14555,0	14762,9	14974,8	15215,3	104,5
Эркаклар	14568,4	14792,5	15018,7	15277,5	104,9
Шаҳар аҳолиси	14897,4	15143,2	15370,1	15555,2	105,0
Қишлоқ аҳолиси	14226,0	14412,2	14623,4	14937,6	105,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотлари таҳлилига кўра Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони ўсиш тенденцияга эга. 2014 йилда мамлакат аҳолисининг миқдори 30492,8 минг кишига етган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 29123,4 минг бўлиб, 2014 йилга келиб 2011 йилга нисбатан 104,7 фоизга ўсган. Бундан ташқари, Республика аҳолиси таркибидаги аёллар ва эркакларнинг таркиби ҳам ўрганилди. Мамлакат аҳолисининг аёллари миқдори 2014 йилда 15215,3 минг киши бўлиб, 2011 йилга келиб 14555,0 минг кишини ташкил этган. Аёллар улуши 2014 йилда 2011 йилга нисбатан 104,5 фоиз га ўсган. Жами аҳоли таркибидаги эркаклар миқдори 2014 йилда (15277,5 минг киши) 2011 йилга (14568,4 минг киши) нисбатан 104,9 фоизга ўсган. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 51 фоиздан ортиғи шаҳарларда яшайди. 2014 йилда жами аҳолининг 15555,2 минг кишиси шаҳарларда, 14937,6 минг кишиси қишлоқ жойларида истиқомат қилишган. Мамлакатимизнинг шаҳар аҳолиси 2014 йилда (15555,2 минг киши) 2011 йилга (14897,4 минг киши) нисбатан ошган, қишлоқ аҳолиси 2014 йилда (14937,6 минг киши) 2011 йилга (14226,0 минг киши) нисбатан бир хил миқдорни (105,0 фоиз) ташкил қилади.

2-жадвал Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари таркиби

билан ёки текширмасдан яшаш минимумини таъминлашдан иборатдир.

Ишсизлик бўйича ишсизларга моддий ёрдам кўрсатишда суғурталаш тизимлари асосий тизимлардан бири ҳисобланади. Улар бозор иқтисодиётига эга мамлакатларнинг кўпчилигида мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонун билан иш ҳақининг энг кам миқдори даражасидаги ёки ишлашнинг кейинги йилларида олинган ўртача иш ҳақиға фоизли нисбатда нафақа тўлаш кўзда тутилган.

Ишсизлик бўйича нафақаларни тўлаш, моддий ёки бошқа ёрдамни кўрсатиш учун кўпгина ривожланган мамлакатларда суғурта фондлари ташкил қилинган. Ўзбекистонда – бу “Республика аҳолисини иш билан таъминлаш” Давлат жамғармаси бўлиб, у асосан корхоналар ва ходимларнинг ўзлари ҳамда юридик шахсларни ташкил қилмаган тадбиркорларнинг бадаллари ҳисобига шакллантирилади.

Ишсизлик бўйича нафақанинг миқдори ё иш ҳақиға нисбатан фоизларда ёки қатъий миқдорларда белгиланади. Нафақанинг ўртача миқдори иш ҳақининг 50–60 фоизини ташкил қилади. Нафақанинг миқдори иш қидиришда муҳим рағбатлантирувчи ёки бузгунчи ролни ўйнаши мумкин. Амалиёт шуни кўрсатадики, агар ходим ишсиз бўлиб қолиб ўз даромадининг бир қисмини йўқотса, у нафақа тўлаш муддатининг тугашини кутган ҳолда иш қидиришни чўзиб юбориши мумкин.

Давлат иш билан бандлик сиёсатининг бир мунча самарали ва мақбул йўналиши – фаол иш билан бандлик сиёсати бўлиб, унда ишчи кучига талабни ошириш мақсадида иш билан бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан иш жойлари яратилади, корхоналарда қўшимча иш жойларини яратиш учун кредитлар берилади ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга ҳаракат қилинади.

Ишчи кучига талабнинг тақчиллиги шароитида меҳнат бозори ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатдики, фуқароларни иш билан бандлик хизматини таъминлаш учун уларни аниқ ишларга тайёрлаш зарур.

Мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва, шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди (1-жадвал).

1-жадвал

2011-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг таркиби

сифатига жуда қаттиқ талаблар қўйилмоқда. Масалан, АҚШ ва Европа Иттифоқиға кирувчи мамлакатларда ёнилғидаги олтингугуртли ва ароматик бирикмаларнинг миқдори чегараланган бўлиб, маълум стандартлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Европа стандарти EN 590: 2010 га мувофиқ дизель ёнилғиси ва бензиндаги олтингугуртли бирикмалар (олтингугурт ҳисобида) миқдори 10 ppm (мг.олтингугурт/кг ёнилғи) белгиланган. Олтингугуртли бирикмаларнинг ёнилғи таркибида кўп бўлиши қурилмалар ва ички ёнув двигателларининг коррозияланишиға ва ёнилғининг ёниш маҳсулоти сифатида ажралиб чиқувчи олтингугурт оксидларининг атмосфераға чиқишиға олиб келади.

Дизель ёнилғиларининг яна бир асосий тавсифномаларидан бири унинг таркибидаги ароматик бирикмаларнинг миқдори билан характерланади. Чунончи, ёнилғи таркибида ароматик бирикмаларнинг меъёридан ортиқча бўлиши ёнилғининг экологик ва технологик хоссаларини ёмонлаштиради. Ароматик бирикмаларнинг ёнилғи таркибида мўл бўлиши ички ёнув двигателларида қурумни ҳосил қилиш билан бирға, атмосфераға қаттиқ заррача (углерод золлари)ларнинг чиқинди сифатида чиқишини оширади. Бундан ташқари ароматик бирикмалар жуда захарли бўлиб, токсикологик хусусиятға эга бўлган бирикмалардир.

Ҳозирги кунда ёнилғиларнинг турли маркалари мавжуд бўлиб, уларға қўйилаётган талаб бўйича олтингугуртли ва ароматик бирикмаларнинг миқдори маълум бир стандарт асосида бўлиши назорат қилинади. Қуйидаги жадвалда Европа стандартлари бўйича дизель ёнилғисига қўйилган талаблар келтирилган.


Дизель ёнилғиси тавсифномасига қўйилган талаблар

Ёнилғи маркаси	Цитан сони	S. масса улуши, %	Полихалқали ароматик бирикмаларнинг масса улуши, %
Синф-2	45	500	11
Синф-3	51	350	11
Синф-4	51	50	8
Синф-5	51	10	-

Дизель ёнилғиларининг асосий компоненти бу – нефтни тўғри ҳайдаш орқали олинган дизель фракцияси бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, нефтни қайта ишлашдаги иккиламчи жараёнлар ҳисобланган крекинг маҳсулотлари бўлган каталитик крекинг ва кокслаш жараёнларининг енгил газойл фракциялари ҳам асосий хом ашё бўлиб хизмат қилади. Ушбу усуллар билан олинган дизель ёнилғиси истеъмолға чиқарилишидан олдин, албатта, олтингугуртли ва ароматик бирикмалардан яхши тозаланиши лозим.

Турли хил нефть маҳсулотларини тозалаш учун турли-туман усуллар қўлланилади. Улар ичида химиявий реагентлар (сульфат кислота, ишқор, туз эритмалари) билан қайта ишлаш, физик-кимёвий (адсорбцион, экстракцион, гидротозалаш ва бошқалар) усул, демеркаптанлаш, деароматлаш, депарафинлаш ёки мочевина билан аддуктлар олиш, босим остида ва юқори ҳароратда каталитик тозалаш усуллари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, мойларни тозалашда ушбу усуллар амалда биргаликда қўлланилади.

Сульфат кислота нефть маҳсулотлари таркибидан тўйинмаган углеводородлар, олтингугуртли, азотли ва смоласимон моддаларни ажратиш учун қўлланилади. Нафтенларга ва парафинларга нормал шароитда сульфат кислота таъсир қилмайди. Ароматик углеводородлар мўл миқдорда олинган концентранган сульфат кислота билан сульфоланади. Бунда сульфат кислотада эриган ароматик бирикмаларнинг сульфокислоталари ва сульфонлари ҳосил бўлади:



Тозаланаётган дистиллатда олтингугуртнинг йиғилиб қолиши одатда яхши эмас. Шунинг учун водород сульфидни сульфат кислотали тозалашгача ишқор билан ювиб йўқотиш керак бўлади. Кўпгина бошқа олтингугуртли бирикмалар (сульфидлар, дисульфидлар, тиофанлар, тиофенлар, бензотиофенлар, алкилсульфатлар, қисман сульфокислоталар ва диалкилсульфатлар) у ёки бу ҳолатда сульфат кислотада эрийди.

Нефть таркибидан смоласимон ва олтингугуртли бирикмаларни тўлиқ ажратиш тозалаш шароитига (кислота концентрацияси, ҳарорат, реакция вақти, аралаштиришнинг интенсивлиги, кислота сони ва бошқалар) боғлиқ бўлади. Тозалашнинг қаттиқ шароитида ёғларнинг тўлиқ деасфалтизацияланишигача эришиш мумкин. Агар полихалқали углеводородларни йўқотиш лозим бўлса, нефть тутовчи сульфат кислота билан ишланади.

Дизель фракцияларини амалдаги гидротозалаш технологияси бўйича тозалаш дизель ёнилғилари кўрсаткичларига қўйилаётган ҳозирги куннинг талабларини етарли даражада қониқтирмайди. Шунингдек, махсус усулда, яъни каталитик гидродеароматлаш ва демеркаптанлаш жараёнлари билан дизель ёнилғиларининг сифатини яхшилаш юқори босим ва қимматбаҳо катализаторларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Таклиф этилаётган экстракцион деароматлаш жараёни эса паст ҳароратда ва паст босимда олиб борилади. Дизель ёнилғиси фракциясини аренлардан экстракцион усулда тозалашда ёнилғи таркибида жуда кам миқдордаги аренлар қолади ва дизель ёнилғисидан рафинатланган дизель ёнилғиси сифатида фойдаланилади. Экстракция жараёнидан олинган экстракт эса таркибида аренлар концентратларини тўплайди ва ушбу концентрат нефть химияси учун хом ашё сифатида хизмат қилиши мумкин.

Таянч сўзлар: *меҳнат бозори, иш билан бандлик, меҳнат потенциали, ишчи кучига талаб ва таклиф, давлат сиёсати, иш билан бандлик давлат дастури, нофаол ва фаол сиёсат, ишсизлик, янги иш ўринлари.*

Давлатнинг иш билан бандлик сиёсати мамлакат ривожланиши ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида меҳнат потенциалдан самарали фойдаланиш, уни ривожлантириш ва иш билан бандлик муаммоларини ечишга, ишчи кучини тармоқлар бўйича қайта тақсимлашни таъминлашга йўналтирилиши зарур.

Шундай экан, меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсати куйидаги мақсадларга эришишни назарда тутади:

- ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мувозанатга эришиш;
- ишсизларни меҳнатга йўналтиришни рағбатлантириш;
- иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг иш излашда касбий ҳаракатчанлигини ошириш;
- иш излаётган ҳар бир кишини иш билан таъминлаш.

Давлат иш билан бандлик сиёсати доирасида иш билан бандликка кўмаклашишни икки йўналишда – пассив ва фаол кўринишларда амалга оширади.

Иш билан бандликнинг пассив сиёсати. Иш билан бандликнинг пассив сиёсати давлат иш билан бандлик хизмати орқали ишсизларга нафақалар тўлаш, ишсизларни касбларга қайта ўқитиш ва жамоат ишларини ташкил этиш каби фаолиятларни ўз ичига олади. Иш билан бандлик сиёсатининг бу кўриниши давлатнинг амалга оширадиган жорий харажатлари нуқтаи-назаридан бир мунча тежамлидир. Бироқ иш билан бандликнинг пассив сиёсати иқтисодиётнинг юксалиши даврида меҳнат бозорининг юқори эгиловчанлиги ва ишчи кучининг касбий ҳаракатчанлиги, иқтисодиётнинг истикболли мустақил иш излаш учун бир мунча кенг шарт-шароитлари мавжуд бўлгандагина ўзини оқлаши мумкин. Қолган ҳолатларда пассив сиёсат ишсизлик узоқ муддат давом этишини қисқартириш, иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан бандлигини рағбатлантиришни кучайтириш омили ҳисобланади [1].

Ишсизлик бўйича нафақаларнинг миқдорини ва уларни тўлаш шартларини белгилашда бозор иқтисодиётининг ривожланган мамлакатларида икки хил ёндашиш вужудга келган. Биринчиси, ўзининг ихтиёрисиз ишдан бўшатишга ходимнинг турмуш даражасини кескин тушиб кетиши бўлиб, бу ҳолда ишсизлик бўйича нафақалар олдинги иш ҳақларига таяниб ҳисоблаб чиқилади. Иккинчи ёндашиш ҳар хил сабаблар билан умуман ишламаётган ёки ишга ёлланишда жиддий қийинчиликларни бошидан кечираётган шахсларга яшаш учун бошқа воситалар мавжудлигини текшириш

Publishers 1975.p.306

21. SPP- Spanish Pride.A collection of humors stories. M.: Higher School State Publishing house, 1968.p.512

22. TDS-Dreiser TH. Sister Carrie. M.: Higher School State Publishing house, 1968.p.500

РЕЗУМЕ

Ushbu maqolada muallif hozirgi zamon ingliz tilida eng murakkab bo`lgan hamda eng oson tuyuladigan temporallik ma`no to`g`risida fikr yuritgan. Bunda muallif sintaktik-semantik birliklarni har xil temporal ma`noga ega bo`lgan sintaktik-semantik ma`nolarni tahlil qilgan.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена ряду субстанциальных темпоральных синтаксем, а также еще одной синтаксеме, которая отличается от других наличием в её содержании дифференциального синтаксико-семантического признака антериорности предшествования.

SUMMARY

This article deals with temporality meaning and besides this it deals with other temporal meanings and there is an exceptional syntaxeme with the substantial temporal syntaxemes that differs from the others having additional differential syntactic- semantic sign of anteriority.

Наишга доц. С.Эгамбердиев тавсия этган

ИҚТИСОД

ИШ БИЛАН БАНДЛИК СИЁСАТИ – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

Абдусайдов А.А. (СамДУ)

Оғир дизель фракциясини деароматлаш учун танланган экстрагентларнинг физик-кимёвий константалари

Кўрсаткичлари	Экстрагентлар		
	1,4-Диоксан	Ацетон	ТГФ
Молекуляр массаси	88,1	58,1	72,1
Зичлиги, кг/м ³	1037,5	794,7	888,1
Қайнаш ҳарорат, °С	101,4	56,3	64-66
Диполь моменти, Д	0,4000	2,8598	0,71993
Ацентрик фактори	0,28800	0,32869	0,20421

Ҳозирги кунда бензин ва мой фракцияларини экстракцион деароматлаш жараёни яхши тадқиқ қилинган ва саноатда кенг доирада қўлланилмоқда. Бироқ экологик тоза дизель ёнилғиси олиш мақсадида дизель ёнилғисини экстракцион деароматлаш усулининг самарали технологиясини ишлаб чиқиш ва экстракцион жараён учун энг мақбул экстрагентларни танлаш, уларни амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, дизель ёнилғиларини экстракцион деароматлаш жараёнидаги мавжуд қонуниятларни ўрганиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Дизель ёнилғиси асосан компаундлаш (аралаштириш) орқали турли ҳарорат ораликларида қайновчи, асосан 180-360 °С ҳарорат ораликларидаги нефть фракцияларидан олинади. Тозаланган фракция компаундлангандан кейин дизель ёнилғисига бир қанча қўндирмалар: мойловчи воситалар, цетан сонини оширувчилар, антиоксидантлар ва бошқалар қўшилади. Шундай усулда тайёрланган дизель ёнилғиси ички ёнув двигателларида ёқиш учун ишлатилади.

Адабиётлар

1. Мухтаров Н.Ш., Хамидов Б.Н., Мирзаева М.М., Шарипов К.К., Нарметова Г.Р. Адсорбционная деароматизация дизельного топлива // Узбекский журнал нефти и газа. 2009. – № 2. – С. 41–43.

2. Мухтаров Н.Ш., Хамидов Б.Н., Мирзаева М.М., Нарметова Г.Р., Шарипов К.К. Фракционирование ароматических углеводородов дизельного топлива // Узбекский журнал нефти и газа. 2009. – № 4. – С. 37–39.

3. Халиков Д.Е., Обухова С.Л., Везиров Р.Р., Теляшев Э.Г. Экстракционная деароматизация дизельных фракций. Наука и технология углеводородных дисперсных систем: Материалы II Международной симпозиума. Уфа. 2000. –С. 55–57.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Европа талабларига жавоб берадиган ва экологик тоза, эксплуатацион хоссалари яхшиланган дизель ёнилғиси олишда

экстракцион деароматлаш жараёни учун мақбул экстрагентларни танлаш ва дизель ёнилғисини тозалашнинг физик-кимёвий усуллари ишлаб чиқиш ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны физико-химические методы очистки дизельного топлива и физико-химические константы экстрагента для подбора оптимального процесса экстракционной деароматизации и получения дизельного топлива с улучшенными эксплуатационными и экологическими характеристиками, отвечающего европейским стандартам.

SUMMARY

This article is about the physical and chemical cleaning methods of diesel fuels and extracting process of physico-chemical constants for the selection of the optimal extraction dearomatization and production of diesel fuel with highly quality and environmental performance meets the standards of the European specifications.

Наишга доц. Л. Камолов тавсия этган

ПОЛИЭТИЛЕН ПЛЕНКАНИНГ ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШИДА ОПТИК АНИЗОТРОПИЯСИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Очилов А.А., Ражабова М.Ф., Камолов Л.С. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *оптик, деформация, термопласт, изотропик шаффофлик, оптик анизотропия, механик анизотроп.*

Полиэтилен пленкалар оптик шаффоф ва осон деформацияланадиган термопласт материаллар гуруҳига киради [1]. Бундай хоссаларга эга бўлишига асосий сабаб полиэтилен молекулаларининг пленкада нисбатан юқори даражада изотроп ҳолатда жойлашиши ва ўта эгилувчанлигидир. Пленка шаклланишида ёки унга ташқи физик таъсирлар берилганда молекулалар деформацион тартибланиб, изотроп шаффоф ҳолатини йўқотиши, яъни механик ва оптик анизотропияга эга бўлиши мумкин [2]. Бунинг натижасида пленканинг физик хоссалари ўзгариб, турли йўналишлар бўйича турлича механик мустаҳкамлик намоён қилинади ва анизотроп материалга айланади. Пленканинг анизотропик хоссаларни намоён қилишини, уни турли йўналишлар бўйича механик деформацияланишида поляризация-оптик эффектларни, жумладан, қўш нурнинг синиш (Dn) кўрсаткичини назорат қилиш орқали ўрганиш мумкин. Бунинг учун пленкалар механик мустаҳкамлигини аниқлаш ва қўш

3. Before the rains, she and Bandogera had walked away from the camp along the creek together/KPC,99/;

i) Personal meaning (neighbor, friend, encounter, soldier, lover)

1. That was before the lovers/ MEAS,131/;

2. She went to bed one night before Ron son/TDS,78/;

3. He had missed being expelled from school a year before Val /JGC,20/.

References and resources

1. "ACS- A. Christie. Stories-M.:Progress Publishers, 1976.p.236
2. ASS- Australian short Stories. M.:Progress Publishers, 1975.p.500
3. AHJ- Huxley A Grome Yellow M.:Progress Publishers, 1979.p. 300
4. CDD- Dickens Ch. American Notes. M.:Progress Publishers, 1950.p 250
5. CJS- Chever J Selected Short Stories. M.:Progress Publishers, 1980.p250
6. EVJ- Voinich E.L. The Gadfly-M.; Foreign Language Publishing House, 1968.p 329
7. FSS- Fitzgerald S.P Selected Short Stories. M.:Progress Publishers, 1979.p280
8. GGB- Green G The Basement Room. M.; Foreign Language Publishing House, 1970.p 329
9. JR- I saw the world born.- M.:Progress Publishers, 1979.p 290
10. JAS- Aldridge J. The sea Eagle.-Kiev: Onipro Publishers, 1973.p500
11. JGM- Galsworthy J. The Man of Property.- M.:Progress Publishers, 1976.p 400
12. KMS- Mansfield K. Selected Stories.- M.; Foreign Language Publishing House, 1959p 389
13. KPC-Prichard K. S Coonardoo.- M.:Progress Publishers, 1973.p600
14. MB- Mission in Britain. Compiled by E.E Rechitskaya. Issue 18.M.,1978
15. MR-Hannag H. Meet the Robinsons. M.: Higher School State Publishing Hous, 1963.
16. MEAS- Modern English and American short Stories. M.; Foreign Language Publishing House, 1971p 381
17. RAD- Aldington R . The Path of Thunder. M.; Foreign Language Publishing House, 1975p 587
18. RKL- Kipling R .The Light that Failed. M.:Progress Publishers, 1973.p.266
19. SAK- Sillitoe A Key to the Door. M.:Progress Publishers 1969.p.702
20. SMM- Maugham S.W. The Moon and Sixpence. M.:Progress

August/RAD ,238/;

2.He won't do it before October.../TDS,442/;

3.Not before Saturday, anyhow, said Hurstwood/TDS,444/;

4.Try to find out before next Sunday.../SPP,60/;

5.They don't want anybody just now not before next week/TDS,472/;

d) Seasons and events(autumn, winter, spring, summer, strike, war, fight, battle, struggle)

1.... they had been before the winter/JGM,133/;

2.It doesn't look as if it will be ready for occupation before next autumn/MR,123/;

3....this is different from traveling on the Hingland Line before the war /MB,125/;

4.Seem to be, but hell it twice as bad before the strike/GPD,105/;

5.These galleries which were never used- were being dug to conceal two or three divisions before a surprise attack/RAD,31/;

e) Holidays (holiday, Christmas, birthday, vocation, revolution, feast);

1.Just before Christmas Mrs. Hunter returned to select Episcopal heaven/FSS,124/;

2.It was just before Easter when he started off.../SMT,103/;

3.Before the long vocation, it's not depended /JGC,210/;

4.You met at dinner here, just before the holiday/SMM,43/;

5.If the Bolsheviki championat the constituent assembly before the November revaluation/JR,84/;

f) Tribes and nationality (Turk, Saxon..)

1.Which was Roman before the Turk.../JR,79/

2.....Something inherent in the land the race, before the Saxons.../JWG,95/

g) Abstract meaning (meeting, property, life, defence, murder, tragedy, touch- down, party, proposition, good, ill, release, fall, embarkation, operation, show, civilization, confinement, ratification, insurrection, advance, blue, case, commencement, test, inquest, shock, performance, fall, election, speech, beginning, end, journey, action)

1....he had known before the long journey/ JLC,191/;

2....the shareholders would have six months to get used to the gap before the general meeting/JWG,214/;

3.You can think it but before the next election/JGS,14/;

h) Weather and natural phenomenon (rain, storm, sun, thunderstormm....)

1.I always have a terrible headache before a thunderstorm/ ACS,242/;

2.Two or three boats passed on the river, scutteng as it were, for shelter before the storm/JGL,138/;

нурнинг синиш усуллари биргаликда қўллаш лозим. Мазкур иш ушбу йўналишда бажарилган бўлиб, унда асосий мақсад махсус йиғилган курилмада полиэтилен пленканинг механик деформацияланишида оптик анизотропияси ўзгаришини тадқиқ қилишга қаратилган.

Тадқиқот объекти сифатида қалинлиги $d = 25 \cdot 10^{-4}$ см бўлган шаффоф полиэтилен пленка танланган. Уни бўйи ва эни бўйлаб қирқиш орқали узунлиги 7 см ва эни 0,7 см бўлган намуналар тайёрланган. Бундай ўлчамларда намуналарнинг тайёрланиши Δn ни ўлчайдиган, махсус йиғилган поляризация-оптик микроскоп (ПМК) усулини қўллаш учун қулайдир. Тажрибалар намуналарни ПМК кузатув соҳасида фокусланган ҳолатини сақлаган ҳолда доимий тезликда ($V = const$) механик чўзиш орқали амалга оширилган ҳамда пленканинг узлуксиз равишда деформацион ўзгариши визуал кузатиб борилган. Намунани ҳар бир см узайишда оддий ва ғайриоддий нурлар фазалари орасидаги фарқ ($\Delta\varphi$) ва анизотропик соҳа қалинлиги (d) ўлчаб борилган. Қуйидаги формула бўйича Δn миқдори ҳисобланган [3]:

$$\Delta n = \lambda \Delta\varphi / 180d \quad (1)$$

бу ерда $\lambda = 0,56 \cdot 10^{-4}$ см – монохроматик нур узунлиги.

Пленкани деформацияланишидаги Δn миқдорини, деформацияланмаган ҳолатдаги Δn_0 миқдорига нисбати орқали унинг анизотропик хоссасини ифодаловчи ориентация фактори $\beta = (\Delta n / \Delta n_0)^{0,5}$ аниқланган. Шуни таъкидлаш жоизки, полиэтилен молекулаларнинг хусусий оптик анизотропиясининг мавжудлиги ва уларни пленкада идеал ҳолатда изотроп ҳолатда бўлмаслиги, пленка деформацияланмаганда ҳам сезиларли даражада Δn_0 миқдори билан тавсифланишига сабаб бўлишини кўрсатди.

Кузатувлар пленка намуналарини механик тарзда доимий $V = 1$ мм/с тезликда чўзишда бўйи бўйлаб 7 баробар ва эни бўйлаб 4 баробар узайиб, сўнг узилишини кўрсатди. Агар бўйи бўйича деформацион ўзгаришини (Δl_0) ва эни бўйича эса (Δl_3) деб белгиласак, унда уларнинг нисбати механик анизотропия кўрсаткичи (a_n) бўлади. Бунга асосан, a_n нинг максимал қиймати $\Delta l_0 / \Delta l_3 = 1,75$ эканлиги аниқланди. Бу натижа пленканинг деформацияланишида юқори даражада механик анизотропик хосса намоён қилишини кўрсатади. Бунга асосий сабаб пленканинг бўйи бўйлаб полиэтилен молекулалари нисбатан юқорироқ даражада ориентация тартибли жойлашган бўлиши ва механик чўзишда макромолекулаларнинг бир-бирига нисбатан деформацион силжишидир.

Бу ҳодиса поляризация-оптик тажрибаларда ҳам кузатилди. Пленка деформацияланишдан олдин бир жинсли оптик шаффоф ва қўш нурнинг синиш кўрсаткичи нисбатан анча кичик миқдор ($\Delta n_0 = 0,01$) билан тавсифланиши аниқланди. У бўйи бўйлаб 2 баро-

бар чўзилганда, яъни деформацияланиш даражаси $\Delta l = 2$ га етганда, унинг четларида аниқ чегарага эга, нисбатан ёрқинроқ оптик анизотропик фаза пайдо бўлди. Чўзишнинг давом эттирилиши пленкани эни бўйлаб микроўлчамларда кичрайиб бориши ва оптик анизотропик фазанинг катталашиб бориши кузатилди. Чўзиш 4 баробарга етганда, намунанинг марказида ўта ёрқин анизотропик фаза вужудга келди. Натижада пленкада 5 та ҳар хил даражадаги оптик анизотропик фазалар намоён бўлди. Пленка янада чўзилганда, оптик анизотропик фазалар ранги ўзгариши, яъни камалак ранглар кузатилди. Бунга сабаб, ясси сиртли пленканинг эллипсимон шаклга ўзгара бошлашидир, чунки камалак эффекти ана шундай шаклли шаффоф материалларга хосдир. Чўзиш давом эттирилган сари дастлаб камалак ранглар сони ортиб борди, сўнг камаю бошлади. Пленкани бўйи бўйлаб чўзиш 6 баробарга ошганда, намунада камалакнинг оқ ва оч сариқ рангли 2 та анизотроп фазаси қолди. Бунда пленканинг энини ҳам 6 баробарга яқин қисқариши кузатилди. Пленка 7 барабор чўзилганда у деярли тўлиқлигича оқ рангли анизотроп фазали материалга айланди ва механик тарзда узилиб кетди.

Камалак рангларнинг вужудга келиши, яъни пленка бир нечта оптик анизотропик фазани намоён қилиши қўш нур синиш миқдорини ўлчашни қийинлаштирди. Шу боис деформацион чўзишда $\Delta\varphi$ ва d миқдорлари пленканинг марказидаги анизотропик фаза бўйлаб ўлчаб борилди ҳамда Δn_o ва Δn асосида ориентация факторининг (β) ўзгариши ҳисобланди (1-расм).

Тадқиқотлар деформацияланиш даражаси 1 баробарга етгунга қадар, β миқдорини адекват тарзда, сўнг 4 баробарга ошса, β миқдорини нисбатан секин ўзгаришини кўрсатди. Биринчи ҳолда деформацияланиш деярли тўлиқлигича пленкани изотроп ҳолатдан анизотроп ҳолатга ўтишига сарфланса, иккинчи ҳолатда эса нафақат изотроп, балки анизотроп ҳолатдаги фазаларнинг ўзгаришини амалга оширади. Шу боис, иккинчи ҳолда β ни миқдори камроқ ўзгаради. Деформацияланиш даражаси 6 баробарга ошгунча β миқдори кескин ортиб боради. Бунга сабаб оптик анизотропик фазаларнинг умумлашиб боришидир. Кейинги босқичда ($\Delta l \rightarrow 7$) пленка ягона оптик анизотропик фазага эришиб, парчаланиш пайтида барча молекулалар юқори даражада ориентирланади ($\beta = 0,95$). Бундай ҳолат пленкани эни бўйлаб механик чўзишда ҳам кузатилади.

evening when they were drinking before ... (Compare: He was troubled and lonely as he had never been before – CJS,233)

13.

14.

15. ... Bert lanquered up in khaki battledress and ...that had joined him up a long while before his time/ SAK,310/ that had joinedh him up a long while before (Compare:... she had never seen this before ... -CJS,233)

The temporal anterior syntaxemes have their variants expressed by a substantial combinations with the preposition “before”, combinations with personal pronouns, adverbs and numerals with the above said preposition.

The lexical basis of the main variant- before S consists of the substantials with the meaning:

a) Day time (night, morning, evening, midnight, noon, afternoon, date, daylight, sunset, sundown, dark, darkness, dawn, sunrise, day, night- fall, daybreak);

1. ... Brian was going away before daylight /ASS,23/;

2.... We are likely to have the place burnt down before night-fall/EVG,280/;

3.By morning , before sunrise, they had come/JAS,208/;

4.In the morning, we will go to Monsieur Fouquet`s house /ADT,20/;

5.In those days, I didn`t like reading/ALP,14/;

6.You shouldn`t eat so much late at night/ALP,65/;

7. ...but he began to fear they wouldn`t be in Davideon before dark/GGB,89/;

8. It was about an hour before dawn/MEA,75/;

b) Meal (lunch, dinner, breakfast, meal, supper, luncheon, tea, coffee, food)

1.Who shot himself early one morning before breakfast.../HEH,64/;

2....and Paula hoped that the evening was not spoiled after all, but two imprudent cocktails before dinner completed this disaster/TDS,103/;

3...who usually made no public appearance before luncheon.../AHG,77/;

4.Once just before the coffee she had found herself wanting to giggle at the thought of Norman taking his sandy moustache back to Chester Vern and old warwick/JPA,189/;

5.I think I`ll sort the table now so I can have a rest before tea /ASS121/;

c) Weeks and months(August, October, Thursday, Sunday, week, Saturday);

1.Another day it must have been the Sunday before the

8. It should be before morning, Stone said/JAS,49/ It should be then when should it be?

9.

10.

11.

12.

13. I'd like to get back to the city before dark/CJS,36/ I'd like to get back to the city then When should I like to get back to the city?

14.

15.

16. Each twig of the nearby tree was significant and isolated as before a thunderstorm/ SAK,185/ Each twig of the nearby tree was significant and isolated as then When was each twig of the nearby tree....isolated?

17.

18.

19.

20.

21.

22.

23. ...he slouched in the basket- chair, bored and tired ,tense at the thought of a dozen empty hours before daylight and relief/SAK,355/ he slouched in the basket- chair, bored and tired ,tense at the thought of a dozen empty hours then

When did he slouch...?

The sign of anteriority is proved by a transformation of the under combination study with the adverb “before”:

1.

2.

3. She had washed her hair before breakfast.../ KMS,56/ She had washed her hair before(Compare: As I said before ... CDD,38)

4.

5.

6. We could leave her before dark.../ASS, 2103/ We could leave her before (Compare: ... Frucis realized where he had seen the woman before.-CJS,149)

7.


8.

9. I will see of this before the morning/ JAS,27/ I will see of this before.-SMM,29)

10.

11.

12. She came out onto the parch one evening when they were drinking before dinner.../CJS,124/ She came out onto the parch one



1-расм. Полиэтилен пленканинг бўйи (a) ва эни (б) бўйлаб механик деформацияланишида (Δl) ориентация факторининг (β) ўзгариши

Бунда деформацияланиш 4 баробарга ошгунча қадар ориентация факторининг миқдори ошиб боради ва $\beta = 0,45$ етганда механик тарзда узилади. Бу ҳол полиэтилен молекулаларининг пленканинг бўйи ва эни бўйлаб турлича тарзда жойлашганлигидан, яъни бўйи бўйлаб тахланиши юқориқ эканлигидан далолат беради. Шу боис эни бўйлаб чўзилганда молекулалараро водород боғлар ($E \leq 30$ кЖ/моль), бўйи бўйлаб чўзилганда ковалент боғлар ($E \leq 300$ кЖ/моль) узилиши амалга ошган, деб хулоса қилиш мумкин.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари полиэтилен пленканинг турли йўналишлар бўйлаб деформацион ўзгариши турлича бўлиши ва уни оптик анизотропиясига боғлиқ тарзда назорат қилиш мумкинлигини кўрсатган.

Адабиётлар

1. Воронков А.Г., Ярцев В.П. Исследование физико-механических свойств полимеров и полимерных композитов. – Тамбов: Тамб. ГТУ. 2004. – 28 с.

2. Бартенев Г.М., Френкель С.Я. Физика полимеров. -Л.: Химия, 1990. – 432 с.

3. Тагер А.А. Физико-химия полимеров. – М.: Научный мир. 2007. – 576 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада полиэтилен пленкасининг оптик анизотропик тузилишни намоён қилиши маълум қонуниятга асосланган бўлиб, шакл ҳосил қилиш босқичида мезофазадаги структур ўтишлар натижа-сида механик мустаҳкамликни намоён қилиши, пленкани турли шароитларда маълум йўналишда технологик катталиклар асосида шакл ҳосил қилишга боғлиқ бўлиши баён қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье установлены закономерности образования оптических анизотропных структур, выявленные на различных стадиях процесса деформации, что позволяет использовать явление перехода в мезо-фазу для получения высокопрочных материалов, а также выбрать конкретные направления технологических разработок при создании полиэтиленовых пленок различного назначения.

SUMMARY

This article is about established facts of formation of the optician of anisotropic structures, ascertained on the different stages in the process of formation which allowed to use the phenomenon of transition into anisotropic melt for getting high-tensile materials, and also to choose concrete directions of technological developments during the formation of polyethylene pellicle of the different setting.

ТОЛУОЛ, ПРОПИЛБЕНЗОЛ ВА ИЗОПРОПИЛБЕНЗОЛЛАРНИ АМИДОАЛКИЛЛАШ РЕАКЦИЯЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Қурбонов У.А., Бўрихонов Б.Х., Юлдошева М.Р.,
Камолов Л.С., Холиқов Т.С. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *толуол, изопропилбензол, учламчибутилбензол, N-метилолфталимид, N-бромметилфталимид, сульфат кислота.*

Толуол, изопропилбензол ва учламчибутилбензолни амидометиллаш реакциялари адабиётларда ўрганилган эмас. Ушбу иш амидоалкиллаш реакцияларининг давоми бўлиб, толуол, изопропилбензол ва учламчибутилбензолни N-метилолфталимид билан сульфат кислота иштирокида амидометиллаш реакцияларини ўрганишга бағишланган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети органик кимё кафедрасида проф. Қ.Н.Аҳмедов раҳбарлигида бир неча йиллардан бери турли ароматик углеводородлар ва уларнинг функциональ ҳосилаларини амидоалкиллаш реакциялари мунтазам равишда ўрганиб келинмоқда. Бу ишларнинг натижасида бензол, толуол, изомер ксилоллар каби кўплаб ароматик углеводородларни N-метилолфталимид, β-гидроксиэтилфталимид, N-бромметилфталимид билан бензодиоксан-1,4ни, резорциннинг моно- ва диметил эфирларини, гидрохинон диметил эфирини N-метилолацетамид, N-метилолхлорацетамид, ацетонитрил, бензонитрил ва параформ билан амидоалкиллаш реакциялари ўрганилган [1].

adabiyotlaridan olingan misollar yordamida isbotlangan.

РЕЗЮМЕ

Данная научная статья посвящается функциям собственных имён существительных в английском языке. Рассмотренные десять основных грамматических функций представлены посредством примеров из художественной литературы.

SUMMARY

The present scientific article is about functions of Proper nouns in English. Nouns and noun phrases perform ten main grammatical functions in the English language provides examples pick up from authentic English literature to illustrate their usage.

Наируза доц. С.Эгамбердиев тавсия этган

TEMPORAL SYNTAXEME WITH THE PREPOSITION *BEFORE* IN MODERN ENGLISH LANGUAGE

Qiyomov R., Komilova G., Omonova L. (KarSU)

Key words: *syntaxeme, temporal, anteriority, substantial, combination, adverb, numeral.*

There is an exceptional syntaxeme with in the substantial temporal syntaxemes that differs from the others having additional differential syntactic-semantic sign of anteriority. Means of expressing the temporal anterior syntaxeme is considered to be a correlation of the preposition “before” together with noun or pronoun. The presence of the temporality sign in this syntaxeme could be proved with the help of transformation – replacing a prepositional combination with the adverb “then” as well as the interrogative transformation. Compare:

- 1.
- 2.
3. I was just going out to have a drink before dinner/SMM,56/

I was just going out to have a drink then when was he going out to have a drink?

- 4.
- 5.
- 6.
- 7.

information such as time, place, manner, condition, reason, or purpose. Adverbials answers such questions as "when?" "where?" "why?" and "how?" The following italicized Proper nouns are examples of adverbials:

- The following *Saturday* they had gone for a picnic on the *Bear Peninsula*. (ASP-400)
- The entire house seemed to be decorated in the *Louis XVI style*. (MMS-145)
- Kelly almost wanted to laugh at *how well Clara put this man at his place*. (COT-47)
- She and Stephen had driven to *New Mexico* last *February*. (ASP-273)

As you read above article Proper nouns perform ten grammatical functions in the English language. Those functions differ from each other. By the help of given examples which were taken from English literary books, I tried to show how proper nouns are introduced in English sentences.

References and resources


1. ASP-Alexander McCall Smith “The 2 ½ Pillars of Wisdom” Abacus. Great Britain.2011. PP- 393
2. COT-Constance O’Day Flannery “Time After Time” Avon Books. New York. 2001. PP- 374
3. Hopper, Paul J. “A short course in grammar” W. W. Norton & Company. New York.1999. PP-114
4. Huddleston, Rodney.”Introduction to the grammar of English” Cambridge University Press. Cambridge. 1984. PP- 129
5. KNM-K.N.Casper “The Millionaire Horseman” Harlequin. U.S.A. 2000. PP-299
6. LME-Lindsay Maracotta “Everything we wanted” Pinnacle Books. New York.1985. PP-419
7. MMS-Marsia Martin “Southern Nights” Jove Books. New York. 1990. PP-410
8. SKC-Sophie Kinsella “Can you keep a Secret?”. Black Swan. Great Britain 2003. PP- 362
9. Эгамбердиев С. Синтактические и синтактичеко-семантические характеристики сочетаний с предлогом *under* современном английском языке. – Карши: Насаф, 2007. –141 с.

REZUME

Maqola atoqli otlarning Ingliz tili gap strukturasiidagi turli xil vazifalari haqidadir. Ot va otl birikmalar ingliz tilida o’nta grammatik vazifada ifodalanadi. Unda atoqli otlarning qanday vazifada kelishi, qanaqa so’roqlarga javob bo’lishi yoritilgan bo’lib, vazifalari ingliz tili


Маълумки, N-гидроксиалкиламидлар, N-гидроксиалкилимидлар синтез қилиниши осонлиги, юқори унум билан ҳосил бўлиши ва кислоталар таъсирига чидамлилиги сабабли амидоалкилловчи реагентлар орасида алоҳида ўрин тутади. Бу электрофил реагентлардан фойдаланиб бошқа турдаги электрофил реагентлар – галогеналкиламидлар, оддий эфирлар, N,N'-алкилен-бис-амидларни ҳам синтез қилиш мумкин.

Сульфат кислота иштирокида хона ҳароратида N-метилолимидларнинг реакцияга киришиш қобилияти ҳар хил бўлиб, улар орасида N-метилолфталимид (N-МФИ) нинг юқори электрофиллик хусусиятга эга эканлиги исботланган [2]. Амидоалкилловчи реагент – N-МФИдан катализатор таъсирида ҳосил бўладиган ион жуфти ёки карбокатион барқарор бўлиб, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:



Демак, айтиш мумкинки, концентранган сульфат кислотада карбокатионнинг барқарорлиги ва электрофиллик хусусияти орасида боғлиқлик бор. Ўзгаришлар натижасида реагентдан ҳосил бўладиган ион жуфти ёки карбокатион асослилик хоссаси турли хил бўлган ароматик бирикмалар билан ҳар хил тезликда реакцияга киришади.

Биз танлаб олган N-МФИ бирламчи спирт бўлишига қарамасдан, у билан амидоалкиллаш реакциялари нисбатан юмшоқроқ шароитда боради. N-МФИ молекуласидаги атомларнинг ёки функционал гуруҳларнинг таъсирини қуйидагича тасвирлаш мумкин:




Маълумки, бир атомли спиртлар 140°C атрофида сульфат кислота таъсирида оддий эфирларни ҳосил қилади. Бу хусусият N-МФИга ҳам хос бўлиб тажриба шароитида унинг оддий эфирлари ҳосил бўлиши мумкин. Ўрганилган адабиёт маълумотларидан маълумки, гидроксил гуруҳ тутган амидоалкилловчи реагентларнинг ҳосил

қилган оддий эфирлари ҳам реакция учун амидоалкилловчи реагент бўла олади. Аммо оддий эфирлар гидроксил гуруҳ тутган амидоалкилловчи спиртларга нисбатан электрофиллик қобилияти паст бўлган реагент саналади.

Амидоалкиллаш реакцияларида ҳосил бўладиган оддий эфирларни фаоллаштириш учун, яъни реакцияга киришиш қобилиятини ошириш учун, реакция аралашмасига ортикча микдорда катализатор қўшиш талаб этилади. Ортикча олинган катализаторнинг бир қисми оддий эфирни парчалашга сарф бўлса, қолган қисми амидоалкиллаш реакцияси учун катализаторлик вазифасини бажаради.

Амидоалкиллаш реакцияларини амалга ошириш учун дастлаб биз N-метилолфталимидни синтез қилиб олдик:



Бунинг учун тескари совуткич билан жиҳозланган сиғими 100мл бўлган қолбага 0,06 моль фталимид солиб уни тегишли микдордаги формалиннинг 4,3мл 37 фоизли сувли эритмаси билан қиздирилди. Олинган аралашма музли сувга қўйилганда чўкма ҳосил бўлди.

Биз реакцияга киришиш қобилияти бензолга нисбатан юқори бўлган толуол, изопропилбензол ва учламчибутилбензолнинг реакцияларини сульфат кислота иштирокида ўргандик. Реакцияларнинг оптимал шароитини аниқлаш учун субстратларнинг табиати, реагентларнинг моллар нисбати, температура ва реакция вақтининг давомийлигининг унумга ва маҳсулот таркибига таъсирини ўргандик.

Бензол ҳалқасида метил-, изопропил-, учламчибутил гуруҳларининг бўлиши ароматик углеводородларнинг реакцияга киришиш қобилиятига кучли таъсир қилади. Масалан, бензол N-метилолфталимид билан реакцияга киришмайди. Аммо унинг молекуласига метил гуруҳ киритилса, углеводороднинг реакцияга киришиш қобилияти тахминан 10^3 марта ошади.

Биз толуолни N-метилолфталимид билан реакциясини H_2SO_4 иштирокида ўргандик. Реакциянинг оптимал шароити топилди. Реагентлар N-метилолфталимид: толуол: конц. H_2SO_4 ларнинг моллар нисбати 1:3:1 бўлганда 3 соат давомида 50 фоиз унум билан реакция маҳсулоти олинди. Бу унум илгари ПФК да олинган реакция унумига тенг [1].

Агар бензол ҳалқасида биринчи гуруҳ ўринбосарлари бўлса, реакция натижасида орто- ва пара-изомерларнинг аралашмаси ҳосил бўлади. Аммо толуолни N-метилолфталимид билан H_2SO_4 иштиро-

complements are also called complements of prepositions and objects of prepositions. The following italicized Proper nouns are examples of prepositional complements:

- We would like to continue links *with the Panther Corporation.* (SKC-15)
- Without talking *to Lizzie* I wouldn't have known it happened. (COT-215)
- Nobody talked back *to Logan Feilder.* (KNM-58)

Noun Phrase Modifier

Although adjectives are traditionally defined as words that describe nouns, nouns and noun phrases can function as noun phrase modifiers. A noun phrase modifier is a word, phrase, or clause that describes another noun or noun phrase. The following italicized noun phrases are examples of noun phrase modifiers:

- Wingate Miller is a prominent member of *the United States Senate.* (KNM-75)
- Mark sat on the settee in the corner, sipping a cocktail and reading *the Wall Street Journal.* (MMS-104)
- Then, shortly after his return from *the French Philological Forum* in Lyons, he felt a gnawing pain at his jaw. (AMT-98)

Determinatives

Like other determiners, proper nouns can also function as determinatives. A determinative is a noun or noun phrase plus the possessive clitic (apostrophe s or s apostrophe) that indicates possession of or some other relationship to another noun or noun phrase. The following italicized noun phrases are examples of determinatives:

- The Prinzels insists on being told every detail of *Von Igelfeld's* remarkable day. (ASP-226)
- *Gwyn's* hands shook as she dialed the number of *Dexter Thorndyke's* office in Dallas. (KNM-245)
- It was too much for *Kelly's* tired brain, so she decided to focus on *Lizzie's* incessant chatter (COT-17)

Appositive

Proper nouns also function as appositives. An appositive is a word, phrase, or clause that modifies or explains another noun or noun phrase. The following italicized Proper nouns are examples of appositives:

- June's husband, *Josiah*, is a groundskeeper. (KNM-63)
- Then the leader, a woman from Andrea's house named *Aileen Rourke*, glanced at her watch. (LME-117)
- The bottle of Wind Song Rick's sister *Lynda* had sent her for Christmas. (ASP-203)

Adverbial

Finally, Proper nouns can function as adverbials. An adverbial is a word, phrase, or clause that describes an entire clause by providing

being verbs and include verbs like *be*, *become*, and *seem*. The terms *predicate nominative* and *predicate noun* are also used for noun phrases that function as subject complements. The following italicized Proper nouns are examples of subject complements:

- This is *Emma Corrigan*, one of our junior marketing assistants. (SKC-74)
- My nearest relative was my *Uncle Walter*, this was his place. (KNM-29)
- One of Kelly's favorite stories was *Peter Pan*. (COT-56)

Direct Object

Proper nouns can also function as direct objects. A direct object is a word, phrase, or clause that follows a transitive verb and answers the question "who?" or "what?" receives the action of the verb. The following italicized noun phrases are examples of direct objects:

- Kate spent the morning reading "*Sense and Sensibility*". (ASP-271)
- She leaned against the wall and watched *Mark and Alicia*. (MMS-151)
- He poured *Hearty Burgundy* into thick glasses. (LME-46)

Object Complement

Similarly to subject complements, nouns and noun phrases can function as object complements. An object complement is a word, phrase, or clause that directly follows and describes the direct object. The following italicized Proper nouns are examples of object complements:

- Kelly took a deep breathe, realizing that Clara had called him *Daniel*. (COT-27)
- Douglas always calls me "*Little Thing*" or "*Funny Face*" or some name like that. (LME-118)
- Your cousins named their daughter *Rainbow*!

Indirect Object

Proper nouns can also function as indirect objects. An indirect object is a word, phrase, or clause that follows an intransitive verb and answers the question "to or for whom?" or "to or for what" is the action of the verb performed. The following italicized noun phrases are examples of indirect objects:


- I gave *Connor* this lovely leather watch for *Christmas*. (SKC-33)
- She watched as Andrew and another maid helped *Delia* to carry in buckets of hot water. (COT-134)
- While the girl played with it, Jed told *Riley* about Thorndyke's visit. (KNM-91)

Prepositional Complement

Proper nouns function as prepositional complements. A prepositional complement is a word, phrase, or clause that directly follows the preposition in a prepositional phrase. Prepositional

кидаги реакциясидан фақат битта пара-изомер ҳосил бўлади, орто-изомер ҳосил бўлмайди. Бунинг сабаби амидометиллаш реакцияси боришида ҳосил бўладиган ҳажми катта комплекснинг орто-ҳолатга хужум қилиши фазовий томондан қийинлигидир. Шу сабабдан бу реакцияда битта пара-алмашган маҳсулот ҳосил бўлади.

Толуолни N-метилолфталиимид билан H₂SO₄ иштирокида борадиган реакциясини умумий ҳолда куйидагича тасвирлаш мумкин:




Реакция натижасида пара-фталиимидометилтолуол ҳосил бўлади. Унинг тузилиши ИҚ- ва ПМР-спектрлари билан тасдиқланади.

Биз амидоалкиллаш реакцияларини ўрганишни давом эттириб N-метилолфталиимидни изопрропилбензол билан реакциясини сульфат кислота таъсирида ўргандик.

Изопрропил радикали метил ва учламчибутил радикаллариға солиштирилганда, унинг ҳажми учламчибутил радикалидан кичик, метилдан эса катта эканлиги маълум бўлади.

Бу радикалнинг ҳам ҳажми катталиги ҳисобга олинса, кириб келадиган фталиимидометил гуруҳ ҳам бензол ҳалқасининг параҳолатига киради, деб айтиш мумкин. Изопрропилбензол молекуласидаги π-электронларнинг тақсимотини куйидагича тасвирлаш мумкин:




Демак, бу амидометиллаш реакциясида ҳам битта изомер пара-фталиимидометилизопрропилбензол ҳосил бўлади деб тахмин қилиш мумкин. Изопрропилбензолнинг N-метилолфталиимид билан реакцияси конц. сульфат кислота иштирокида олиб борилди.

Бунинг учун реагентларнинг нисбатлари N-МФИ:изопрропилбензол: H₂SO₄ 1:3:1 олиниб реакция 1-4 соат давомида 15 мл бензолда олиб борилди. Реакция аралашмаси 80-90⁰С да 1 соат

давомида қиздирилганда 40 фоиз унум билан маҳсулот олинди. Реагентлар нисбати ўзгартирилмасдан реакция 2 соат давомида қиздирилганда 63 фоиз, 3 ва 4 соат давомида қиздирилганда эса тегишлича 81-87 фоиз унум билан маҳсулот олинди.


Демак, реакция 3 ва 4 соат давомида олиб борилса, изопрропилбензолни N-метилолфталимид билан таъсирлашишидан максималь унум билан амидометиллаш маҳсулоти ҳосил бўлади. Реакция натижасида битта изомер пара-фталимидометилизопрропилбензол ҳосил бўлади. Буни эса ЮКХ ҳамда ИҚ ва ПМР-спектрлар тўла тасдиқлади.

Реакция куйидаги тенглама бўйича боради:



Мавзу бўйича пропилбензолни N-МФИ билан амидоалкиллаш реакциясини ўрганиш лозим эди. Аммо пропилбензолнинг йўқлиги сабабли биз унинг ўрнига учламчибутилбензолини субстрат сифатида танлаб олишга мажбур бўлдик. Учламчибутилбензол билан N-МФИнинг H_2SO_4 даги реакцияларини толуол ва изопрропилбензолга ўхшаб олиб бордик.

Учламчибутилбензол билан олиб борилган реакцияларда реагентлар нисбати N-метилолфталимид: учламчибутилбензол : конц. H_2SO_4 ларни 1:3:2 моллар нисбатида олдик. Реакция тескари совуткич ва термометр билан жиҳозланган туби юмалоқ уч оғизли колбада механик аралаштиргич билан доимий аралаштириб турилган ҳолда 3 соат давомида $85-90^{\circ}C$ да олиб борилди. Реакция аралашмаси совитилгач, унга этил спирти кўшиб маҳсулот чўкмага туширилди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, реакцияни 3 соат давомида олиб бориш билан маҳсулотни юқори унум билан олиш мумкин экан. Реакция вақти оширилса ҳам, маҳсулот унуми сезиларли даражада ошмади. Демак, реакцияни оптимал шароити 3 соат бўлиб, аралашмани $85-90^{\circ}C$ да қиздириш билан олиб бориш керак. Учламчибутилбензолни N-МФИ билан H_2SO_4 иштирокидаги реакция схемасини куйидагича ёзиш мумкин:



A proper noun is a noun that in its primary application refers to a unique entity, such as *London*, *Jupiter*, *Sarah*, or *Microsoft*, as distinguished from a common noun, which usually refers to a class of entities (*city*, *planet*, *person*, *corporation*), or non-unique instances of a certain class (*a city*, *another planet*, *these persons*, *our corporation*). Some proper nouns occur in plural form (optionally or exclusively), and then they refer to *groups* of entities considered as unique (the *Hendersons*, the *Everglades*, the *Azores*, the *Pleiades*). Proper nouns can also occur in secondary applications, for example modifying nouns (the *Mozart* experience; his *Azores* adventure), or in the role of common nouns (he's no *Pavarotti*; a few would-be *Napoleons*). Nouns and noun phrases perform ten main grammatical functions in the English language. The following article lists the ten functions and provides examples to illustrate their use. Noun phrases are formed by a noun or pronoun and any modifiers, complements, or determiners including adjectives, determiners, prepositional phrases, noun clauses, and verb phrases.

Proper nouns perform ten grammatical functions in the English language. The ten functions are:

1. Subject
2. Subject complement
3. Direct object
4. Object complement
5. Indirect object
6. Prepositional complement
7. Noun phrase modifier
8. Determinative
9. Appositive
10. Adverbial

The following sections discuss the ten functions and include examples to illustrate use.

Subject

Proper Nouns first function as the subject of clauses. A subject is a word, phrase, or clause performs the action of or acts upon the verb. Clauses contain both a subject and a predicate. The following italicized noun phrases are examples of subjects:

- *Ray Ferguson* was an energetic, strong-willed man. (*LME-32*)
- *Von Igelfeld* stared at him in horror. (*ASP-144*)
- *Mark* began to stalk along the corridor. (*MMS-85*)

Although other grammatical forms can function as the subject of clauses, nouns and noun phrases most frequently perform the function.

Subject Complement

Proper nouns secondly function as subject complements. A subject complement is a word, phrase, or clause that follows a copular verb and describes the subject. Copular verbs are also called linking and state-of-

языка. Карши. 2007.

6.ACHM-Agatha Christie "Murder on the orient express" English detective story.

7.EVG-Voinich E.L. The Gadfly –M; Foreign Languages Publishing House.1958.

8.FCS-Cooper F.G. The Spy.-M: Progress Publishers.1979.

9.JEH- Janet Evanovich "Hot six" New York.

10. JGW-Galsworthy J. The White Monkey. –M: Progress Publishers.1976.

11. MBL-Mack Bolan "Lethal Impact".

12. MSP-Spark M.The Public Image.Stories.M:Progress Publishers.1976.

13. MTS-Twain M.Stories and Pamphlets M:Foreign Languages Publishing House.1952.

14. RAD-Aldington R.Death of a Hero.M:Foreign Languages Publishing House.1959.

РЕЗЮМЕ

Maqolada tilshunoslikka oid iterativ sintaksemalar xususida soʻz yuritiladi. Iterativ sintaksemalarning obyektlik, temporallik hamda lokativlik xususiyatlari bayon etiladi va badiiy adabiyotlardan olingan misollar bilan isbotlab beriladi.

РЕЗЮМЕ

Данная научная статья освещает итеративные синтаксемы в лингвистике. В статье представлены примеры из художественной литературы, характеризующие объектные, темпоральные и локативные особенности итеративных синтаксем

SUMMARY

The following scientific article is about iterative syntaxemes in linguistics. The object, temporal, locative features of iterative syntaxemes are revealed and they are proved with examples which are taken from English literary books.

Наишга доц. С.Эгамбердиев тавсия этган

FUNCTIONS OF PROPER NOUNS IN ENGLISH


Egamberdiyev D. S., Norqulova M. (KarSU)

Key words: *proper noun, subject complement, prepositional complement, noun phrase modifier, appositive, object complement, verb phrases, determinative.*


Реакция натижасида орто- ва пара-изомерларнинг аралашмаси ҳосил бўлиши лозим эди. Аммо субстрат молекуласидаги учламчи бутил радикалининг ҳажми катталигини ва кириб келувчи гуруҳнинг фазовий жихатдан катталигини эътиборга оладиган бўлсак, реакция маҳсулоти пара-алмашган фталимидометилучламчибутил-бензолдан иборат бўлиши маҳсулотнинг ИҚ- ва ПМР- спектрлари таҳлил қилинганда тасдиқланди.

Шундай қилиб, толуол, изопротилбензол, учламчибутилбензолни N-метилолфталимид билан сульфат кислота иштирокида амидометиллаш реакциясини куйидаги механизмда боради деб тахмин қилиш мумкин.

Дастлаб, N-метилолфталимид сульфат кислота таъсирида протонлашади ва оксоний (I) комплексини ҳосил қилади. Оксоний комплекси, толуол, изопротилбензол ва учламчибутилбензолга электрофиль сифатида ҳужум қилади. Реакциялар π-ва σ-комплекслар орқали бориб реакция маҳсулотини беради.



Комплекс (I) да метилен гуруҳи углерод атоми мусбат заряди қиймати қисман ортади. Натижада комплекс (I) нинг ароматик ҳалқага ҳужум қилиши осон боради:



Реакция S_(E)(Ar)₂ механизмда боради ва охириги маҳсулот ҳосил бўлади. Олинган моддаларнинг тузилиши ИҚ- ва ПМР-спектрлари ёрдамида ўрганилди ва тақлиф этилган моддаларнинг тузилиши тўла тасдиқланди.

Адабиётлар

1. Юлдашева М.Р. Ароматик углеводородлар ва икки атомли фенолларнинг эфирларини амидоалкиллаш: хим. фанл. номз. диссертацияси. Тошкент. 2009.

2. Zaugg H.E. α -Amidoalkylation of Carbon: Part I // Synthesis. –New York, 1984. –№ 2. –P. 85–110.

РЕЗЮМЕ

Мақолада амидоалкиллаш реакцияларини амалга ошириш учун N-метилолфталимидни (N-МФИ) синтез қилиш, реагентларнинг нисбатлари N-МФИ:изопропилбензол: H_2SO_4 1:3:1 олиниб, реакция 1-4 соат давомида 15 мл бензолда олиб бориш ёрдамида реакция аралашмасида 1 соат давомида қиздирилганда, 40 фоиз унум билан маҳсулот олинганлиги, натижада реагентлар нисбат ўзгартирилмасдан реакция 2 соат давомида қиздирилганда 63 фоиз, 3 ва 4 соат давомида қиздирилганда эса тегишлича 81-87 фоиз унум билан маҳсулот олинганлиги баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье описан механизм проведения реакции амидоалкилизации и ее результаты. Для проведения реакции необходимо синтезировать N-метилолфталимид (N-МФИ). Реагенты - N-МФИ, изопропилбензол и H_2SO_4 – берутся в соотношении 1:3:1. Реакция продолжается при помощи 15 мл бензола в течение 1-4 часов. При прогревании реакционной смеси при 80-90⁰С в течение 1 часа получается 40 % продукта, в течение 2 часов – 63 %, в течение 3-4 часов – 81-87 %.

SUMMARY

Amidoalkanes to carry out the reactions we first N - metilolftalimid (N - MFI) synthesis before Rates of reagents N - MFI : izopropilbenzol : H_2SO_4 1 : 3 : 1 based on the reaction of 15 ml of benzene was carried out for 1-4 hours . The reaction mixture was heated for 1 hour at 80-90⁰С unum product was 40 % . The ratio of reagents change 3 % of the reaction is heated to 63 for 2 hours and 4 hours during the heating of the product with 81-87 % respectively efficient.

adverbial elementi qo'shilishida iterativlik yo'q bo'ladi. Endi shularni ko'rib chiqamiz:

Day by day he does morning exercises-Then he does morning exercises.

Her eyes said: "I've waited for you night after night-Her eyes said: I've waited for you then.

Once a business was underway,it was easy enough to find other people to do running of it then.

Iterativ temporal sintaksemaning leksik bazasi asosan vaqt birliklari kun nomlari, oylar va hokazolar aniq ifodalaydigan otlar bilan izohlandi. Iterativ temporal sintaksema o'z ifodasini topgan gaplarni ko'rib chiqamiz:

Minute after minute, hour after hour, day after day, week after week,those merciless heavies pounded the grouning town.(RAD 315).

The good and evil results that flow from any act,even the smallest,breed on and on,century after century,forever and ever... (MTS 145)

Time after time he reverted to the whole gigantic tragedy and time after time he gave it up (RAD 279).

Iterativ lokativ sintaksemlar. Quyidagi gaplarni tahlil qilamiz:

1.The sun shone gold-brown on the expause of parquet floor,in the room after room (MSP 21).

2.Around back was wall-to-wall cars.(JEH 74)

3. ...a fashion which will spread wide and wide, year by year, covering state after state , as with an advancing decease (MTS 107);

Yuqoridagi gaplarda ajratib ko'rsatilgan iboralar sintaktik-semantik iterativ va substansial xususiyatidan tashqari, lokativlik xususiyatiga ham ega. Ushbu xususiyatni isbotlash uchun keltirilgan iboralarni adverbial elementlar bo'lish here va there bilan almashtirish transformatsiyasini amalga oshirish kerak.

1.The sun shone gold-brown on the expause of parquet floor,in the room after room-The sun shone gold-brown on the expause of parquet floor here and there.

2.Around back was wall-to-wall cars-Around back was here and there cars.

3....a fashion which will spread wide and wide,year by year,covering state after state,as with an advancing decease-...a fashion which will spread wide and wide,year by year,covering here and there,as with an advancing decease;

Adabiyotlar

1.Мухин А.М. Лингвистический анализ. –М.: Наука. 1976

2.Ilyish B. The Structure of Modern English. Leningrad. 1971

3.R.Qiyomov. Лингвистический анализ предложных сочетаний в современном английском языке. –Карши: Насаф. 2009.

4.Сафаров III. Семантика. Тошкент. 2013.

5.Эгамбердиев С. Синтаксические и синтаксико-семантические признаки предлога under в предложениях современного английского

“boshqaruvchi” atamalarini ishlatamiz, chunki to‘ldiruvchi leksema, boshqaruvchi leksema, ko‘pincha o‘timli fe‘llar tilning leksik me‘yoridan iborat bo‘lib, leksik konstruksiyalarda o‘rganiladigan obyekt hisoblanadi.

Iterativ sintaksemlar boshqalardan o‘z sintaktik-semantik xususiyatlari bilan farq qiladi; ular paradigmatic qatorlarni hosil qiladi. Ushbu qator sintaksemalari substansial qatorga kiradi. S+preposition+S shaklidagi iboralar kabi turli xil sintaktik pozitsiyalarni keltirish mumkin, ya‘ni o‘timli va o‘timsiz fe‘lga tegishli bo‘lgan tobe komponent, shuningdek, kesim vazifasida ham iterativ yagona substansional sintaksemlar qatoriga, xususiyatiga ega bo‘lgan bir necha sintaksema kiradi.

Iterativ obyekt sintaksemalar. Biz quyidagi gaplarni tahlil qilishda ushbu transformatsiyalardan foydalanamiz. Bular passivizatsiya eksperimenti, bir ma‘noli bo‘lakni shu ma‘noli bo‘lakka yaqin ma‘noli bo‘lak bilan eksprementallashtiramiz.

1....they...emptied glass after glass of beer and ate cookie after cookie (PAP 18);

2. The delighted Cesar closed the door, pushing bolt after bolt (FCS 11);

Gaplarda ajratib ko‘rsatilgan iboralar obyekt sintaktik-semantik xususiyatga ega, ushbu xususiyatning mavjudligi passivlashtirish transformatsiyasi orqali chiqarilib isbotlanadi. Ko‘rib chiqamiz:

1....they...emptied glass after glass of beer and ate cookie after cookie- ...glass after glass of beer was emptied and cookie after cookie was eaten by them .(Cp;...article after article was thrown out.(JGC 60)

2.The delighted Cesar closed the door pushing bolt after bolt-The delighted Cesar was pushing bolt after bolt-Bolt after bolt was being pushed by the delighted Cesar.

Ma‘lum bo‘lishicha, iterativ obyekt sintaksema, boshqa barcha sintaksemlar singari passiv konstruksiyalar orqali gapning egasi sifatida ma‘lum bo‘ladi. Ushbu sintaksemaning bir qator variantlari mavjud. Ular o‘timli fe‘llar bilan birlashadi.

He...telling anecdote after anecdote...(EVG 171).

Iterativ temporal sintaksemalar. Quyidagi gaplarda S+after+S,S+to+S,S+by+S tipidagi iboralarning ishlatilishini ko‘rib chiqamiz:

1.Day by day he does morning exercises(JEH 67).

2.Her eyes said: “ I’ve waited for you night after night” (PAP 45).

3.Once a business was underway,it was easy enough to find other people to do the day-to-day running of it.(LME 194)

Keltirilgan gaplarda ajratib ko‘rsatilgan iboralarning sintaktik-semantik xususiyatini isbotlash uchun **how long** savoli orqali so‘roq qo‘yish transformatsiyasini qo‘llashimiz kerak bo‘ladi. Ko‘rib chiqamiz:

1.How long does he do morning exercises?

2.How long had she waited for him?

Bundan tashqari, ba‘zi iboralar qaysidir hollarda **then** ravishi orqali adverbial element o‘zgartirilishi ham mumkin. Ammo ushbu holatda then

БИОЛОГИЯ

TRICHODERMA HARZIANUM UZCF 28 ЗАМБУРУҒИНИНГ КСИЛАНОЛИТИК ФАОЛЛИГИ

Азимова Н.Ш., Тохтахунова А.К., Хамидова Х.М. (ЎзР ФА МИ)

Таянч сўзлар: *ксиланаза, фермент фаоллиги, субстрат концентрацияси, рН муҳити, инкубация вақти, оптимал ҳарорат, фаолликнинг турғунлиги.*

Юқори молекуляр, кристалл структурага эга бўлган целлюлозанинг парчаланиши мураккаб жараён бўлиб, унинг табиатда гемицеллюлоза, ксилан ва лигнин каби моддалар билан бириккан ҳолда учраши гидролизланишини янада қийинлаштиради. Целлюлоза парчаловчи микроорганизмлар томонидан синтезланадиган, целлюлоза комплексининг асосий компонентлари: эндо-1,4-β-глюканаза, экзо-1,4-β-глюканаза ва целлобиаза ёки β-глюкозидаза ферментлари билан бирга ксиланаза ва гемицеллюлоза ферментларининг мавжуд бўлиши целлюлоза ва лигноцеллюлозали ўсимлик чиқиндиларининг моносахаридларгача тўлиқ парчаланишини таъминлайди. Айниқса, ксиланаза табиий ҳолдаги целлюлозанинг гидролизланиши учун жуда зарур (1). Ксилан полимер занжирини ксилозаларга парчалайдиган ушбу фермент ва ферментлар халқаро классификацияси бўйича глюкозидазаларга киритилади (2).

Ҳозирги вақтда ксиланазалар озиқ-овқат саноатида маҳсулот етиштириш ва сифатини ошириш учун, нон, шарбат, вино, пиво, спирт, ўсимлик мойи, эрувчан кофе ва бошқалар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Ксиланазалардан қоғозни оқартириш учун целлюлоза-қоғоз саноатида юқори самарадорлик билан фойдаланилади. Улар қишлоқ хўжалигида ҳайвон ва паррандаларнинг дағал озуқа-емининг сифатини яхшилади (3).

Замонавий саноатда бактерия ва замбуруғлардан олинадиган ксиланазалардан фойдаланилади. Ҳозирги вақтда *Trichoderma* ва *Aspergillus* авлодининг вакиллари ксиланаза ферментининг асосий продуцентлари бўлиб ҳисобланади (2, 4).

Бизнинг тадқиқотимиз *Trichoderma harzianum* UZCF 28 (5) замбуруғининг ксиланаза фаоллигини ўрганиш ва унинг фаоллиги учун оптимал шароитни танлашга бағишланган.

T. harzianum UZCF 28 замбуруғи фаол штамм бўлиб, у олдинги тадқиқотларимизда, масалан, шоли сомони, қипиғи, уни ва янтоқ каби ўсимлик қолдиқларининг қаттиқ фазали ферментациясида юқори целлюлолитик ва ксиланолитик фаолликни намоён қилган (6).

Шу сабабли ушбу культура синтезлайдиган ксиланаза ферменти фаоллигини алоҳида тадқиқ этиш ва фермент фаоллигига таъсир кўрсатувчи ташқи омилларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Целлюлозали озук муҳитида 6 кун давомида ўстирилган 10^6 - 10^7 спора/мл концентрациядаги суспензиядан экув материали сифатида фойдаланилди. Углерод манбаи ўрнида 2 фоиз миқдорда буғдой кепаги қўшилган Мандельс (7) озук муҳити (рН 5,7) 250 мл ҳажмли Эрленмейр колбаларига 100 мл дан солинди. Культура 28-30 °С ҳароратда, 200-220 айланиш/минут тезлигидаги чайқатгичда 3 сутка давомида ўстирилди. Культуранинг ксиланаза фаоллиги ҳар 24 соатда текшириб турилди.

Культурал суюклик 3500 айланиш/минутда 20 минут давомида центрифугаланиб, биомассасидан ажратиб олинди ва культурал суюкликдаги ксиланаза ферментининг фаоллиги ўрганилди. Бунда ксиланнинг ферментатив гидролизланиши натижасида ҳосил бўладиган тикланувчи шакарлар миқдорини аниқлашга асосланилди. Ферментатив реакция натижасида ҳосил бўладиган тикланувчи шакарлар миқдори Шомоди-Нелсон методи бўйича аниқланди (8, 9).

Маккажўхори сўтасининг ўзагидан олинган ксиландан (10) субстрат сифатида фойдаланилди. Ксиланаза фаоллигининг бирлиги учун 50 °С да ксиланга таъсир қилганда, 1 минутда 1 мкмоль тикланадиган шакарлар ҳосил бўлиши учун зарур бўлган ферментлар миқдори қабул қилинди (11).

T. harzianum UZCF 28 замбуруғи синтезлаган ксиланаза ферментининг фаоллигига таъсир этувчи омиллар: субстрат концентрацияси, рН муҳити, субстрат ва фермент аралашмаси инкубацияси вақтидаги ҳарорат ва вақтнинг таъсири, шунингдек, ксиланаза ферментининг турли ҳароратларга нисбатан турғунлиги текширилди. Ксиланазанинг барқарорлигини текшириш учун пробиркаларга солинган культурал суюклик намуналари 20 °С дан 80 °С гача бўлган ҳароратларда (ҳарорат оралиқлари 10 °С) 10 минут давомида тутиб турилди, сўнгра муз солинган идишга туширилиб, совитилди. Кейин барча намуналарнинг ксиланаза фаоллиги аниқланди. Назорат учун хона ҳароратидаги культурал суюкликдан фойдаланилди.

Тажрибада рН қиймати 5,5 бўлган, 0,1 М натрий ацетат буфери ишлатилди. Ксиланаза фаоллиги учун оптимал рН муҳитини танлаш мақсадида рН қиймати 3,0 дан 9,0 гача бўлган 0,1 М натрий ацетат буферлари қўлланилди.

Буғдой кепагида ўстирилган *T. harzianum* UZCF 28 замбуруғи синтезлаган ксиланаза 3-суткадаёқ юқори фаолликни намоён қилди – 8,15 бирлик/мл. Адабиётлардан маълумки, буғдой кепаги лигно-целлюлозали субстрат сифатида ксиланаза ферментининг биосинтезига ижобий таъсир кўрсатади (12).

Ксиланаза ферментининг фаоллиги ҳар хил концентрациядаги

дан иборат бўлиб, бир хил синтаксемалар yoki har xil синтактик элементларни bildiradi, синтаксемаларнинг formal belgilari ularning ifodalanish vositalari bilan hamda distributiv xususiyatlari bilan bogʻlangan” degan fikrga qoʻshilamiz. Demak, синтаксемаларнинг asosiy belgilarini aniqlash uchun синтаксемаларнинг distributiv belgilarini aniqlash kerak. A.M.Muxin синтаксемаларни paradigmatic qatori mavjud boʻlgan unsur hisoblab, bu синтактик birliklarga invariant yoki variantlar tizimi sifatida taʼrif beradi. Синтаксемалар oʻrtasidagi farq, uning fikricha, oʻzining variantlar yigʻindisi jihatidan bir синтаксеманинг boshqasidan farq qilishidir. Bu xususiyat синтаксемани elementar синтактик birlik invariant sifatida aniqlashga yordam bergan.

Gaplarning ichki va tashqi tuzilishining oddiy синтактик birliklari oʻzaro bogʻlangan, vaholanki, синтаксемалар gapning u yoki bu boʻlagi синтактик aloqalarini hisobga olgan holda belgilanadi. Ular gapning biror boʻlagini differensial синтактик-semantik belgilarining oppozitsiya tizimi sifatida voqelanadi va ular paradigmatic qarama-qarshilik hisoblanadi.

Baʼzi синтаксемалар oʻta umumiydir, baʼzilarining umumiylik semalari bir oz kam boʻladi. Shuning uchun ham ular kategorial va nokategorial синтактик-semantik belgilarga boʻlinadi. Nokategorial belgilarga agentivlik, obyektivlik, lokativlik, iterativlik, temporallik, faollik va boshqalar kiradi. U yoki bu belgilar yigʻindisi синтаксемаларнинг синтактик-semantik maʼnosini tashkil etadi. Ular синтактик aloqalarni hisobga olgan holda paradigmatic qarshiliklar tizimida hosil boʻladi. Bunday voqelanishda formal distributiv belgilarining ham oʻrni bor. Joylashuvlilik, birikuvchanlik синтаксемаларнинг pozitsion imkoniyatlaridir. Синтактик semalarni ular oʻrtasidagi синтактик aloqalarga tayanmagan holda aniqlash mumkin emas. Shunday qilib, obyektli, temporalli, lokativ va boshqa синтаксемалар, predlogli yoki predlogsiz gerundiy hamda ot va olmosh bilan ifodalangan синтаксемаларni bir tomonlama yoʻnalishga ega boʻlgan subordinativ синтактик aloqaga tayanmagan holda aniqlash mumkin emas. Oʻtimli feʼllar esa obyekt синтаксемаларнинг leksik doirasini tashkil etadi. Синтаксема paradigmatic rejada boshqa синтаксемалarga qarshi turadi. Синтактик-semantik belgilarining umumiyligi bilan birlashgan paradigmatic qatorlar har bir синтаксеманинг variantlarini tashkil etadi. Gapda predlog ot yoki olmosh bilan bir birlikni tashkil qiladi va bu birlik синтаксемалар variantlarida ot yoki olmosh birligi bilan ifodalanadi. Predlogli birikmalar bilan ifodalangan lokativ, temporal va boshqa синтаксемалар shundan iboratki, obyektiv синтаксемалар faqatgina subordinativ aloqalar asosida emas, balki markaziy predikativ aloqa asosida yasaladi. Obyekt синтаксемалар birinchi синтактик tomondan kuchli, ikkinchi tomondan kuchsiz boʻladi.

Iboralar gapga qoʻshilib har xil синтактик pozitsiyani egallashi mumkin. Toʻldiruvchi leksema predloglar bilan birga feʼldagi tobe boʻlak pozitsiyasida kelishi mumkin. Gapning ichki va tashqi tuzilishini tilning синтактик meʼyori tomondan tahlil qilganimizda, biz “toʻldiruvchi” va

lokativ, agentiv, obekt, lokativ, iterativ, temporal, nokategoriallik, sintaktik-semantik belgi.

Lingvistik adabiyotlarda predlogli birikmalarni o'rganish olimlarning katta e'tiborini tortgan va uni gapda ikkinchi darajali bo'laklar – to'ldiruvchi, aniqlovchi, hol sifatida o'rganishgan. Tilshunos olim B.A.Ilish ko'p lingvist olimlarga o'xshab to'ldiruvchi, aniqlovchi, hol terminlariga moyil emas. Ularni o'rganishimizda eng dolzarb muammo shundan kelib chiqadiki, bu gap bo'laklari bir-biriga semantik rejalarda o'xshash va yaqin, deydi. Hamma olimlarning fikrlarini jamlab shuni ta'kidlash mumkinki, muammoni hal qiluvchi metodlar yo'q va har bitta tushunchaning tagida har xil tildagi qatlamlar talqin qilinadi. Aslida esa bu elementlarni sintaktik birliklardan farqlagan holda, ularni gap tarkibidagi ma'lum qatlam yoki qavat deb bilish mumkin.


Sintaksema atamasi lingvistikada yaqindan boshlab ishlatilyapti. Biz bu fikrga qo'shilib atamani ma'qullagan holda sintaksemani sintaktik-semantik birliklar deb talqin etamiz. Bu birlik ichida sintaktik-semantik belgilar borligi bizga ma'noviy xususiyatlarni farqlashga yordam beradi. Formal belgilar esa sintaksema bilan distributiv aloqadosh, biroq pozitsion yo'nalishlar ham gapning tarkibida joylashishi mumkin, hatto boshqa sintaksemlar bilan ham aloqaga kirishadi. Shunday qilib, sintaksemaning sintaktik-semantik xususiyatini aniqlashda formal distributiv ko'rsatkichlarni e'tiborga olish lozim. Buyuk tilshunos olim A.M.Muxin sintaksemani sintaksis invariantiga e'tibor beradi va elementar sintaktik birlikning invarianti deb izohlaydi. Shu nuqtai nazardan kelib chiqqan holda, sintaktik darajalarda birliklar mavjud emas, deb hisoblash o'rinli, chunki sintaktik-semantik birlik tilda eng kichik birliklardan biridir, bu birlik boshqa mayda birliklarga bo'linmaydi. Xulosa: invariantlik – bu nosintaktik birlikdir.

Ichki va tashqi strukturani o'rganishda bir-biriga o'xshash sintaksemlarning gapdagi aloqadorligi bilinib qolishi ham mumkin. Differensial sintaktik semantik birliklar oppozitsiyada yoki qarama-qarshilikda yaqqol namoyon bo'ladi. Bu o'rinda bitta xususiyat umumiy, boshqalari esa umumiylikdan xoli. Shuning uchun kategoriallik sintaktiksemantik xususiyatlarga ega bo'ladi. Kategorial xususiyatlarga substansial, protsessual, kvalifikativ, kvantativ xususiyatlar kiradi. Boshqa differensial sintaktik-semantik xususiyatlar umumiy bo'lmaganligi uchun sintaksemlarni nokategorial lisoniy birlik deb bilishadi. Nokategorial xususiyatlar: agentiv, obyekt, lokativ, iterativ, temporal va boshqa nokategorial sintaktik-semantik belgilar hisoblanadi.


Gapning ichki tuzilishidagi elementar birligi sintaksemalardir, ular sintaktik-semantik ma'noni ifodalovchi vositalardir. Sintaksema sintaktik semantikani bildiruvchi so'zdir.

Biz "sintaksema – bu sintaktik birlik, u sintaktik-semantik belgilar-

субстратларда синовдан ўтказилди (1-расм). Реакцион аралашмада ксилан миқдори 0,1 фоиз бўлганида ксиланаза фаоллиги энг паст кўрсаткични кўрсатди – 1,1 бирлик/мл. Субстрат миқдори 0,3 фоизга етказилганида фермент фаоллиги кескин ўзгарди (3,85 бирлик/мл) ва концентрациянинг 1,0 фоизгача ортиб бориши давомида фаолликнинг мос равишда ошиб бориши кузатилди. Муҳитда ксилан миқдори 1,0 фоиз бўлганида фермент фаоллиги энг юқори қийматга яъни 8 бирлик/мл га тенг бўлди. Субстрат концентрацияси 1,5 фоиз бўлганида фаолликнинг ўзгариши кузатилмади (1-расм).



1-расм. Ксиланаза фаоллигига субстрат концентрациясининг таъсири




2-расм. Ксиланаза фаоллигига рН муҳитининг таъсири


Тажрибада рН 5,0 муҳитининг ксиланаза фаоллиги учун энг оптимал эканлиги аниқланди. Бу шароитда ксиланаза фаоллиги 11,5 бирлик/мл га тенг бўлиб, энг юқори кўрсаткични кўрсатди. рН 5,5 ва рН 4,0 қийматларида ҳам фермент сезиларли даражада юқори фаолликни намоён қилди (мувофиқ равишда 8,15 ва 7,6 бирлик/мл). рН муҳитининг ишқорий томонга ўзгариб бориши ксиланаза фаоллигининг пасайишига сабаб бўлди. Аммо рН 9,0 да ҳам ксиланаза

фаоллигининг ўртача 6,15 бирлик/мл га тенг бўлиши, *T. harzianum* UZCF 28 замбуруғи синтезлайдиган ферментнинг кенг диапазонда фаоллигини саклаб туришини кўрсатди (2-расм). Адабиётларда ҳам ксиланаза ферменти рН 5,0-6,0 оралиғида фаол, рН 3,5 дан 10 гача барқарор эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган (12)

Фермент ва субстрат реакциясининг инкубацияси давридаги оптимал ҳарорат ва вақт аниқланди. Ксиланаза фаоллиги учун 50 °С оптимал ҳарорат бўлиб, фермент 8,15 бирлик/мл га тенг бўлди. 30 ва 60 °С ҳароратларда фаолликнинг ўхшаш бўлиши кузатилди (тегишлича 7,55 ва 7,65 бирлик/мл). Ҳарорат 70 °С бўлганда ксиланаза ферментининг фаоллиги кескин пасайди (5 бирлик/мл) ва 80 °С ҳароратда энг паст кўрсаткичга эга бўлди (2,15 бирлик/мл) (3-расм).



3-расм. Ксиланаза фаоллигига ҳароратнинг таъсири



4-расм. Ксиланаза фаоллигига инкубация вақтининг таъсири

Фермент ва субстрат аралашмасининг инкубация вақти 30 минут бўлганида ксиланаза 8,15 бирлик/мл яъни энг юқори фаолликни ташкил қилди. Энг паст кўрсаткич инкубация даври 10 минут бўлганида кузатилди – 5 бирлик/мл. Инкубация вақти 60 минутдан

РЕЗИЮМЕ

The article examines some aspects of systematization of terms used in several options in the Uzbek terminology systems.

Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган

ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ

HOZIRGI ZAMON INGLIZ TILIDA ITERATIV SINTAKSEMALAR PARADIGMATIKASI

Qiyomov R., Omonova L., Komilova G. (QarDU)

Tayanch tushunchalar: *sintaksema, iterativ obyekt, temporal,*

машинаси каби. Бундай терминлар қаторини истаганча келтириш мумкин. Кўп ҳолларда баъзи тушунчаларни ифодаловчи терминлар истемолда мавжуд бўлмайди. Натижада бундай тушунчалар ўта муҳим ва аҳамиятли бўлишига қарамасдан, кенг тарқалиш имкониятидан маҳрум бўлади. Масалан, ўзбек тилида *пишиқ* ип тайёрлаш жараёни номини билдирган *пишитиш*, *эшиш*, *чийратиш*, *йигириш* сўзлари мавжуд бўлгани ҳолда, тўқимачилик лексикасида *загрукка* сўзининг ишлатилиши, унинг адабий тилга киритилиши учун етарли асос бўла олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, баъзан термин яшашда адабий тилга хос қоидалар асосида иш қилинаётганлиги, термин яшашнинг ўзига хос имкониятларига, унинг ясаилишида системалиликка амал қилинмаётганлиги кўзга ташланади.

Адабиётлар

1. Лотте Д.С. Основы построения научна-технической терминологии. –М.: Изд-во АН, 1961. – С.18.
2. Қосимов Н. Аффиксация усулида ясалган термин ва терминэлементлар ҳамда уларни тартибга солиш масалалари // Ўзбек илмий-техник терминологиясини тартибга солиш принциплари. –Тошкент: Фан, 1991. –Б.38.
3. Ахборот технологияси операцион тизимлари терминларининг инглизча-русча-ўзбекча луғати. –Тошкент: Фан, –422 б.
4. Ахборот технологияси операцион тизимлари терминларининг инглизча-русча-ўзбекча луғати. –Тошкент: Фан, 1992. – 422-б.
5. Қосимов Н. Аффиксация усулида ясалган термин ва терминэлементлар ҳамда уларни тартибга солиш масалалари // Ўзбек илмий-техник терминологиясини тартибга солиш принциплари. –Тошкент: Фан, 1991. –38-б.
6. Маҳкамов Н. Терминологияда плеонастик қўлланишга доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – № 4. –24-б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2006-2008.

РЕЗЮМЕ


Мақолада ўзбек тили терминологик тизимларида бир неча вариантларда қўлланаётган жараён англатувчи терминлар ва уларни тартибга солишнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются варианты терминов, обозначающих процессы, в терминологической системе узбекского языка и отдельные аспекты их упорядочения.

ортганида фермент фаоллиги пасайиб борди. 120 минут давомида инкубация қилинганда ксиланаза фаоллиги 6,35 бирлик/мл ни ташкил қилди (4-расм).

T. harzianum UZCF 28 замбуруғи синтезлаган ксиланаза ферменти фаоллигининг турли хил ҳароратларга нисбатан турғунлиги ўрганилди (5-расм). Ҳароратнинг 40 °С гача ортиб бориши фермент фаоллигига ижобий таъсир кўрсатди. Ушбу ҳарорат таъсирида ксиланаза – 8,35 бирлик/мл яъни максимал фаолликка эга бўлди. Назоратда эса 8,15 бирлик/мл. 50°С да фермент фаоллигининг назоратга деярли яқин бўлиши (8,1 бирлик/мл) кузатилди. Ксиланаза фаоллигининг 70 °С ҳарорат таъсирида сезиларли даражада пасайиши (3,6 бирлик/мл), 80 °С да эса бутунлай йўқолиши аниқланди (5-расм).



5-расм. Ксиланаза фаоллигининг турли ҳароратларда барқарорлиги

Тадқиқот натижаларидан шундай хулосага келиндики, *T. harzianum* UZCF 28 замбуруғи синтезлайдиган ксиланаза ферментининг фаоллиги учун субстрат концентрацияси – 1 фоиз, рН қиймати 5,0, инкубация ҳарорати 50°С ва инкубация вақтининг 30 минут бўлиши оптималдир. *T. harzianum* UZCF 28 замбуруғи ксиланаза ферментининг жуда фаол ва турли ҳарорат, кенг диапазондаги рН муҳитларида ўз турғунлигига эга бўлиши ундан саноат миқёсидаги биотехнологик жараёнларда самарали фойдаланиш мумкин эканлиги тасдиқлайди. Айниқса, ушбу ферментнинг чорва ва парранда озукасига биологик қўшимча сифатида қўлланилиши озуканинг энгил ҳазм бўлувчи моддалар билан бойишига олиб келади.

Адабиётлар

1. Khan, A.W. Cellulolytic enzyme system of *Activibrio cellulolyticus*, a newly isolated Anaerobe // J. Gen. Microbiol. 1980. 121: PP. 499–502.

2.Околелова Т.М., Кулаков А.В., Молоскин С.А., Грачев Д.М./ Корма и ферменты // Сергиев Посад: ВНИТИП. – 2001. – С. 9–45.

3.Ларина Л.Н. Направленный биосинтез ксиланазы микроскопическим грибом *Trichoderma viride* 44-11-62/3 и разработка технологии получения ферментного препарата: дисс. канд. техн. наук. Москва. 2006. – 222 с.

4.Серебряный В.А. Ксиланаза *Penicillium canescens*: выделение гена, изучение его регуляции и создание штамма – продуцента // Автореф. дисс. канд. биол. наук. Москва 2006. – С. 26. –4-с.

5.Хамидова Х.М., Байбаев Б.Г., Хамидов Д.М., Зухритдинова Н. Ю., Азимова Н.Ш. Штамм мицелиального гриба *Trichoderma harzianum* UzCF-28, синтезирующий ферменты целлюлитического комплекса, белок, лизин, метионин и витамины группы В // Патент на изобретение. 2014. – № I, AP 04901.

6.Азимова Н.Ш., Зухритдинова Н.Ю., Хамидова Х.М. Қишлоқ хўжалиги чиқиндиларининг *Trichoderma harzianum* (Rifai) замбуруғи иштирокидаги биоконверсияси // ЎЗМУ хабарлари. Махсус сон, 4/2. 2013 й. 152–154-б.

7.Азимова Н.Ш. *Trichoderma harzianum* (Rifai) замбуруғининг целлюлаза ферментлари фаоллигини динамикада ўрганиш // Ўзбекистон биология журналы. Махсус сон: Микробиология. Тошкент, 2012. 5–7-б.

8.Somogyi M. Notes on sugar determination // S. Biol. Chem. 1952. Vol.195. P. 19-28.

9. Nelson N. A. Photometric adaptation of the Somogyi method for the determination of glucose // S. Biol. Chem. 1944. Vol. 195. P. 375.

10. Билай В.И. Методы экспериментальной миккологии // Киев:«Наука Думка». 1978. –109-с.

11. Ю.А. Морозова, Е.В. Скворцов, Ф.К. Алимова. Ксиланазы *Trichoderma reesei* – биосинтез и применение для гидролиза зерновых кормов//Ученые записки Казанского университета: Естественные науки. – Казан. 2013. –Т. 155, кн.2. – С. 127–137.

12. S.Karunakaran, A.Saravanan, S.Dhanasekaran, D.Senbagam, B.Senthil kumar. Xylanase Production from *Aspergillus niger*// International Journal of Chem Tech Research CODEN (USA), Vol.6, No.9, 2014, pp 4207-4211.

РЕЗЮМЕ

Мақолада *T. harzianum* UZCF 28 замбуруғи фаол ксиланаза синтезлаш хусусиятига эга бўлиб, буғдой кепаги солинган муҳитда 3 суткада 8,15 бирлик/мл фаолликни намоён қилганлиги, ксиланаза ферменти фаоллиги учун субстрат концентрацияси – 1 фоиз, муҳит рН қиймати 5,0, инкубация ҳарорати 50⁰С ва инкубация вақтининг 30 минут бўлиши оптимал деб белгиланганлиги ва *T. harzianum*

Иккинчидан, термин керагидан ортиқ даражада узун бўлганда эллипсис (нутқ унсурининг тушиб қолиши) ходисасининг вужудга келиш эҳтимоли кучаяди. Масалан: **чатиштириш** *натижаларининг турличалиги (биология), чақирув* *ҳаракатининг боиланиши, киришни назорат қилувчи тизим рўйхати* (3), *маълумотларни қайта узатиш, симсиз фойдалана олиш, майдоннинг бурчак тақсимланиши, кирувчи уланишни ўрнатиш, бир томонлама воз кечиш, васиятга асосан мерос олиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш (юридик), броун зарраларнинг ҳаракатланиш тезлиги, молекулаларнинг тезликлари бўйича тақсимланиши (физика)* ва х.к.

3) Жараён терминларини ишлатишдаги энг катта камчиликлардан яна бири хорижий терминларни керагидан ортиқ ўзлаштирилганидир. Тўғри, ҳеч қандай тил фақат ўз элементлари ҳисобига терминологиясини кура олмайди. Давлат тилининг янада ривожини учун хорижий терминларнинг ўзлаштирилиши ҳам ўринлидир. Дунёда соф тилнинг ўзи мавжуд эмас. Ҳар доим бошқа тиллардан термин ўзлаштириш жараёни содир бўлиб туради, бу жараёндан чекиниш мумкин эмас. Юқоридаги нуқсонга яқин бўлган камчилик термин талаффузининг ноқулайлигидадир. Бундай терминлар икки сабабга кўра вужудга келади: 1) асосий терминни яратишда унинг дериватлилик имкониятлари етарлича инobatга олинмаслик; 2) хорижий терминни ўзлаштиришда унга жиддий эътибор билан қараб, танқидий ёндашилмаслик. Масалан, рус тилида *автоматизация производства* бирикмаси қўлланади. Аммо ўзбек тилида уни *ишлаб чиқаришни автоматизация* деб қўллаб бўлмайди. Чунки уларда, гарчи иш-ҳаракат маъноси мавжуд бўлса-да, ўзбекчада ҳаракат номини ясовчи қўшимчаларни қўшиб ишлатишга тўғри келади. Масалан, *механизация+лаш* ва х.к.

4) Терминларни тартибга солишдаги масалалардан яна бири шуки, жараён англатувчи термин яратилишида у англатиши лозим бўлган тушунча моҳияти билан ўзаро батартиблик (системалилик)нинг етишмаслигидир. Масалан: *пахта терши машинаси, пахта тергич машина, пахта терувчи машина*.

Ўзбек тилидаги аффикслар (сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикслар) предмет категориясидаги терминлар таркибида кенг қўлланади. Фақат тўла ўзлашган ва тилимизда ҳеч қандай ўзгаришга учрамаган терминлар бундан истиснодир. Масалан: *машина, автобус, трамвай, телефон* каби. Бироқ булар бирикма термин таркибида келганда ўзбек тилидаги сўз ва аффикслар билан алоқага киришганлигини кўрамиз. Масалан, *машиналарнинг бажарадиган иши юзасидан гуруҳланишида* ўзбекча сўз ва аффикслар фаол иштирок этади; *бензин ташувчи машина, сут ташувчи машина, сув ташувчи машина, бетон ташувчи машина, ёрдам кўрсатиши*

га сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

1) *-лаш* аффикси билан келган сўз (аниқловчи) ўзидан кейинги сўз (аниқланмиш) эгалик қўшимчасини олиб келишни талаб этади. Бинобарин, зарур бўлган сифатловчи+сифатланмиш (сифат+от) ўрнида қаратқич-қаралмиш (от+от) алоқаси вужудга келади ва бу ҳолат терминнинг маъносини хиралаштириб, ундан фойдаланишда қийинчилик туғдиради. Қиёсланг: *таранглаш(нинг) пружинаси, гарамлаш(нинг) мосламаси, тозалаш ва саралаш(нинг) асбоби, чанглаш(нинг) аппарати* кабилар. Чунки эгалик *-и (-си)* аффикси олдинги сўзнинг қаратқич келишигида эканлигидан далолат беради. Бундай ҳолат терминологик талабга риоя қилинмаганликдандир;

2) *-лаш* аффикси сифат ясовчи бўлмаганлиги сабабли баъзи ҳолларда бирикма терминлар маъносида омонимлик вужудга келишига ҳам сабабчи бўлади. Ҳисоблаш техникаси икки хил маънони: а) бирор шахс (ёки восита)нинг ҳисоблаш усулини; б) ҳисоблаш ишларида фойдаланиладиган техника (восита)ни билдиради.

3) *-лаш* аффиксининг тилда ва терминологиянинг турли соҳаларида ўзига хос (иш-ҳаракат билдириш) вазифаси мавжуд. Шу билан бирга, у қаратқич-қаралмиш алоқасидаги (мас. *аппаратнинг ишлаш чуқурлиги, дорилаш унуми сингари*) бирикмаларда ҳам иштирок эттирилади. Булардан ташқари, унинг белги-ҳаракат билдириш (сифат ясовчи) вазифасида келиши адабий тил нуктаи назаридан ҳам, терминологик принципларга кўра ҳам мақсадга мувофиқ эмас [2]. Шу сабабли *-лаш* аффиксини ўз вазифасида қўллаш, белги ҳаракат билдириш вазифасини сифат ясовчи аффикслар зиммасига юклаш ўзбек тили техникавий терминларини тартибга солишни, уларни тўғри қўллаш ва аниқ тушунишга кўмаклашган бўлар эди. Бинобарин, *юклаш қурилмаси, тозалаш транспортёри, саралаш машинаси* каби терминлар терминологик талаблар нуктаи назаридан қайта шакллантирилиши зарур. Бундай ҳодисалар ҳали термин яшашда фақат адабий тилга хос қодалар асосида иш қилинаётганлиги, термин яшашнинг ўзига хос хусусиятларига, унинг ясашида системалиликка амал қилинмаётганлигини тасдиқлайди. Мазкур ҳолатнинг баъзи салбий оқибатлари бошқа бир қатор манбаларда қайд этилган. Шу боисдан биз уларни қайта такрорламасликка ҳаракат қилдик.

2. Жараён англатувчи бирикмали терминларнинг ишлатилишини тартибга солиш борасида қийинчилик туғдираётган масалалардан яна бири терминнинг узунлиги ёки ноқулайлигидир. Бунда муайян бир тушунчани ифодалашга хизмат қилувчи термин икки ва ундан ортиқ компонентлардан иборат бўлади. Бундай ясашига оид бўлган терминларда, биринчидан, нутқ иқтисоди, яъни ихчамлиги бузилади, бу эса ўз навбатида, фикрлашга салбий таъсир кўрсатади.

UZCF 28 замбуруғи синтезлаган ксиланаза ферментининг турли хил ҳароратларда турғун эканлиги ва 70 °С гача ўз фаоллигини сақлаб туриши аниқланганлиги ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье идет речь о способности гриба *T. harzianum* UZCF 28 синтезировать активную ксиланазу. При этом наибольшая активность синтеза – 8,15 ед/мл - наблюдалась в питательной среде с пшеничными отрубями в течение 3 суток. Для активности фермента ксиланазы оптимальная концентрация субстрата составила 1 %, pH среды – 5.0, температура инкубации – 50 °С, время инкубации – 30 минут. Было выявлено, что ксиланаза, синтезируемая грибом *T. harzianum* UZCF 28, была стабильна при различных температурных показателях и сохраняла активность до 70 °С.

SUMMARY

The fungus *T. harzianum* UZCF 28 had the ability to synthesize active xylanase, with the highest activity of 8.15 U/ml that was defined in nutrient medium containing wheat bran on the 3rd day. For xylanase activity the optimum substrate concentration was 1%, pH was 5.0, incubation temperature was 50 °C and incubation time was 30 minutes. It was found that xylanase synthesized by the fungus *T. harzianum* UZCF 28, was stable under various temperature indicators and kept its activity up to 70 °C.

Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган

ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ НАЗЕМНЫХ МОЛЛЮСКОВ РОДА *LEUCOZONELLA* (GASTROPODA:HYGROMIIDAE) УЗБЕКИСТАНА И СОПРЕДЕЛЬНЫХ ТЕРРИТОРИЙ

Гайбназарова Ф., Пазиров А.(ГулДУ),
Кучбоев А.Э. (ИГРЖМ АН РУз)

Ключевые слова: *малакология, брюхоногие моллюски, Leucozonella, биотопы*

Малакофауна Узбекистана и сопредельных территорий разнообразна и отличается богатой эндемичностью видового и родового ранга. Однако экологические особенности наземных моллюсков Узбекистана и сопредельных территорий до нынешнего

времени остаются изученными недостаточно. Как нам известно, на исследованных территориях обитают представители 44 родов [1, 2]. Из них только у видов рода *Pseudonapaeus* и *Xeropicta* в той или иной степени исследованы экологические особенности [3, 4]. Вопросы изучения экологических особенностей видов остальных родов остаются открытыми.

Материалом для исследования послужили сборы авторов за 2013-2015 гг., проведенные на Ферганском, Чаткальском и Кураминском хребтах. Кроме того, обработаны коллекции наземных моллюсков, хранящиеся в коллекциях Гулистанского и Самаркандского университетов РУз.

При выполнении работ применяли общепринятую малакологическую методику, позволяющую сравнить фауну отдельных хребтов и районов.

Взаимоотношения наземных моллюсков с окружающим миром, как и у всех животных, очень сложные. Все основные физиологические функции и поведенческие реакции, а также плотность популяций, распределение наземных моллюсков по тем или иным биотопам прямо или косвенно зависят от достаточного количества и качества пищи, а также от степени увлажненности местообитания.

Надо отметить, что для наземных брюхоногих характерна стенобиотность, то есть приуроченность к определенным ландшафтам. Большинство видов образуют устойчивые биотопические видо-вые комплексы.

Принадлежность моллюсков к той или иной группе определяется на основе сравнения по степени увлажненности биотопа [5, 6, 7]. В Средней Азии встречаются разные типы биотопов - от сухих до сильно увлажненных.

Учитывая требовательность наземных моллюсков видов рода *Leucozonella* Lindholm, 1927 к различной степени увлажненности биотопа, их можно разделить на 4 группы, традиционно принятые в экологических исследованиях: гигрофилы, мезофилы, ксерофилы, и мезоксерофилы,

К гигрофильным видам относятся – *L. eucozonella ferghanica*, *L. boeviana* и *L. mica*. Данные виды обитают в сильно увлажненных биотопах, таких как подстилки лесов, травяные заросли вблизи водоемов и влажные пойменные лесистые участки.

Мезофильные виды обитают в условиях средней влажности. К ним принадлежат: *Leucozonella mesoleuca* и *L. planulata*. Оба вида обитают среди кустарников, под камнями, в зарослях трав, предпочитают умеренно влажные места.

К ксерофильным видам относятся моллюски: *L. rufispira*, *L.*

жараён англатувчи бирикма терминларни қўллаш ниҳоятда фаол. Тўпланган мисолларнинг деярли катта қисми бирикма терминлардир. Терминлар фан ва техника тараққиётининг натижаси эканлигини турли соҳаларга оид иш-ҳаракат номларининг вужудга келиш жараёни ҳам тасдиқлайди. Жараён англатувчи бирикма терминлар ўрганилганда, уларнинг қуйидаги фан соҳаларида қўлланаётгани аниқланди:

-кимё: реакцияга киришиши, кислота ҳосил қилиши;

-тиббийёт: операция қилиши, диагноз қўйиши, боғлаб қўйиши;

-ҳарбий: машқ қилиши, нишонга олиши, парашютда сакраши, жанг қилиши;

-металлшунослик: пўлат эритиши, темир эговлаши;

-техника: ремонт қилиши, ўт олдириши;

-космонавтика: орбитага чиқариши, алоқа боғлаши, ерни қузатиши, юмишқ қўниши;

-қишлоқ хўжалиги: дори пуркаши, чопиқ қилиши, пахта териши.

-геология: намуна олиши, таркибга ажратиши;

-физика: электр узатиши, ток узатиши;

-биология: зотини яхшилаши, навини янгилаши ва ҳ.к.

Жараён бирикма терминларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, тартибга солиш жараёнида қуйидаги жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди:

1. Жараён англатувчи терминларнинг ишлатилишидаги камчиликлардан бири маълум тушунчани ифодалашга хизмат қилувчи бирикма терминнинг англатиши лозим бўлган тушунча моҳиятига уйғун бўлмаслигидир. Баъзи ҳолатларда сўзнинг айнан маъноси билан тушунча моҳияти ўртасида номутаносиблик вужудга келади. Масалан, техник (белги-сифат маъносида): *техник хизмат кўрсатиши, техник назорат (шахс)*.

-лаш аффиксининг турли соҳаларда (физика, кимё, ботаника ва ҳ.к.) термин ясаши терминологик меъёрларга мувофиқ келади. Шунингдек, унинг -(и)ш сингари қаратқич-қаралмиш алоқасида келиб (*кавкарлаш усули, пармалаш вақти, дазмоллаш жараёни, ҳисоблаш методи*) мураккаб тушунча ҳосил қилиши ҳам терминологик қоидаларга монелик қилмайди. Бироқ техникавий манбалардан маълум бўладигани, -лаш аффикси яна бир вазифани ифодалаш учун қўллана бошлаган. Масалан, *дон тозалаш машинаси, таъминлаш системаси, мойлаш системаси, ўғитлаш аппарати* каби бирикмали терминлардан кўриниб турибдики, мазкур аффикс машина ва қуролнинг бажарадиган меҳнатига боғлиқ ҳолдаги белгисини (турини) англатувчи сўзни ҳам ясада иштирок этмоқда. Худди -(и)ш аффикси сингари -лаш аффиксининг ҳам бундай вазифада қўлланиши терминологик талабларнинг бузилиши-

яратиш ҳар тарафлама мукамал бўлган ижодий жараён бўлиб, у ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланиши лозим. Ҳар қандай илмий-техникавий термин оддий сўзнинг ёки сўз бирикмасининг терминологиядаги акси ҳисобланади ва у аниқ чегараланган ҳамда белгиланган мазмунга, бу мазмун эса, контекстдан қатъи назар, фақат шу терминга оид бўлиши лозим [1].

Иш-ҳаракат ва жараёни англатувчи тушунчаларнинг тарихи инсоният ҳаётининг бошланғич даври билан алоқадор. Чунки табиатда рўй берадиган ҳар бир ўзгариш, ҳолат, ҳаракат ва ривожланиш аввало тилда ўз ифодасини топади. Бироқ сўзлар пайдо бўлиши билан уларни маълум соҳа термини сифатида қўлланиши орасида тафовут мавжуд. Чунки жамият таракқиёти даврида муҳим ўзгаришлар бўлиб (уруғ, қабила, халқ тиллари сифатида) тил ривожланиб борганидек, ундаги лексик бирликлар ҳам семантик ва фонетик ўзгаришларга учраб, танланиб боради, албатта. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги (ва унинг терминологиясидаги) кўпгина ифодалар қадимда ҳам айни шундай тарзда қўлланган дея олмаймиз.

Терминлар адабий тил (ёзма тил)нинг бир кўриниши эканлиги ва ўзига хос норма ва тартибларга эга бўлиши уларни оддий сўзлардан фарқлашни тақозо этади. Зеро, ўзбек тилидаги баъзи тадқиқотларда иш-ҳаракатни англатувчи оддий муомаладаги сўзлар билан маълум соҳанинг махсус терминларини фарқламаслик, уларни қориштириб юбориш ҳолатлари ҳам учрайди.


Иш-ҳаракатга оид терминлар, одатда, бажарилаётган ишнинг ифодаси сифатидагина эмас, балки шу иш-ҳаракатнинг номи сифатида юзага келади. Масалан: *ер ҳайдамоқ*, *кўрак термоқ* кабиларда иш-ҳаракат маънолари, яъни динамиклик кучли бўлгани ҳолда, *ер ҳайдаш*, *кўрак териш* каби терминологик ифодаларда эса номлик маъноси кучли бўлиб, статиклик устувор. Бундай ҳолат мазкур ифодаларнинг функционал усулда қўлланиши билан алоқадор. Шу боисдан Г.О.Винокур терминларни ҳар доим синхроник нуктаи назардан текшириш зарурлигини қайд этган эди. Мазкур ҳолат ҳозирги тилимиздаги терминларни оддий сўзлар (умумхалқ лексикаси ва диалектал характердаги оддий касб-ҳунар лексикаси)дан фарқлаш лозимлигини тақозо этади. Жумладан, иш-ҳаракатни англатувчи оддий сўзлардан махсус тушунчаларни англатувчи терминлар ўзининг баъзи жиҳатлари билан фарқланиб туради. Масалан, умумтил доирасида ишлатиладиган сўз ўзининг кўп маънолилиги, қўлланиш доирасининг чегараланмаганлиги, кўпчилиқка тушунарлилиги (хослиги) ва бошқа хусусиятлари билан кўзга ташланса, терминлар (ёки термин вазифасида қўлланган сўзлар) маълум тушунчага боғлиқлиги, қўлланиш доирасининг чегараланганлиги, муайян соҳага алоқадорлиги, ҳозирги адабий тил нормаларига мувофиқлиги билан ажралиб туради. Ўзбек тилида

caria, *L. reteri*, *L. hypophaea*, *L. crassicosta* и *L. hypophaea*, приспособленные к жизни в местообитаниях с пониженной влажностью, таких как открытые участки на южных склонах, на каменистых осыпях.

К мезоксерофильным группам относятся виды: *Leucozonella caryodes*, *L. rubens*, *L. angulata*, *L. schileykoi*, *L. globuliformis* и *L. Intermedia*, обитающие в мезофильных и ксерофильных условиях.

Такое распространение, видимо, больше всего определяется пищевой зависимостью. Например, *L. schileykoi* с начала апреля до середины мая обитают на каменистых осыпях, на южных склонах холмов. С третьей декады мая они перебираются в среду кустарниковых растений. Поэтому представителей этих групп можно встретить как на открытых склонах среди кустарников, так и на каменистых осыпях.

При изучении процентного соотношения экологических групп по отношению к фактору влажности, выяснилось, что наиболее многочисленными оказались группы мезоксерофильных и ксерофилов, к которым относятся 6 видов или 35,29 %. К гигрофильным группам относят 3 вида (17,64 %), к мезофильным – 2 вида (11,76 %) (рис. 1).



1-гигрофилы; 2-мезофилы; 3-ксерофилы; 4-мезоксерофилы

Рисунок 1. Соотношение экологических групп наземных моллюсков по отношению к фактору влажности

Надо отметить, что каждая особь имеет свою стацию, которая обеспечивает весь цикл развития жизни в целом - место, где организм живет, где он обнаруживается, где его следует искать.

Учитывая стациальную приуроченность наземных моллюсков видов рода *Leucozonella*, их можно разделить на следующие группы:

Сапробионты – обитающие только в подстилке. К ним относятся такие виды как, *Leucozonella ferghanica*, *L. boeviana* и *L. mica*.

Петобионты – обитающие в каменных осыпях и трещинах


скал. К петобионтам относятся: *Leucozonella rufispira*, *L. retteri*, *L. crassicosta* и *L. corona*.

Эпифитострабионты – обитают на растениях (полукустарники и кустарники). К этой группе относятся: *Leucozonella caryodes*, *L. rubens*, *L. angulata*, *L. schileykoi*, *L. caria* и *L. hyporphaea*.

Эпифитопетробионты – обитающие среди кустарников в под камнями. К эпифитопетробионтам относятся: *L. mesoleuca*, *L. angulata*, *L. globuliformis* и *L. intermedia*.

Как видно из вышеизложенных данных, к основным станциям обитания наземных моллюсков видов рода *Leucozonella* являются наземные органы растений, подстилка, поверхность почвы, каменные осыпи и трещины скал.

Нами изучено процентное соотношение распределения наземных моллюсков видов рода *Leucozonella* по разным станциям обитания и получены следующие результаты, которые представлены на диаграмме (рис. 2).



1-сапробионты, 2-петобионты, 3-эпифитострабионты, 4-эпифитопетробионты

Рисунок 2. Стациональная приуроченность наземных моллюсков изученных территорий

Надо отметить, что данные по стациональной приуроченности приводятся только на основе собственных материалов, полученных путем исследования территорий.

Давр мафкурасига зид бўлганлиги сабабли янги луғатдаги иккинчи маъно тури 2 жилдли изоҳли луғатда берилмаган. Шу билан биргаликда, биринчи маъно янги луғатда анча муайянлаштирилганлигини кўриш мумкин: “таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият”. Шунингдек, 5 жилдли луғатда аввалги изоҳдаги *таълим-тарбия, маориф* сўзлари ўрнида кенг қамровли ва семантик кўлами салмоқдор бўлган *фаолият* сўзи берилганки, бу ҳам изоҳнинг мукамаллашувига хизмат қилган. 2 томли луғатдаги тор ва жўн тушунилиши мумкин бўлган маъно ифодаланаётган тушунчанинг асослари (таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида) га урғу берган ҳолда кучайтирилган. Янги тавсиф шу асосда маънавий-маърифий аҳамият касб этганлигини таъкидлаш лозим. Шу билан биргаликда, янги даврда сўзнинг терминологик маъносида кўлланиши кучайганлиги сабабли ҳам унинг диний-тасаввуфий мундарижаси талқинига жиддий эътибор қаратилган.

Масалан, *ватан, ақида, гоя* сўзлари мавжуд лексикографик манбаларда эски мафкуравий нуқтаи назардан тавсифланган. Бугунги кунда унинг қомусий луғатлардаги моҳияти ўзига хосдир. Ўзбек тилининг 2 жилдли изоҳли луғатида *ватан* сўзининг биринчи маъноси сифатида “киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг граждани ҳисоблаган мамлакат; она юрт”, иккинчи маъноси сифатида эса “кишининг туғилиб-ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр” берилган: **“ВАТАН** [а] **1** Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; она юрт. *Она ватан. Улуғ ватан. Ватанни ҳимоя қилиш* **2** Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр. *Булбул чаманни севар, одам — ватанни.* Мақол. *иш У [Бектемир] узоқ ватани, ота-онаси, сермеҳнат, серташвиш, ҳаммавақт болаларнинг қий-чуви билан тўлган катта оилани... ва колхозни эсларди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3. Тураржой, бошпана, маскан, уй. *Тўра кафангадо қилмоқчи, ватандан жудо этмоқчи [деди Пирнафас ака хотинига].*

конф. Проблемы сохранения биоразнообразия. Сборник статей. – Гулистан, 2012. - С. 6-10.

15. Тожибаев К.Ш., Наралиева Н.М., Иброхимова Г.А. Дополнение к флоре Юго-Западного Тянь-Шаня // Узб. биол. журн. –2012. –Т. –6. –С. 26-29.

16. Тожибаев К.Ш., Наралиева Н.М. Новые местонахождения редких и эндемичных видов *Apiaceae* в Узбекистане // Turczaninowia 2012, 15 (4). – С. 31–33.

17. Тожибаев К.Ш., Каримов Ф.И. Эндемичные однодольные геофиты флоры Ферганской долины // Растительный мир Азиатской России. – 2012. - №1 (9). – С. 55-59.

18. Khassanov, F. O. & Tojibaev, K. Sh. 2009: One more new *Allium* L. species from Fergana depression (Central Asia). - Linzer Biol. Beitr. –Linz no. 41 (2): 1059-1062.

19. Khassanov, F. O. & Tojibaev, K. Sh. 2010: Two more new *Allium* L. species from the Fergana depression (Central Asia). -Stapfia 92: 27-28.

20. Pimenov, M. G., Tojibaev K. Sh., Kljuykov M. V. & Degtjareva G. V. 2011: *Kuramosciadium* (Umbelliferae): A new genus from the Uzbekistanian part of the western Tian Shan Mountains. - Systematic Botany 36 (2): 487-494.

21. Tojibaev, K. Sh. 2009c: A new species of *Tulipa* L. (subg. *Tulipa*) from Uzbekistan – Linzer Biol. Beitr. –Linz no. 41 (20): 1059-1062.

22. <http://ipni.org/>

РЕЗЮМЕ

Мақолада илмий манбаларнинг таҳлили ва Жануби-Ғарбий Тиён-Шоннинг Ўзбекистон қисмида олиб борилган флористик тадқиқотларнинг натижалари асосида ботаник-географик районлаштиришнинг схемасига ўзгартириш киритилганлиги, Оҳангарон дарёси ҳавзасига қирадиган Қурама ва Чотқол тоғ тизмалари Мўғилтоғ-Қурама округидан ажратилиб, Ғарбий Тиён-Шон округи таркибига кириши асосланганлиги ҳамда бу округ таркибидаги Чоркесар райони мустақил характерга эга эканлиги баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

На основании анализа литературных данных, результатов инвентаризации флоры узбекистанской части Юго-Западного Тянь-Шаня внесены изменения в схему ботанико-географического районирования Западного Тянь-Шаня. Выделен Ахангаранский округ, включающий Кураминский хребет, Чаткальский хребет в пределах бассейна реки Ахангаран и обоснована самостоятельность Чоркесарского ботанико-географического района.

SUMMARY

Some questions of botanical-geographical regionalization of peripheral sites of South-West Tien-Shan.

On the basis of the analysis of literature data and results of inventory of flora Uzbekistan part of South West Tjan-Shan are brought some changes in the scheme of botanical - geographical regionalization of West Tjan-Shan. Kurama ridge, the Chatkal ridge within river basin Axangaran unites in Ahangaran district and proved independence of Chorkesar botanikal-geographical area.

Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым

ЎЗГАРИШЛАРНИНГ *G.darwinii* WATT ТУРИДА ФОТОПЕРИОДИК ГУЛЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЛОКУСЛАРНИ QTL КАРТАЛАШТИРИШ

Кушанов Ф.Н., Мирзоёқубов К.Э., Туланов А.А., Бўриев З.Т.,
Абдукаримов А., Абдурахмонов И.Ю. (ЎзР ФА ГБМ)

Таянч сўзлар: *ғўза, фотопериод, ДНК-маркер, SSR, CAP, QTL*
локуслари, карталаштириш

Ўза генетик хилма-хилликларидан кенг фойдаланмаслик ўза селекциясида ва пахтачиликда кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқда [1]. Хусусан, йиллар давомида генетик жиҳатдан яқин бўлган бошланғич материаллардан селекция жараёнларида мунтазам фойдаланиш генетик базанинг торайишига ва маданийлаштирилган ўза навларида қимматли хўжалик белгиларнинг ёмонлашишига олиб келди [2]. Замонавий молекуляр-генетик технологияларнинг селекция соҳасига татбиқ қилиниши, генофонд намуналарини баҳолаш ҳамда улардан селекция ишларида фойдаланиб, қисқа муддатда керакли хусусиятдаги генотипларни яратиш ҳисобига мазкур муаммони бартараф этиш имконини берди [3]. Бунинг учун эса, энг аввало, қимматли хўжалик белгиларни назорат қилувчи генлар ёки миқдорий белгилар локуслари (QTL, ингл. Quantitative Trait Loci) идентификация қилинган ва уларга бириккан ДНК-маркерлари аниқланган бўлиши керак [4].

Мавжуд ўза навларининг хўжалик белгиларини генетик жиҳатдан яхшилаш бўйича ёввойи ўза генофонди намуналари қимматли генлар манбаи ҳисобланади [5]. Хусусан, келиб чиқиши

ши ва айрим маъноларининг йўқолиши каби ҳодисалардан иборат бўлади. Бу жараёнда луғавий бирликларнинг адабий меъёр (норма)га бўлган муносабатида, қўлланиши ва бошқа хусусиятларида турлича ўзгаришлар юз беради. Ана шундай ўзгаришлар маълум даражага келганида, уларни назарий ва амалий жиҳатдан акс эттирувчи тадқиқотларга эҳтиёж туғилади. Амалий ишларнинг асосийларидан бири эса изоҳли, тарихий ва этимологик луғатлар тузиш ҳисобланади.

Икки жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" юзага келгандан буён ўтган йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида ўзбек тили лексикасида юз берган ўзгаришлар эътиборга олинса, аллақачон ана шундай луғатнинг янгисини яратиш вақти келганлиги ва бу иш ҳозирги куннинг талаби эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади" [2, 5.].

Иккинчидан, ўзбек миллий лексикографияси янги тараққиёт босқичида сўзларни изоҳлашнинг ўзига хос усулларига эга бўлди. Бу эса, ўз ўрнида, ўзбек назарий лексикологиясининг сўзлар семантикасини тадқиқ қилиш бўйича эришган жуда катта ва кенг камровли ютуқлари билан белгиланади. Ўзбек лексикографиясининг назарий ва амалий жиҳатдан янада такомиллашувида жаҳон лексикографиясининг илғор назарий хулосалари, метод ва методикасини ижодий ўзлаштириши ҳам муҳим роль ўйнади.

Айтилганидек, давр тақозоси билан ўзбек тили лексик фондида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) айрим сўзларнинг истеъмолдан чиқиши;
- 2) сўз маъносининг кенгайиши;
- 3) сўз маъносининг торайиши;
- 4) сўз маъносининг ихтисослашиши;
- 5) янги сўзларнинг кириб келиши;
- 6) эркин бирикма ва сўзшаклларнинг лексемалашуви.

Ўзбек тилининг янги изоҳли луғатида тилимиз лексикасида юз берган бундай ўзгаришлар ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Буни тадқиқ объектими бўлган миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларига берилган изоҳлар мисолида баён этишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғатида миллий ғоя тушунчалари атов бирликлари сирасида муҳим роль ўйнайдиган *маърифат* лексемаси 2 семемали бирлик сифатида изоҳланган: "МАЪРИФАТ [а] 1 Кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия; маориф. *Маърифат яхши нарса, Матқовул ака, у одамнинг кўзинигина очиб қолмай, бахтини ҳам очади.* М.Исмоилий, Ф.т.о.

2. Маърифат (*хотин-қизлар исми*)."[4, 455.]

Ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғатида эса у уч семемали лексема сифатида берилган:

мавжуд хатоликларни бартараф этиш чоралари хақида тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт о некоторых стилистических ошибках в транслитерационных изданиях произведений Мухаммадрасула Мирзы. Автор рекомендует некоторые способы устранения таких ошибок.

SUMMARY

In this article we are talking about some stylistic errors transliteration editions in the works Muhammadrasula Mirza. Author recommend some decisive measures on ustranyanie such errors.

Наширға ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия қилган

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ АТОВ БИРЛИКЛАРИНИНГ ТАВСИФЛАНИШИ

Тожиева Г.Н. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *миллий лексикография, луғат таркиби, луғавий бирлик, назарий лексикология, сўзлар семантикаси, сўз маъносининг кенгайиши, сўз маъносининг торайиши, сўз маъносининг ихтисослаиши, янги сўзларнинг кириб келиши, эркин бирикма ва сўзшаклларнинг лексемалашуви.*

Истиқлол натижаси ўлароқ, ўзбек миллий лексикографияси ўз тараққиётининг янги пиллапоясига кўтарилди. Тилимизнинг изоҳли луғатларини такомиллаштириш, янги луғатларни тартиб бериш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ўзбек лексикографиясида улкан воқелик десак, муболаға бўлмайди. [1, 4-5] Бу икки ҳолат билан белгиланади:

Биринчидан, ўзбек халқининг миллий мустақилликка эришуви, янги мулкый муносабатларнинг қарор топиши, жамият базиси ва устқурмасидаги туб янгиланишларнинг юз бериши ўзбек тили лексикасининг кескин ўзгаришига олиб келди. Зеро, “тилнинг ривожланиш жараёнида унинг луғат таркиби (лексикаси) бошқа соҳаларига қараганда тез, сезиларли, жиддий ўзгаришларга учрайди. Бунинг сабаблари маълум, албатта. Бу ўзгаришлар лексиканинг фақат микдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланишини акс эттиради. Лексикадаги тараққиёт, ўзгаришлар янги луғавий бирликларнинг пайдо бўлиши ва маълум луғавий бирликларнинг йўқ бўлиши (истеъмолдан чиқиши), сўзларнинг янги маънолар касб эти-

Галапагос ороллари бўлган ғўзанинг ёввойи *Gossypium darwinii* Watt. турида қурғоқчиликка ҳамда нематода билан зарарланишга чидамлилиқ, шунингдек, юқори сифатли тола кўрсаткичларини белгиловчи генлар мавжудлиги исботланган [6], Бу тур шакллари юқори даражада шўрланган тупроқларда ўсиш хусусиятларига ҳам эга [7]. *G.darwinii* Watt ва *G.hirsutum* L. турлари осон чатишишлари ҳисобга олиндиган бўлса, юқорида келтирилган *G.darwinii* Watt тури қимматли хўжалиқ белгиларини *G.hirsutum* L. турига мансуб мавжуд ўрта толали ғўза навларига ўтказиш мумкин. Бироқ нафақат *G.darwinii* Watt. балки бошқа турларнинг ҳам кўпчилиқ хилма-хилликлари киска кун ўсимликлари бўлиб, фотопериодизмга сезгир, яъни ёзнинг узун кунларида гулламайди. Шу сабабли ҳам селекция жараёнларига бу каби тур вакилларини кенг жалб қилиш имконияти чегараланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фотопериодик гуллаш ёки гуллаш вақтини белгиловчи QTL локусларини/генларини идентификация қилиш натижасида энг аввало ёввойи ғўза гермоплазмасидан селекция жараёнларида фойдаланиш ва улардаги ноёб генларни мавжуд ғўза навларига интрогрессия қилиш имконияти туғилади. Бундан ташқари, идентификация қилинган ДНК-маркерлари маркерларга асосланган селекция (МАС) дастурига жалб этилса, янги ва эртапишар навлар яратиш имконияти туғилади. Тадқиқот ишларида ғўзада гуллаш билан боғлиқ бўлган микдорий белгилар локусларини QTL карталаштириш ва улар билан генетик бириккан ДНК-маркерларини идентификация қилиш асосий мақсад қилиб олинган.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Ўсимлик материаллари. Тадқиқот ишларида ғўзанинг *G.darwinii* Watt тури ёввойи (фотопериодик) шакли билан мутагенез таъсирида шу турдан олинган, фотопериодизмга сезувчанлиги йўқотилган мутант линияси [8] билан ўзаро чатиштириш натижасида яратилган F₂ авлод дурагайларида ҳамда уларнинг ота-она шаклларида фойдаланилди.

Геном ДНКсини ажратиш. Тадқиқ қилинаётган намуналардан барг тўқималари йиғиб олинди ва СТАВ [9] усулидан фойдаланиб геном ДНКсини ажратилди. ДНК концентрацияси визуал тарзда аниқ (25нг/мкл) концентрацияли лямбда (λ) фагининг ДНК сига таққосланиб аниқланди.

ПЗР ва генотиплаш. ПЗР (полимераза занжир реакцияси), гель-электрофорез, аллелларни аниқлаш ва генотиплаш усуллари аввал мақолаларда келтирилган маълумотларга мувофиқ ҳолда амалга оширилди [1].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

2006 йилда ғўзада фотопериодик гуллашга специфик

популяция яратиш мақсадида *G.darwinii* Watt тури ёввойи (фотопериодик) шакли ҳамда шу турдан олинган фотопериодизмга сезувчанлиги баргараф этилган линия [8] танлаб олинди ва ўзаро частиштирилиб, фотопериодизмга сезувчанлик бўйича генетик сегрегацияланган дурагай комбинация яратилди. Олинган F₁ авлод дурагайлари 2007 йилда дала шароитида ўстирилиб ўз-ўзидан частиштирилди (1-расм).

Фотопериодизмга сезгирлик бўйича яратилган F₂ авлод дурагай популяциясининг фенотипик ҳолатини ўрганиш дала тадқиқот ишлари 2008 йил Тошкент вилояти (41.389 – шимолий кенглик, 69.465 – шарқий узунлик) шароитида олиб борилди. Бунда дурагайлар ота-она намуналари билан биргаликда экилиб 92 кун давомида (24 июндан 24 сентябргача) уларнинг гуллаш билан боғлиқ хусусиятлари, жумладан, гуллашнинг бошланиши, гуллаш тезлиги, биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги (hs – height of simrodia) ўрганилди. Шунингдек, ўсимлик бўйи, моноподиал (вегетатив) ва симподиал (ҳосил) шохлар сони, бўғинлар сони, умумий ва очилган кўсақлар сони каби жами 13 та қимматли хўжалик белгилар фенотипик баҳоланди.



1-расм. Фотопериодизмга сезувчанлик бўйича яратилган комбинация

Полиморфизм аниқлаш мақсадида ота-она генотиплари 1000 га яқин SSR (Simple sequence repeat) ҳамда генспецифик CAP (Cleaved amplified polymorphism) маркерлар билан ПЗР усули ёрдамида таҳлил

матнига кўп ҳам эътибор беравермагани, шунингдек, “Тамошо қилгали боз аро, эй сиймин бадан келгил” мисраси билан бошланган ғазалда 2 байт (6-7-байтлар, 228-230-бетлар), “Бу кеча базм этмак ҳавас айлаб дилороминг келур” мисраси билан бошланувчи ғазалда 1 байт (4-байт, 226-227-бетлар) тушириб қолдирилганида, натижада мазкур ғазалларнинг тўла матни ифодаланмаганида кўринади. Айтиш жоизки, “Бу кеча базм этмак ҳавас айлаб дилороминг келур” мисраси билан бошланувчи ғазал бошқа бир ўринда (239-241-бетлар) тўлиқ берилган.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ўз даврида анча эътиборли бўлган бу шоирнинг ижод намуналари бармоқ билан санарли миқдорда чоп қилинган. Шу озгина босма нашрларда ҳам услубий таҳрирнинг бир неча кўринишларига оид кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Бундан шоир девонининг ҳар томонлама мукамал таҳририни амалга ошириш ва нашр этиш бугунги кун матншунослигининг долзарб вазифаларидан экани яна бир бор ойдинлашади.

Адабиётлар

- 1.Лихачёв Д.С. Текстология: краткий очерк. –М.: Наука, 2006. –177 с.
- 2.Рейсер С.А. Основы текстологии. –Л.: Просвещение, 1978. –176 с.
- 3.Прохоров Е.И. Текстология. –М., 1966.
- 4.Муҳаммадрасул Мирзо. Девони Мирзо / қўлёзма. Тошкент давлат шарқшунослик институти Қўлёзмалар маркази, инв. №№ 904/IV, 911/I, 1125, 1500.
محمد رسول ميرزا. ديوان ميرزا.
- 5.Муҳаммадрасул Мирзо. Марғубу-н-нозирин. Тошкент давлат шарқшунослик институти Қўлёзмалар маркази, инв. №№ 31, 47, 48, 49, 10278, 10279.
محمد رسول ميرزا. مرغوب الناظرين
- 6.Ўзбек адабиёти. IV томлик, 4-том, 1-китоб. –Тошкент: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1960. –463 б.
- 7.Навоий асарлари луғати. Алишер Навоий асарларининг 15 томлигига илова. –Т.: Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. –785-б.
- 8.Феруз, Муҳаммад Раҳимхон. Элга шоху ишққа қул. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. –160 б.
- 9.Матякубов О., Болтабоев Р., Аминов Х. Ўзбек нотаси. –Тошкент. 2007. –413 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Муҳаммадрасул Мирзо ижодидан қилинган транслитерация намуналари ва уларда йўл қўйилган услубий хатоликлар ҳақида сўз юритилган. Матн таҳририда учрайдиган

*Юрак-бағрим кабобу кўзларим доим пур об айлаб,
 Висолинг ичра беҳад лутф ила кўнглимни қил хушнуд,
 Ёқиб ҳажр ўтига агёр бағрини кабоб айлаб.
 Не тонг Мирзо, кўруб ҳоли паришонингни, ул маҳваши,
 Висолига етурса гайр элидин интиҳоб айлаб.*

253-255-бетлардаги матн:

*Ўлар ҳолатдаман, эй маҳвашим, рафъи ниқоб айлаб,
 Бузуқ кулбамга келгил оразингни офтоб айлаб.
 Неча муддатдурур бермиш эдинг захри ниқобингни
 Майи лутфинг била агёр элини комёб айлаб.
 Висолингга етурмассан, била олмон недур боис,
 Қилурсан нози изтигно итоб узра итоб айлаб.
 Қарориб кўзларим ҳажрингда ўлмакка етубдурман,
 Бу қатиг ҳолат ичра қўймагил турлук азоб айлаб.
 Бўлубман телба итлардек висолинг жустужўйида,
 Юрак-бағрим кабобу кўзларим доим пур об айлаб.
 Ошурдинг кўкдин афгоним фироқингда ёқиб жоним,
 Манга гул юзли жононим фузун ҳаддин итоб айлаб.
 Не тонг Мирзо кўруб ҳоли паришонингни, ул маҳваши,
 Висолига етурса гайр элидин интиҳоб айлаб.*


Таққослардан шу нарса ойдинлашадик, матнлардаги пунктуцион белгиларнинг қўлланилишини ҳисобга олмаганда ҳам, “Ўзбек нотаси”даги ғазал ҳар икки жойда қўлёзмадагидан кескин фарқ қилади. Қўлёзмада ғазал 9 байтдан иборат бўлиб, уни транслитерацияда куйидагича ифодалаш мумкин:

*Ўлар ҳолатдаман, эй маҳвашим, рафъи ниқоб айлаб,
 Бузуқ кулбамга келгил оразингни офтоб айлаб.
 Неча муддат эди бермиш эдинг захри фироқингни,
 Майи лутфинг била агёр элини камёб айлаб.
 Висолингга етурмассан, била олман недур боис?
 Қилурсан нозу истигно итоб узра итоб айлаб.
 Қарориб кўзларим ҳажрингда ўлмакка етубдурман,
 Бу қатиг ҳолат ичра қўймагил ҳолим хароб айлаб.
 Бўлубман телба итлардек висолинг жусту жў айлаб,
 Юрак-бағрим кабобу кўзларим доим пур об айлаб.
 Ошурдинг кўкдин афгоним, фироқингда ёқиб жоним,
 Манга гул юзли жононим фузун ҳаддин азоб айлаб.
 Карам айлаб махмуринга лаълинг шаробидин
 Қадаҳни тўлдуруб тутгил паё-пай, беҳисоб айлаб.
 Висолинг ичра эмди лутф ила кўнглимни қил хушнуд,
 Ёқиб ҳажр ўтига агёр бағрини кабоб айлаб.
 Не тонг, Мирзо, кўруб ҳоли паришонингни ул маҳваши,
 Висолига етурса гайр элидин интиҳоб айлаб.*

Мусикага оид ушбу рисола муаллифи ғазалнинг ҳақиқий

қилинди. Таҳлил натижаларига кўра ота-она генотиплари ўртасида 212 та микросателлит ҳамда 3 та генспецифик маркерлар полиморфизм намоён этди (2-расм).


Ушбу полиморфик маркерлар ёрдамида F₂ авлод дурагайлари генотипланди. Генотипик маълумотлар JoinMap 3.0 карталаштириш дастури асосида таҳлил қилинди. LOD баҳоси (LOD-score, logarithm of odds) 6 га тенг ёки ундан юқори бўлганда 194 та маркердан иборат 25 та бирикканлик гуруҳлари (linkage groups) тузиб чиқилди. Дунё гўза молекуляр-генетик тадқиқотларида аниқланган маркерлар ёрдамида ушбу бирикканлик гуруҳлари хромосомаларга жойлаштирилди. Умумий ўлчами 1158.5 сантиморганга (сМ), ҳар бир маркер ўртасидаги масофа эса ўртача 5.97 сМга тенг бўлган ушбу карта гўзанинг 23 та хромосомасини ўзида акс эттирди.



2-расм. ДНК маркерларининг ота-она генотиплари ўртасидаги полиморфизми

Сўнгра бирикканлик картаси ҳамда фенотипик кузатув натижалари асосида микдорий белгилар локуслари QTL карталаштирилди. Ҳар бир белги учун алоҳида QTL таҳлил ўтказилди. Бунда фақат LOD баҳоси 2,4 га тенг ва ундан юқори бўлган локусларгина ҳисобга олинди. Тадқиқ қилинаётган морфоҳўжалик белгилар бўйича жами 22 та QTL идентификация қилинди. Шундан 11 таси

айнан гуллаш белгилари билан генетик бирикканлиги ва улар ғўзанинг 1-, 3-, 4-, 5-, 19- ҳамда 26-хромосомаларда жойлашганлиги аниқланди. Энг кўп, яъни 6 та QTL локуслари ғўзанинг 26-хромосомасида жойлашганлиги қайд қилинди (3-расм). Хусусан, ғўзанинг эртапишарлигини таъминлайдиган комплекс белгилардан ҳисобланадиган гуллаш вақти (гуллашга ўтиш) ҳамда биринчи ҳосил шохнинг жойлашиш баландлиги бўйича иккита QTLлар ҳам айнан шу 26-хромосомада эканлиги маълум бўлди. Хитой олимлари олиб борган тадқиқот натижаларига кўра гуллаш белгиси ғўзанинг гомологик (12- ҳамда 26-) хромосомаларида жойлашганлиги аниқланган [10]. Бу эса ўз навбатида бизнинг тадқиқотларимизда аниқланган QTL локусларининг ишонччилигидан ва идентификация қилинган ДНК-маркерларнинг ушбу белгиларга генетик яқинликда бирикканлигидан далолат беради.



3-расм. Гуллаш билан ассоциацияланган QTL локусларининг 26-хромосомадаги жойлашуви

Шунингдек, қолган 9 та QTL локуслари ғўзанинг бошқа қимматли белгилари билан генетик бирикканлиги аниқланди. Масалан, ўсимликдаги симподиал (ҳосил) шохлар сони бўйича 3 та QTLлар 20, 21 ҳамда 26-хромосомаларда топилди ($LOD > 3,0$). Бундан ташқари, ўсимликдаги бўғинлар сони белгисига ассоциацияланган QTL 21-хромосомада ($LOD > 4,0$), очилган кўсақлар сони бўйича QTLлар 13 ҳамда 24 хромосомаларда ($LOD > 2,4$) аниқланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқотлар натижасида

нинг қуйидаги байтида ҳам.

Нашрда:

*Бог аро сарв ила гулни найлайин, дилдорнинг
Воладурман кўргали қаддини ҳайрон оразин.*

Ушбу байтнинг замонавий транслитерацияси аслида қуйидаги кўринишда бўлиши ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир. Байтнинг биринчи мисрасида сўроқ (аниқроғи, риторик сўроқ) гап қўллангани туфайли зарур ўринда сўроқ белгиси қўйилиши керак. Шунингдек, иккинчи мисрада зарур тиниш белгисининг қўйилмагани мисрани мазмунсиз шаклга айлан-тириб қўйган. Нашр ҳолатида бу мисра “қаддини ҳайрон кўриб воладурман (ҳайратда қолдим, ўзимни йўқотдим, ҳушимдан айрилдим), оразин” деган ёки шунга ўхшаш маъно ифодалайди. Агар ҳайрон сўзидан сўнг вергул қўйилса, мисрадан “қаддини, юзини кўриб ҳайрон бўлдим, ҳайратда қолдим, ўзимни йўқотдим, ҳушимдан айрилдим (воладурман)” деган мазмун англашилади:

*Бог аро сарв ила гулни найлайин? Дилдорнинг
Воладурман кўргали қаддини ҳайрон, оразин.*

Мирзо ғазалларидан намуналар “Ўзбек нотаси” [9] китобида ҳам нашр қилинган. Мазкур ғазаллар матнида ҳам қўлёзмадаги ғазаллар матни билан номувофиқ ўринлар борлиги ҳам аниқланди. Китобда “Ўлар ҳолатдаман, эй маҳвашим, рафъи ниқоб айлаб” мисрали ғазал 8 байт миқдорида келтирилган. Қўлёзмада 4-байтда кўчирилган

*Қарориб кўзларим ҳажрингда ўлмакка етубдурман,
Бу қотиғ ҳолат ичра қўймагил турлук азоб айлаб.*

мисралари “Ўзбек нотаси”нинг “Дутор мақомлари” қисмида йўқ [7:218-220]. Ушбу ғазал шу китобнинг 253-255-бетларида ҳам қайд қилинган. Қизиғи шундаки, юқоридаги байт бу ўринда ёзилгани ҳолида бошқа байтларнинг келтирилмаганига гувоҳ бўламиз. Муқояса учун ҳар икки ғазалнинг китобдаги матнларини айнан келтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғазалнинг 218-220-бетлардаги матни:

*Ўлар ҳолатдаман, эй маҳвашим, рафъи ниқоб айлаб,
Бузуқ қулбамга келгил оразингни офтоб айлаб.
Неча муддатдурур бермиш эдинг захри фироқингни
Майи лутфинг била агёр элини комёб айлаб.
Висолингга етурмассан, била олмон недур боис,
Қилурсан ноzi истигно итоб узра итоб айлаб.
Ошиурдинг кўкдин афғоним фироқингда ёқиб жоним,
Манга гул юзли жононим фузун ҳаддин азоб айлаб.
Карам айлаб мани махмурингга лаълинг шаробидин,
Қадаҳни тўлдуруб тутгил паё-най беҳисоб айлаб.
Бўлубман телба итлардек висолинг жустужўйида,*

бўлсин.

Бир карашда байт мазмунида кескин фарқ кўзга ташланмайди. Лекин таҳрирчи ضيا (зиё) сўзини صفا (сафо) деб нотўғри ўқиган.

Шундай хато Феруз ғазалига боғланган Мирзо мухаммасида ҳам учрайди. Бир байт уч ўринда уч хил шаклда: “Ўзбек адабиёти” китобида бошқа, Феруз девонининг “Элга шоҳу ишққа қул” [8] тўпламида бошқа, қўлёзмада бошқа шаклда мавжуд.

“Ўзбек адабиёти”да:

*Ферузбахт ўлғил мудом, эт нўши ишрат бирла жом,
Андоқки сархушу хиром, озода рафторинг келур.*

Феруз китобида:

*Ферузбахт ўлғил мудом, эт нўши ишрат бирла жом,
Андоқки сарви хушхиром, озода рафторинг келур.*

Қўлёзмада:

*Ферузбахт ўлғил мудом, эт нўши ишрат бирла жом,
Андоқки, сарву хушхиром, озода рафторинг келур.*

“Сарву хуш” (سرو خوش) бирикмасини “Ўзбек адабиёти” китоби табдилчиси “сархушу” (سرخوشو) деб, Феруз девони табдилчилари “сарви хуш” (سروئ خوش) деб ўқиган. Натижада биринчисидан “маст ва хиром билан юрвчи”, иккинчисидан “хуш(хиром), яъни ёқимли хиром билан юрвчи сарв” деган маънолар юкланган. Қўлёзмада эса бу бирлик “сарву хуш” (سرو خوش) деб ёзилган. Бундан “сарв ва ёқимли хиром билан юрвчи” деган маъно англашилади. Байтнинг ҳақиқий варианты, кўринадики, учинчи вариантдир.

Юқоридаги ғазалнинг кейинги байтида ҳам гўё жиддий эмас-дек туюладиган шундай хатоликка йўл қўйилган. Байтнинг иккинчи мисрасида қўлёзмадаги گاغه (гулға) сўзи گاكى (гулки) тарзида нотўғри транслитерация қилинган.

*Гулзори ҳусн ичра бордур ики юзинг гул,
Ул гулга доим ўлғай ранг лиқо муборак.*

Мирзо девонида маънога таъсир қилмайдиган, бир сўз ўрнида бошқа бир (маънодош ёки моҳиятан мос келадиган) сўзнинг қўлланганини ҳам учратиш мумкин. Жумладан, табдилдаги қуйидаги байтда қўлланган **қуёш** сўзи ўрнида Мирзонинг автограф нусха девонида (1500 рақамли қўлёзма) **пари** сўзи қўлланган.

Нашрда:

Ул қуёшнинг оразидин ўзга юзга йўқ боқмоғум...

Қўлёзмада:

Ул парининг оразидин ўзга юзга йўқ боқмоғум...

Бундай фарқ асосий нусхага мувофиқ тузатилади.

Таҳрирчининг тиниш белгиларини ишлатиш билан боғлиқ йўл қўйган хатолари матн интонациясига, мазмунига жиддий таъсир қилиши матншуносликда кўп бор кузатилган. Жумладан, Мирзо-

ғўзанинг фотопериодизмга сезувчанлик хусусияти ёки гуллаш билан боғлиқ белгиларнинг QTL локуслари ва уларга генетик бириккан ДНК-маркерлари идентификация қилинди. Аниқланган QTL локусларининг асосийлари ғўзанинг 26-хромосомасида эканлиги маълум бўлди. Идентификация қилинган ушбу маркерлардан келажакда МАС усули ёрдамида мавжуд ғўза навларининг эртапишарлик хусусиятини яхшилашда фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар

1. Kohel, R. J., J. Z. Yu, Y. H. Park, and G. Lazo, 2001 Molecular mapping and characterization of traits controlling fiber quality in cotton. *Euphytica* 121: 163–172.
2. Abdurakhmonov I. Y., Kushanov F., I., Djaniqulov F., Buriyev Z., T., Pepper A. E., Fayzieva N., Saha S., Mavlonov G., and Abdulkarimov A.. The Role of Induced Mutation in Conversion of Photoperiod Dependence in Cotton. *Journal of Heredity (USA)*, 2007. – No 98 (3). – p. 258–266.
3. Hospital, F. & Charcosset, A. Marker-assisted introgression of quantitative trait loci. 1997. *Genetics*. 147, 1469–1485.
4. Han, F., Romagosa, I., Ullrich, S. E., Jones, B. L., Hayes, P. M. & Wesenberg, D. M. 1997 Molecular marker-assisted selection for malting quality traits in barley. *Mol. Breed.* 3, 427–437. (doi:10.1023/A:1009608312385)
5. Abdurakhmonov I.Y., Abdullayev A., Buriyev Z., Shermatov Sh., Kushanov F.N., Makamov A., Shapulatov U., Egamberdiev Sh., Salakhutdinov I.B., Ayubov M., Darmanov M., Adulova A.T., Rizayeva S.M., Abdullayev F., Namazov Sh., Khalikova M., Saydaliyev H., Avtonomov V.A., Snamyam M., Duiesenov T.K., Musaev J., Abdullayev A.A. and Abdulkarimov A. // Cotton Germplasm Collection of Uzbekistan in the book "World Cotton Germplasm Resources" edited by Ibrokhim Y. Abdurakhmonov, ISBN 978-953-51-1622-6, InTech, July 7, 2014.
6. Percival A.E., Stewart J.M., Wendel J.F. Taxonomy and germplasm resources // In: Smith CW, Cothren JT, editors. Cotton: origin, history, technology and production. –New York, 1999. – P. 33–63.
7. Liang ZL (1999) Genetic and breeding science of cotton hybridization. Science Press, Beijing.
8. Джаникулов Ф. Связь между радиочувствительностью и мутабельностью диких и культурно-тропических форм хлопчатника // Доклады Российской академии сельскохозяйственных наук. – Москва, 2002. – № 2. – С. 19–22.
9. Paterson A.H., Brubaker C.L., and Wendel J.F. // A rapid method for extraction of cotton (*Gossypium spp.*) genomic DNA suitable for RFLP and PCR analysis. *Plant Mol. Biol. Rep.* 1993 y. v 11: p. 112–127.

10. Li, Wang, Dong, Zhao, Xia, Wang, Converse and Wang // QTL analysis for earlymaturing traits in cotton using two upland cotton (*Gossypium hirsutum* L.) crosses // *Breeding Science*. 2013 y., Vol. 63: pp.154–163.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ғўзанинг фотопериодик гуллаши билан боғлиқ миқдорий белгилар локусларининг (QTL) молекуляр карталаштирилиши, бирикканлик гуруҳлари картаси тузилиб, ушбу белги билан генетик яқинликда бириккан маркерлар идентификация қилинганлиги ва уларнинг хромосомадаги жойлашуви аниқланганлиги ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

Произведено молекулярное картирование локусов количественных признаков (QTL), ассоциированных с фотопериодическим цветением хлопчатника. Построены карты группы сцепления, идентифицированы маркеры, тесно сцепленные с данным признаком и определена их хромосомная локализация.

SUMMARY

The molecular mapping of quantitative trait loci (QTL) that control photoperiodic flowering in cotton has been conducted the flowering trait. The linkage groups of DNA markers associated with flowering trait has been constructed.

Нашрга проф. Л.Ёзиев тавсия этган

7089/Д-тартиб рақамли қўлёзма хижрий 1325 – милодий 1907-1908 йилларда номаълум котиб томонидан настаълиқ хатида, рус фабрика қоғозига кўчирилган. Матнларда узилиш борлигидан қўлёзманинг тугалланмагани маълум бўлади. Ҳажми 95 варак. Ўлчами 17,5x29,5 см. Шоирнинг ғазал, мухаммас, рубоий, таърих ва маснавийлари киритилган.

Мазкур нусхалардан қайси бири асосида транслитерация қилингани маълум қилинмагани ҳолида Мирзо ижодидан айрим намуналар кирилл алифбосида турли йилларда нашр қилинган. Гарчи бу нашрлар ҳажман жуда кам миқдорни ташкил қилса-да, табдил ва таҳрирчилар томонидан айрим камчиликларга йўл кўйилган.

“Ўзбек адабиёти” 4 томлигининг 4-том, 1-китобида [6:287-300] шоирнинг 7 та ғазали, Феруз ғазалига мухаммаси ва 2 та маснавийси берилган. Иккинчи маснавий аслида Фузулийнинг “Ҳафт жом” асари таржимасидан. Ушбу маснавийга берилган ҳаволада “*Мирзо ўз девонида “Жом кайфияти” номида чолғу асбоблари мунозараси орқали дунёни тасвирлайди, ҳаёт ҳақида фикр юргизади, ҳаммаси бўлиб етти жом кайфияти берилган...*” деган янглиш маълумот берилган. Биринчи маснавий эса ана шу таржиманинг кириш қисмидир. Унда шоир ўз аҳволи баёнини ифодалаган.

Нашр транслитерацияси жараёнида баъзи хатоликларга йўл кўйилгани аниқланди. Хатоликлар сўзни нотўғри ўқиш, пунктуацион белгиларни нотўғри қўллаш сингарилар бўлиб, улар матн мазмунига кескин таъсир ўтказган. Жумладан, нашрдаги иккинчи ғазалнинг биринчи байтида *сафо* сўзи сўзни нотўғри ўқиш билан хато сирасига қиради.

Солиштирамиз:

Нашрда:

Хуришиддек юз очдинг, эй дилрабо, муборак,

Ишқ эли кўзига бердинг сафо муборак.

Сафо сўзининг бир неча маънолари, жумладан, “ёруғлик”, “равшанлик”, “порлоқлик” деган маъноси ҳам борлиги “Навойи асарлари луғати” [7:553] да қайд қилинган. Шундан байтнинг мазмуни: *хуришид (қуёш)дек юз очдинг, юз очганинг муборак бўлсин, бу билан ишқ эли (ошиқлар) кўзига ёруғлик, равшанлик берганинг муборак бўлсин, демакдир.*

Қўлёзмада:

Хуришиддек юз очдинг, эй дилрабо, муборак,

Ишқ эли кўзига бердинг зиё муборак.

Мазмуни: *хуришид (қуёш)дек юз очдинг, юз очганинг муборак бўлсин, бу билан ишқ эли (ошиқлар) кўзига нур берганинг муборак*

барчасига унинг шеърларидан намуналар киритилган. Тошкент давлат шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида шоир девонининг бир нечта қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланади [4, 5]. Уларнинг аксарияти бир нусханинг турли инвентарь рақами билан сақланаётган вариантлари бўлса, айримлари бир-биридан таркибий тузилиши жиҳатидан кескин фарқ қилади.

Хусусан, **904II-гартиб рақамли нусха** хижрий 1323 – милодий 1905-1906 йилларда Умар хўжа Иброҳим хўжа томонидан настаълик хатида, рус фабрика қоғозига оққа кўчирилган мажмуа-девон саналади. Қўлёзма ўлчами 19x29 см. Мирзонинг шеърлари 85 варақ (98^{-б} – 182^{-а})да кўчирилган.

911I-гартиб рақамли нусха хижрий 1325 – милодий 1907-1908 йилларда Муҳаммад Яъқуб Муҳаммад Юсуф томонидан настаълик хатида, рус фабрика қоғозига ёзилган мажмуа-девон ҳисобланади. Ўлчами 18x27,5 см. Мирзонинг шеърлари 66 варақ (1^{-б} – 66^{-б}) да кўчирилган.

1500-гартиб рақамли қўлёзма хижрий 1327 – милодий 1909-1910 йилларда кўчирилган. Ҳажми 95 варақ. Ўлчами 18x30 см. Рус фабрика қоғозига ёзилган. Котиб – муаллифнинг ўзи. Қўлёзманинг дастлабки варағида муаллиф томонидан қуйидаги маълумот келтирилган: *“Муҳаммад Раҳимхон марҳумининг амрлари била Ҳақирнинг порсидин турки тилига таржима қилган китобларининг адади будур: бирланжи, Бархурдор Туркман ал-мутахаллис бил-Мумтознинг “Раъно ва Зебо” отлиг китоби; иккиланжи, “Тиб” китобидин “Тухфату-л-мўминин”нинг бир дафтари; учланжи, ҳадис китобидин Мавлавий Абдулҳақнинг “Фазойилу-л-Қуръон”и; тўртланжи, “Шамсу-л-маориф” китобининг икки бўлагиким, иккави ҳам асмоъи ҳуснонинг шарҳидурлар, арабийдин туркий тилига таржима қилилди; бешланжи, “Дақойиқу-л-ахбор” китобининг таржимасиким, араб тилидин туркий тилига ўткарилди; олтиланжи, ушбу “Марғубу-н-нозирин” дур; еттиланжи, Фузулийнинг порсий “Соқийномаси” ким, ани ўз назмидин чиқармай туркий маснавий этиб “Марғубу-н-нозирин” девонимга ҳазрат Муҳаммад Раҳимхон илҳоқ эттурдилар.*

Ҳозо китобу-л-мажмуъи би “Марғубу-н-нозирин” маъа “Маснавиётти Табибий”.

Мазкур нусха Аҳмад Табибий тазкираси асосида тузилган.

1125-гартиб рақамли қўлёзманинг кўчирилган санаси ва котиби маълум эмас. Ҳажми 135 варақ бўлиб, ўлчамлари 12,5x20,5 см. Қўлёзманинг 1^{-б} варағидан 58^{-б} варағигача ғазал, 59^{-б} варағидан 88^{-а} варағигача муҳаммас, 89^{-б} варағидан 99^{-а} варағигача қасида, 99^{-а} варағидан 103^{-а} варағигача рубоий, 103^{-а} варағидан 107^{-б} варағигача таърих, 107^{-б} варағидан 112^{-б} варағигача маснавий ва 112^{-б} варағидан 135^{-б} варағигача мунозара (“Ҳафт жом” таржимаси) кўчирилган.

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР

ХУДБИНЛИК БАЛОСИ

С.Чориев (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *манфаат, худбинлик, худбинлик шакллари, худбинликнинг ижтимоий оқибатлари*

Инсон манфаати хусусида мушоҳада қилган донишу фузалолар уни жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучга қиёс этадилар. Ҳақиқатан, асл манфаатгина одам боласини саъйга ундайди, у ёки бу ижтимоий вазифани бажаришга, у ёки бу юмушнинг уддасидан чиқишга йўллайди, бу функция ёхуд юмушни бажаришнинг самаралироқ чораларини излашга мажбур этади. Манфаат бўлмаса, инсонни бирор бир корга кўндириш мушкул. Тўғри, баъзан ўз манфаатию фойдасини англамайдиган “шоири девонаи ишқларни” ҳам учратиб турасан киши. Лекин бу, фалсафа тили билан айтганда, кўпроқ қонунийлик билан эмас, тасодифийлик билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан мулоҳаза юритганда, ўз манфаатини қондириш чораларини излаган, кези келганда, шахсий манфаатларига хизмат қилган кишини гуноҳи азимнинг уяси деб билмаслик керак. Бироқ ўз манфаатларини қондиришни энг олий ҳаловат дея ҳисоблагувчи, унинг йўлида сувни симириб, тошни кемириб юборувчи, бировнинг манфаатига келганда бармоғини бармоғига уришни малол кўргувчи кимсалар уруғининг баракалилиги кишини ўйлашга, ҳайратдан ёқа ушлашга шайлайди. Шу кўйи худбинлик нима ўзи? у қандай шаклларда намоён бўлади? не оқибатлар билан интиҳо топади? каби саволларга жавоб излаб қоласан.

Моҳияти

Худбинлик – шахсий манфаатларни қондиришни энг олий ҳаловат деб билувчи, айна пайтда ўзгалар манфаатини эътибордан четда қолдирувчи ҳаётий позициядир. Худбин учун ўз дунёсигина мавжуд, у ўзгаларнинг ҳам шундай дунёси борлигини, бу дунёда ҳам манфаат деб аталгувчи кадриятлар бўлиши мумкинлигини англамайди ёхуд англашни истамайди.

Бироқ худбинликни шахснинг ўзлигини билишга бўлган интилишидан ажрата билмоқ зарур. Ўзликни билиш – бу ўз ички дунёсининг сир-синоатларини англаб етиш жараёнидир. У шахснинг шаклланишига хизмат этадиган бағоят муҳим амал саналади. Кимки ўзини билибди, эътибор топибди; кимки ўздан бегона, ўзгалар ҳам ундан безор. Ҳазрат Алишер Навоий: “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам”, – деб ёзиши бежиз эмас (1). Машхур француз файласуфи Рене Декартнинг ҳаёти бунга ёрқин мисол бўла олади. Аллома “Услуг ҳақидаги мулоҳазалар” номли асарида келтиришича, 17 ёшидаёқ ўзини топишни, маънавий қиёфасини шакллантиришни олий мақсад сифатида белгилайди ва унга етишишнинг пухта режасини ишлаб чиқади. Режа тугал амалга ошмасдан туриб, эл ўзини тўла топишга бел боғлаган мутафаккирни топиб улгуради (2).

Худбинликнинг табиати ўзликни билишга бўлган интилишдан тамоман бошқача. Худбин ўз манфаатларини билиш билан чекланмасдан, уларни ўзгаларнинг эҳтиёжларидан устунроқ қўяди; ўз манфаатларининг қондирилиши бошқалар учун зарур бўлган ҳолатларга зиён етказиши ёки етказмаслиги хусусида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Худбинлик табиати ҳақида гапирганда, худбинлик дунёқарашини ва худбинлик фаолиятини тилга оладилар. Умуман олганда, мутахассислар болаликдаги ҳар қандай дунёқарашнинг худбинлик характерида бўлишини қайд этадилар. Масалан, машхур психолог Жан Пиаже ўзининг “Бола нутқи ва тафаккури” номли монографиясида таъкидлашича, ҳар бир бола аввалбошда худбинларча фикр юритади. Муаллиф мазкур фикрини исботлаш учун ажабтовур тажриба ўтказади. У болани тоғ макети олдида ўтқизади-да, кўриб турган ҳолатини тасвирлаб беришни сўрайди. Бола макетдан тоғни, тоғ олдида барпо этилган уйни, унинг олдида экилган дарахтни кўраётганини айтади. Шундан сўнг олим макетдаги тоғнинг нариги тарафига кўғирчоқни ўтирғизиб, боладан сўрайди: “Кўғирчоқ нимани кўрапти?” Бола яна ўзи томондаги нарсаларни – тоғни, тоғ олдида барпо этилган уйни, унинг олдида экилган дарахтни тилга олади. Бинобарин, бола дунёга ўзгаларнинг кўзлари билан боқишга ўрганмаган, унинг учун ўз туйғулари, эҳтирослари, эҳтиёжлари, манфаатларигина мавжуд (3).

МИРЗО ДЕВОНИ НУСХАЛАРИ ВА УСЛУБИЙ ТАҲРИРИ

Файзуллаева Р. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *девон, девон нусхаси, қўлёзма нусха, тошбосма нусха, адабий матн таҳрири, таҳрир турлари, услубий таҳрир.*

Адабий матн таҳрирининг бир неча турлари бўлиб, мутахассислар унинг ғоявий таҳрир, услубий таҳрир, асардаги фактларни бойитиш, кенгайтириш таҳрири, бир неча турни ўзида жамлаган қоришиқ таҳрир турларини ажратиб кўрсатадилар [1, 2, 3]. Улар орасида услубий таҳрир соф адабий-лисоний таҳрир тури бўлгани билан бошқаларидан кескин ажралиб туради. Услубий таҳрир таҳрирдан тилнинг грамматик, стилистик, пунктуацион, имло қоидаларини мукамал билишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан адабий матн транслитерацияси жараёнида маълум бир принципларга қатъий амал қилиш шарт ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда, араб (эски ўзбек) ёзувидан матн транслитерацияси амалга оширилиши жараёнида кузатилади. Чунки эски ўзбек ёзуви замонавий лингвистик қоидаларга кўп ҳам мос тушавермайди. Жумладан, бу ёзувда бош ҳарфлар билан ёзиш қоидаларининг мавжуд эмаслиги, тиниш белгиларининг доимий қўлланмагани тадқиқотчига транслитерация жараёнида маълум қийинчиликлар туғдиради.

Маълумки, матн таҳрири текстологик ўқиш асосида юзага чиқади. Матнни тўғри ўқий олишнинг асосий шартини эса матн яратилган давр тилини яхши билиш саналади. Бунинг учун таҳрирчи даврнинг фонетик, морфологик ва синтактик қоидаларидан хабардор бўлиши керак бўлади. Табиийки, айниқса, эски ўзбек ёзувидан қилинаётган транслитерация жараёнида давр адабий услуби, пунктуацион ва бошқа имловий белги ва тушунчаларга эҳтиёж сезилади. Мирзо девонининг услубий таҳририни амалга ошириш жараёнида биз айна шундай муаммоларга дуч келдик.

Авалло Мирзонинг шоирлик салоҳияти ва девони ҳақида.

Муҳаммадрасул Мирзо Феруз адабий муҳитига мансуб шоирлар сирасига қиради. У, асосан, кичик лирик жанрларда ижод қилган. Ўз даврида ғазал, мухаммас, мусаддас, мустазод, рубоий, қитъа ва қасида жанрларида ёзган шеърлари замондошлари орасида машхур бўлган. Унинг лирикасида Хоразм фольклорига хос варсақи жанридаги шеърий асарлар ҳам учрайди.

Мирзонинг “Девони Мирзо” ва “Марғубу-н-нозирин” номли девонлари бизгача етиб келган. Бундан ташқари, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Хивада тартиб берилган баёзларнинг деярли

“Ҳайрат ул-аброр” марказида улуғ висол сари кетаётган комил одам туради. Кейинги тўрт дoston қаҳрамонлари, воқеалар ва бошқа барча компонентлар аброрлик мақоми томон босиб ўтилажак бекатларнинг бадиийлаштирилган тасвиридир. Бу қадар қамровдор “йўл” хронотопи наинки “Хамса”даги беш дostonни шакл-мазмун жиҳатидан уйғунлаштиради, балки умрнинг турли бекатларида, ёлғончи дунё жамолига маҳлиё бўлиб юрган башарият вакиллариға чин аброрлик йўлини ҳам кўрсатади.

Адабиётлар

1. Лук А.Н. Психология творчества. –М.: Наука, 1978, –111-с.
2. Жўракулов У. Михаил Бахтин кашфиётлари // “Жаҳон адабиёти” журнади, 2014 йил декабрь, –153-б.
3. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари (рус тилидан У.Жўракулов таржимаси) // “Жаҳон адабиёти” журнади, 2013 йил июль, –140-б.
3. Алишер Навоий. МАТ. Т. VII. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. –Т.: “Фан”, 1991.
4. Алишер Навоий. МАТ. Т. VII. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. –Т.: “Фан”, 1991. –19-б.
5. Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. –76-б.
6. Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. –81-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада “Хамса”га хос самовий композицион доира, олий математика ўлчамидаги сюжет тизими, изчил образлар дунёси ноёб бадиият намунаси, башарий тафаккурнинг ҳадди аълоси сифатида талқин қилинади. “Хамса”нинг универсал жанр эканини далилловчи бадиий хронотоп хусусида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется своеобразная композиция «Хамсы», ее сюжетные линии, система образов как образец высокохудожественной литературы, а также идет речь о художественном хронотопе, подтверждающем, что «Хамса» является универсальным жанром.

SUMMARY

This article is interpreted as the composition of the celestial circle specific to “Хамса”, higher mathematics dimensional plot, world of successive images and unique artistic sample, the high level of human consciousness. There is meditated about art chronotop which shows evidence that “Хамса” is a universal genre.

Наишга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

Боланинг 12 ёшига қадар ундаги худбинлик дунёқарашини ҳам аста-секин сўна боради. Бироқ қатор объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар ушбу иллатнинг етуклик чоғида ҳам сақланиб қолишига сабаб бўлади. Айтайлик, бўрилар орасида умргузаронлик қилсанг, ўзингни бўридек тутишга одатланасан. Ёки гўдақликдан бериб келинган тарбиянинг қусурлари кишини ўзгаларнинг дардига бефарқ қилиб қўйиши мумкин. Бундай ҳолатда худбинлик дунёқарашини негизида худбинлик фаолияти юзага келади. Бошқача айтганда, энди худбин ўз манфаатларини улуғлаш билан чекланмасдан, уларни қондиришга интила бошлайди. Аксарият ҳолларда бундай интилиш ўзгаларнинг манфаатларига зид келаётгани уни кизиқтирмайди.

Шакллари

Таниқли олим Ж.Роулз ўзининг “Адолат назарияси” деб номланган китобида худбинлик фаолиятининг уч шаклини тилга олади (4).

1. Диктаторлик худбинлиги. Бу тоифа худбинлари “ҳамма менинг манфаатларимга хизмат қилиши керак”, деган шиорға амал қиладилар. Ўз манфаатларига мутаносиб ҳаракат қилаётганларни дўст деб эълон қиладилар, турли давраларда уларни адолатпарвар ёхуд тўғригўй киши сифатида эътироф қиладилар. Кези келиб, манфаатлар тўқнашиб қолса ёки, айтайлик, эҳтиёжлар ўртасидаги уйғунлик йўқолса, тап тортмасдан кечаги дўстни душман санай бошлайдилар. Энг кизиғи, худбинларнинг бу тоифаси ҳатто воқеаликдаги воқеа ва ҳодисаларни ҳам ўз манфаатларига мос равишда шарҳлашда устаси фаранг бўладилар.

2. Истиснолик худбинлиги. Бу тоифа худбинлари “ҳамма ахлоқий қоидаларға амал қилсин, лекин мен бундан истисно”, деган шиорға амал қиладилар. Улар хусусида фикр юритганда ногоҳ мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Ичингдаги ичингдаир” номли рисолаида келтирилган эътиборли мисол хотирингға келади: “Инсон ўз қаллигидан ва чипқонидан ирганмас. У ярали қўлини бемалол овқатға узатади, ялайди. Бундан унинг қўнгли айнинамайди. Аммо биронинг қўлида кичик бир чипқон ёки яра кўрса, бас, овқат ейишдан тўхтади, жирканади”(5). Бундай худбинлар ҳаммадан белгиланган қоидаларға амал қилишини талаб қиладилар, бирор “нокас”, Худо кўрсатмасин, бу қоидаларни ноҳосдан бузиб йўқса, айюҳаннос соладилар. Аммо ўзларини бу қоидаларға риоя этишдан истисно қилавериш чарчамайдилар.

3. Умумий худбинлик. Бу тоифа худбинлари “ҳамма билганини қилсин”, деган шиорға амал қиладилар. Мазкур нуқтаи назар ҳам анча-мунча хавфли. У жамиятдаги бошбошдоқликнинг тегиримонига сув қуяди, умумижтимоий норма ва принципларға захмат еткази. Сирасини айтганда, Қадимги Рим империяси, Византия

салтанати, инсоният тарихида ном қолдирган кўплаб давлатларнинг инқирозига сабаб бўлган асосий омиллардан бири ҳам айнан ана шу шиорнинг ҳаддан зиёд илдиз отгани билан боғлиқ.

Ажабки, худбинликнинг ҳар қандай шаклини нормал ҳолат деб баҳоловчи алломалар ҳам талайгина. Уларнинг фикрича, одам боласи энг аввало ўзига яхшилик тилайди, шу боисдан ўзига яхшилик етказувчи амаллар билан машғул бўлишни маъқул кўради. Бинобарин, Ҳазрати инсоннинг ҳар қандай саъй-ҳаракати худбинлик мотиви билан суғорилган – бунга ажабланишнинг ҳожати ҳам йўқ. Мазкур нуқтаи назарни эрамиздан аввалги V асрда ижод қилган софистлар Протагор ва Горгий (6) ижодида, XVI асрда умргузаронлик қилган Т. Гоббснинг “Левиафан” номли асарида (7), XIX асрда қалам тебратган Ж.Миллнинг “Утилитарианизм” (8) ва Н. Чернишевскийнинг “Нима қилмоқ керак?” (9) номли китобларида учратиш мумкин.

Бироқ қатор файласуфлар инсон ҳамма вақт ҳам шахсий манфаатларга бўйсуниб яшай олмайди, жамиятда, одамлар орасида фаолият кўрсатар экан, у ўзгаларнинг манфаатини ҳам инobatга олмоғи шарт, деб таъкидлайдилар. Шу каби фикрларни И.Кантнинг “Амалий ақл танқиди” (10), С.Кьеркегорнинг “Кўркув ва титрок” (11), К.Маркснинг “Капитал” (12), Ф.Достоевскийнинг “Ака-ука Карамазовлар” (13) номли асарларида кўрамиз.

Бу борада А.Такер томонидан илгари сурилган “Маҳбус” дилеммаси айниқса мароқли ва ибратли (14). Дилемманинг мазмуни шундай: бир жиноятда содир этишда шубҳа қилинаётган икки киши икки камерада алоҳида-алоҳида сақланмоқда. Улар бир-бирлари билан мутлако гаплашмайдилар, бир-бирларини кўрмайдилар, бироқ айбларини исботловчи бирор далил йўқлигини яхши биладилар. Прокурор жиноятни фош этиш мақсадида уларни ҳузурига чакириб, шундай таклиф қилади: “Агар иккалангиз ҳам айбингизни тан олсангиз, ҳар бирингиз 3 йилга озодликдан маҳрум этиласиз. Агар иккалангиз ҳам жиноятингизга иқроор бўлмасангиз, ҳар бирингиз 5 йилга қамаласиз. Борди-ю, бирингиз айбингизни тан олиб, иккинчингиз иқроор бўлмасангиз, айбини бўйнига олган 10 йилга озодликдан маҳрум этилади, иқроор бўлмаган эса озодликка чиқарилади. Кўриниб турибдики, кимки нуқул ўз манфаатини ўйласа, мақсадга эришиши мумкин. Бироқ ҳамма фақат ўз манфаати хусусида қайгурса, барчага зиён этади. Аксинча, ҳамма ўзаро келишиб иш тутса, фойдадан холи бўлмайди.

Ижтимоий оқибатлари

Худбинлик шахснинг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам аянчли оқибатларга олиб келиши муқаррар. Худбин шахс ёлғизликка маҳкум. Унинг маънавий дунёси кулгили, дўстлари йўқ, ютуқлари муваққат, чўққилари нотавон. Шўрликнинг бутун умри ўз зафарларини бошқаларникидан кам эмаслигини исботлаш билан ўтади.

этиш асносида сўзни макону манзил, аввалу охир деган тушунчалар бўлмаган “замон”лардан бошлайди. Унда ҳали ҳеч нарса мавжуд эмас, илло, Яратганнинг ўзигина коим эди. Сўнг бутун самовот ва одам яратилди. Аммо қачонлардир бу яратилган ҳам йўқликка юз тугади. Ўшанда ҳам ёлғиз Оллоҳнинг ўзи қолади. Бу ҳодиса сири ҳам фақат Унга маълум. Чунки фақат Угина:

*Эй Санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламязал... (4)*

деган таърифга лойиқ. Воқеан, инсон ва жами махлуқот Ундан ва яна ўзига қайтади. Башарият мана шу ораликда яшаб ўтади. Ушбу замон-макон эса ўзининг Яратган ҳузуридаги аниқ ўлчамига эга.

2. Достондаги **“Уч ҳайрат”** қисми. Ушбу қисмда одам қандай ибтидо топди, инсон ҳаёти моҳияти, асл мақсади, чин аброрлик саодати нимада, комил одам йўли қайси нуқтадан бошланиб, қаерда интиҳо топади, деган улкан саволлар қўйилган ва уларга бадиий сўз воситасида жавоб изланган. Навоий талқинига кўра, Яратган одам жони (руҳи, кўнгли)ни тана либосига киритиш учун, ундан бурунроқ яратди. “Шоми адам” тугади, бутун борлик ёришди, самовот тонги отди (5). Шундан сўнг жон Оллоҳнинг амри билан ўрндан турди (“кўпди”), бир-икки қадам босди ва “боғи Ирам” (жаннат)ни кўрди. Ундаги мукамаллик, жозибаю гўзалликдан ҳайратланди. “Асл Ватан”га нисбатан қалбида ишқ олови ловуллади. Аммо Яратгандан танбех бўлдики, “бу ҳайратлар беҳуда” асл ҳайрат боғда эмас, уни яратган Деҳқонда, буларнинг бари фақат Уни зикр этиш билан шараф топган, асл ҳайрат шунда экан (6). Асл ҳайрат моҳиятини англаган жон энди жаннатдан борлик-қоинот, ундан муваққат манзили Ер томон эна бошлади. Шу аснода заррадан тортиб, энг улкан яратилганча бўлган нарсаларни кўрди. Уларнинг ҳам: /Борчасида зикру сужуд англади, /Маърифатуллоҳға шухуд англади... Мана шу одам руҳи (жони)нинг аброрлик мақомига етиши эди. Зотан, Навоий талқинига кўра, Оллоҳ ҳузуридан бошланган бу “йўл” замону маконлар оша яна Унинг ҳузурида тугашмоғи керак. Шундагина бу чин аброрлик йўли бўлади.

3. “Ҳайрат ул-аброр”даги **“мақолатлар ва ҳикоятлар”** қисми башариятнинг Ер юзида яшаган, яшаётган, яшайжак ориф ва жоҳил, олим ва оми, комил ва тубан вакиллари ҳақида. Бунда аброрлик мақомидан тортиб, аслида шариф қилиб яратилган инсоннинг энг тубан қилмишларигача тасвир этилади. Мақолатларда “Қуръони карим”даги зидловчи услубда баён этилган фазилату қусурлар, эзгулигу ёвузликлар, улуғлигу тубанликлар ҳикоятлар воситасида реаллаштириб далилланади.

ни уйғунлаштириши билан ҳам муҳимдир.

“Улуғ висол йўли” деган бирикма юзаки карашда абстракт тасаввур уйғотади. Онгимиз кўзгусида реаллашмайди. Бу эса бизнинг Навоий даҳосидан нафақат макон ва замон, балки маънавий-маърифий нуқтаи назардан ҳам узоқлашиб кетганимиздан далолат беради. Зеро, ҳазрат Навоий бу “йўл”ни аниқ-тиниқ ҳис қилган, унинг шарафли ҳаёти шу йўл бўйлаб кечган.

“Ҳайрат ул-аброр” достонини аксар мутахассислар дидактик асар сифатида талқин этишга мойиллар. Тўғри, ислом муҳитида шаклланиб, мукамаллик касб этган бадиият намуналарининг барчаси адабиётни кўнгил иши сифатида эмас, муайян кишиларга Яратган томонидан юкланган аниқ вазифа деб талқин қилади. Уларнинг моҳиятида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ворид бўлмиш “Дин насиҳатдир” деган ҳаётбахш мазмун сингдирилган. Аммо ҳар бир ижодкор ушбу вазифани ўзининг истеъдод даражаси, тафаккур қамровига кўра акс эттирган. Биров уни ўта индивидуал, бошқаси маиший, яна бири ижтимоий сатҳда бадиий талқин этган бўлса, Навоий сингари даҳо ижодкорлар, комил пирлар том маънодаги улкан миқёслар, умумбашарий, самовий мақомлар қадар юксалтиришга эришганлар. Маслакнинг аслиги, мақсаднинг юксаклиги ўз-ўзидан бадиият мақомининг ҳам самовий бўлишига олиб келган. Эндиликда бу асар шунчаки насиҳат, жўн дидактика сатҳларидан узилиб, юксак бадиият, комил ахлоқ, олий дидактиканинг худудсиз кенгликлари бўйлаб парвоз эта бошлаганки, Навоий “Ҳайрат ул-аброр”и мана шундай ноёб асардир.

Олий ўқув юртлири, лицей ва коллежлар, мактаблар учун тақдим этилган дарсликларда “Ҳайрат ул-аброр” сарлавҳаси “Яхши кишиларнинг ҳайратланиши” тарзида таъвил қилинади. “Навоий асарлари луғати”да ҳам “аброр” сўзига “яхшилар, яхшилик билан танилганлар, пок кишилар” дея жўнгина маъно бериб қўйилаверган. Аммо Навоийнинг бу сўз устига қўйган юки ҳаддан ортиқ салмоқдор ва кенг. Ҳазрат Навоий “аброр” сифати остида одам ва олам, башарий ҳаёт моҳиятини англаган комил шахс феноменини талқин этган. Ва бу аброр-одам Навоий “Хамса”сидаги бош қаҳрамон, айни пайтда у мазкур асар марказий концепциясини ифодалайди. Лўнда қилиб айтганда, “Хамса” қаҳрамонларининг барчаси комиллик “йўл”и бўйлаб Оллоҳ висоли томон интилар экан, аброр мақомини олий мақсад деб билади.

Худди шу нуқтаи назардан, “Ҳайрат ул-аброр”нинг барча композицион бўлаклари “Хамса”нинг умумий “йўл” харитасини акс эттиради. Айни композицион бўлақлар, бизнингча, куйидаги тартибда шакллантирилган:

1. Достоннинг “*Дебоча*” қисми. Бунда Навоий Яратганни ҳамд

Аслида зафар деб аталмишдан асар ҳам йўқлиги боис кўзга чиққан тирсакдек кўринганларни талайверади, талайверади. Худбиннинг бутун умри ҳасад билан йўғрилади, шу ҳасад охир-оқибатда унинг умрига зомин бўлади. Бу ҳақда Ҳазрат Алишер Навоий бағоят сермазмун рубоий битган:

Жоҳилким, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам,
Кўзларни олишмоққа чекиб тийғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйғаю, ўз кўзини ҳам (15).

Худбинлик балосидан жамиятга келадиган залолатларнинг эса саноғи йўқ. Бу ўринда Қобил ва Ҳобил ҳикоясига мурожаат этган маъқул, шекилли. Мазкур ҳикоя илк бор “Библия”даги Эски аҳдда келтирилади (16). Қуръони Каримда ҳам бу ҳикоянинг тилга олингани бор (17). Носириддин Бурхониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида ака-укалар низоси айниқса батафсил баён қилинади (18). Ҳикоянинг тафсилотларига тўхталмай, муддаога ўтиб қўя қолсак. Низо объекти – Иқлимо. Унинг оқилалиги ва гўзаллиги Қобилнинг ҳам, Ҳобилнинг ҳам таҳсинини уйғотган. Аллоҳ томонидан белгиланган қоидага кўра, унга Ҳобил уйланмоғи даркор. Шунда Қобил олдида мураккаб дилемма юзага келади: хўш, у Иқлимодан воз кечсинми ёки йўқми? Унга етишмоқни иташ – Аллоҳга шак келтириш демак, унинг белгилаган йўриғидан кечмак демак. Қиздан воз кечиш ўзини бахтсизлик ботқоғига отиш билан баробар. Қобил ўз хоҳиш-истакларига, шахсий манфаатларига содиқ қолишни лозим топди. Бу йўлда унинг олдида турган ягона тўсик – укаси Ҳобилни ҳам ўз манфаатларига қурбон қилди.

Алқисса, Ғарбдаги ижтимоий турмушнинг хусусиятларини, унда амал қилаётган норма ва принципларни ҳаёлингдан кечирсанг, бутун бошли цивилизация Қобил изидан кетгандек туюлади. Шахсий манфаатларни улуғлаш, фақат уларни қондириш учун яшаш Кўҳна қитъанинг марказий ғояларидан бирига айланди. Боз устига, бундай ёндашувни тарғиб ва ташвиқ қилувчи таълимот ва мафкуралар ёмғирдан кейин чиққан кўзикорин каби кўпайгандан кўпайди. Бу мафкуралар турли минбарлар, мақолалар, рисоалар, кўрсатув ва эшиттиришлар ёрдамида ақлни фақат шахсий манфаатларни қондириш учун ишлатиш зарурлигини муттасил уқтириб турди. Улар таъсирида Ғарб жамиятида шахсий манфаат йўлида инсоф, андиша, виждон каби сийқаси чиққан кадриятларни тап тортмасдан қурбон қилиб юборадиган Қобиллар етишиб чиқди. Кейинчалик ўз манфаатинигина биладиган, фақат ўзини ҳақ деб ҳисоблайдиган бу Қобиллар европоцентризмнинг илдиз отишига сабаб бўлдилар. Янги аср арафасига келиб эса, ўз манфаатларини тобора тўлароқ қондирилишини истаб, геосиёсий яккахокимлик учун курашни авж олдирдилар. Бу йўлда хатто моҳиятан одамхўрлидан ўзга нарса бўлмаган айрим экстремистик гуруҳлардан фойдаланишни ҳам эп кўрдилар.

Алқисса, шахс маънавий дунёсида худбинлик деб аталмиш иллатнинг кўзга ташланиши унинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари хусусида бафуржа танкидий мулоҳаза юритишга ундамоғи, унинг ижтимоий оқибатлари тўғрисида башоратлар тайёрлашга чорламоғи, бу йўналишдаги тарбиявий ишлар самарасини ошириш чораларини излашга мажбур этмоғи даркор.

Адабиётлар

1. Навоий А. Тўла асарлар тўплами. 20 томлик. II т. – Т., 2011. – 501-б.
2. Декарт Р. Рассуждения о методе. – М., 1953.
3. Пиаже Ж. Речь и мышление ребенка. – Римис, 2008.
4. Роулз Дж. Теория справедливости. – Новосибирск, 1995. – С. 106—27, 245—53, 431.
5. Румий Ж. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент, 1997, – 28-б.
6. Маковельский А. Софисты. Вып. I. – Баку, 1940. – С. 5–21.
7. Гоббс Т. Левиафан. // Соч. – Т. II. – М., 1991. – С. 93–98.
8. Милль Дж. Утилитарианизм. О свободе. – СПб., 1900.
9. Чернышевский Н. Что делать? // Соч. – Т. I. – М., 1986.
10. Кант И. Критика практического разума // Соч. в 6 т. Т. 4 (1). – М., 1965. – С. 397–399.
11. Кьеркегор С. Страх и трепет. – М., 1993. – С. 289.
12. Достоевский Ф. Братья Карамазовы. – Т. VIII // Соч. – М., 1989.
14. Новая философская энциклопедия. – Т. II. / Рук. проекта В. Степин и Г. Семигин. – М., 2010. – С. 34.
15. Навоий А. Тўла асарлар тўплами. – Т. I- Т., 2011. – 739-б.
16. Ветхий Завет: От Бытия до Откровения. Учение. Пятикнижие Моисеево, пер., введение и комментарии И. Ш. Шифмана. – М., 1993.
17. Курьони Карим. – Т., 1992. – Б. 75-76.
18. Рабғузий Н. Қисаси Рабғузий. – Тошкент, 1990. – Б. 29-32.

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллифнинг худбинлик моҳияти, унинг намоён бўлиш шакллари ва ижтимоий оқибатлари ҳақидаги мулоҳазалари баён этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье излагаются размышления автора о сущности, формах проявления и социальных последствиях эгоизма.

REZUME

In the article the author illustrated his reflexions about the essences, forms of implications and social consequences of egoism.

ёки макон ўз-ўзича ҳеч нарсани англамайди, ҳаракатланмайди. Қачонки инсон ҳаёти, инсонга хос сўз-ҳаракатлар у билан уйғунлашса, бадий хронотоп жонланади, асар ботини бўйлаб оқа бошлайди. “Шунингдек, хронотоп жанр, композиция, образ, бадий асар тили ва услуби, муаллиф, ўқувчи сингари энг муҳим бирликлар потенцияси ҳамда табиатини белгилайди”. (2). Бадий асар ўз табиати, эстетик концепцияси, структурасига кўра турли-туман хронотоп шакллари намоён этиши мумкин. Бунда аксарият бадий асарлар учун умумий бўлган йўл, денгиз, ўрмон, тоғ, ғор, сахро, шаҳар, қишлоқ, кўча, қалъа, меҳмонхона, уй, остона каби хронотоплар билан бирга, ижодкор субъекти, миллий ва маънавий муҳити билан боғлиқ хусусий хронотоплар ҳам кузатилади. Аммо бадий асар ва ўқувчи учун муҳими бундай замон-макон шакллари мавжудлиги ёки кўплиги эмас, балки улар бўйлаб ҳаракатланган инсон, унинг тақдиридир. Бадий асардаги инсон ўз қисмати томон мана шу хронотоп майдонлари бўйлаб ҳаракатланади. Бу ҳаракатлари натижасида қувонади, изтироб чекади, топади, йўқотади, ғалаба қилади, мағлуб бўлади, туғилади, ўлади. Бир сўз билан айтганда, чексиз борлиқ аро йўл босаётган инсон муайян бекатларда ўзини топади, ўқувчига ҳам ўзини англашига ёрдам беради. “Висол – айрилиқ, йўқотиш – эришиш, излаш – топиш, таниш – танимаслик сингари мавзулар нафақат турли давр ва типларга доир романлар сюжетида, балки адабий турларнинг бошқа жанрлари (эпик, драматик, ҳатто лирик жанрларда) ҳам муҳим таркибий қисмлар ҳисобланади”, деб ёзади бу ҳақда М.Бахтин (3).

“Хамса” жанрига ягона бадий тизим сифатида қаралганда яна шу нарса маълум бўладики, кўринишидан беш мустақил дostonдан биттаси каби тасаввур уйғотадиган биринчи дoston, жанринг умумий тизими ичида, универсал хронотоп майдони вазифасини бажаради. Ҳазрат Алишер Навоий “Хамса”сида эса бу вазифа “Ҳайрат ул-аброр” дostonига юкланган.

Умуман, Алишер Навоий “Хамса”сини қолипловчи-камровчи универсал хронотоп – бу “йўл” хронотопидир. Шу йўл “Хамса”даги улкан сюжет, образлар тизими, композицион қурилиш ва бошқа бадий компонентларни боғлаб, умумлаштириб туради. Навоий “Хамса”сидаги йўл, денгиз, дарё, кўл, булоқ, ариқ, ховуз, мамлакат, шаҳар, қишлоқ, сахро, водий, тоғ, ғор, қабр ва ҳ.к. хронотоплар мажмуи шу катта йўл таркибига киради, шу йўл бўйлаб ҳаракатланади. Унинг ўзани ҳатто “Хамса” чегарасидан чиқиб, “Лисон ут-тайр”га томон юксалиб борган. Айни “йўл” тархи эса “Хамса”нинг биринчи дostonи “Ҳайрат ул-аброр” саҳифаларида чизиб берилганки, бу йўлни асар моҳиятидан келиб чиқиб, “Улуғ висол йўли” деб номлаш мумкин. Бу “йўл” наинки “Хамса” дostonлари ва “Лисон ут-тайр”ни, балки мутафаккир-шоирнинг бутун ижоди ва шахсияти-

таълимотидаги беш устун – иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж – негизига қурилганини таъкидлашни истардик. Қолаверса, ҳар бир комил мусулмоннинг меърожи ҳисобланадиган намоз ҳам беш вақтдан иборат. Ислом маънавий муҳитида бири умумий, бири хусусий тизимда ҳаракатланадиган бу икки система инсон ва унинг ҳаёти мазмунини ташкил этади. “Хамса” дostonлари бадиий тизимида эса бундай церкулятив ҳаракатлар мароми аниқ акс этади. Аммо шуни қайд этиш жоизки, ўз таркибида беш мустақил дostonни қамраб олгани “Хамса”нинг универсал жанр эканига ягона далил эмас. Зотан, “Хамса” универсал жанр эканини таъминловчи композицион усуллар, сюжет, образ, услуб тизимида хос поэтик функциялар сон-саноксиз ва буларнинг бари келажакда махсус тадқиқ этилиши, назарий критерийлари ишлаб чиқилиши лозим. Акс ҳолда, “Хамса”нинг бир бутун бадиий система – универсал жанрлик моҳияти тўла маънода очилмай қолаверади.

Бу ўринда биз, бошқа назарий критерийлар тадқиқини бир четга суриб, “Хамса”нинг универсал жанр эканини далилловчи бир восита – бадиий хронотоп хусусида мухтасар тўхталиш имконига эгамиз, холос.

Бадиий хронотоп юқорида саналган ва муайян тезислар баён этилган воситалардан бир жиҳати билан фарқланади ва, маълум маънода, устунлик ҳам қилади. Дейлик, беш дostonни умумлаштирувчи композиция, сюжет, образ, услуб каби воситалар ҳар битта дoston ва, умуман, “Хамса” таркибида бадиий қисм вазифасини бажаради. Айнан уларнинг тизимли бирикуви, уйғунлашуви “Хамса”нинг универсал жанр бўлишини таъминлайди. Аммо бу қисмларнинг ҳеч бири мустақил ҳолатда универсал жанр бир бутунлигини ташкилловчи восита бўла олмайди. Бошқача айтганда, бу қисмларнинг барчаси бир бутун “Хамса” жанрига, айни пайтда, ўзаро тобеланиш орқалигина универсал системани ҳаракатга келтиради ва уни ичидан ҳаракатлантира олади. Бадиий хронотоп эса бу компонентларнинг бирортасига тобе эмас. Аксинча, юқорида қайд этилган барча компонентлар фақат хронотоп доирасида ҳаракатланади. Хронотоп “Хамса”даги барча бадиий воситалар учун қолипловчи ҳаракат манбаи бўлиб хизмат қилади. Умуман, бошқа воситалар “Хамса”нинг танаси бўлса, бадиий хронотоп шу тана томирларида оқувчи ҳаётбахш қон, яъни ушбу универсал жанрнинг руҳи ва жонидир.

Хронотоп истилоҳи рус олими Михаил Бахтин томонидан ўтган асрнинг 30-йилларида назарий адабиётшунослик соҳасига олиб кирилган. Бу истилоҳ луғавий жиҳатдан замон-макон деган қўшма маънони ифодалайди. Хронотоп бадиий асарнинг ботиний функциясини таъмин этадиган, муайян макон ўзани бўйлаб ҳаракатланувчи замон оқими демакдир. Бадиий асардаги ҳар қандай замон

ТАБИАТДАГИ БИФУРКАЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИНСОН ИЖТИМОЙ ҚИЁФАСИГА ТАЪСИРИ

Эшматов М. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *борлиқ, табиат, бифуркация, экологик вазият, экологик муаммо.*

Бизни ўраб турган олам, биз кўриб кузатишимиз мумкин бўлган борлиқ фалсафий тилда мавжудлик ҳисобланади. Борлиқ бир бутун, аммо у турли системаларда мавжуд. Ўша системалар ўзаро жуда кўп таъсир кучлари билан боғланган. Бундай ҳолат, Вернадский таъбири билан айтганда, эмпирик умумлаштириш дейилади. Худди шу умумлаштириш доирасидан ташқаридаги нарсалар дунёси фандан ва амалий тажрибадан ташқарида, шунинг учун ҳам уларни мавжудлик деб ҳисоблаш ақлдан анча йироқда.

Олам динамик системадир, яъни у вақтда ўзгарувчан. Ўзгариш эса системага хос бўлган ички сабаблар, ички қонун ва қонуниятлар асосида содир бўлади. Биз кўриб чиқаётган системанинг ҳолатини ўзгартириш учун ҳеч қанақа ташқи сабаблар мавжуд эмас. Бошқача айтганимизда, олам ўз-ўзини ташкил этадиган системадир. Системани ташкил этган элементлар ҳам ўз навбатида система бўлиши мумкин. Уларни ўрганиш объекти сифатида ажратиш ёки биргаликда қараш кузатувчининг нуқтаи назарига боғлиқ. Лекин борлиқдан фарқли равишда бу системалар очик системалар ҳисобланиб, уларнинг ташкил топиши мутлақо ташқи омиллар билан аниқланади.

Борлиқнинг вужудга келиши, яъни унинг ташкил топиши жараёнини изоҳлайдиган турлича қарашлар мавжуд. Аммо бундай изоҳлашнинг асосида Дарвин учлиги (триадаси) ётади. Улар ўзгарувчанлик, ирсият ҳамда саралашдир. Бу терминларнинг маъноси кенгайтириш натижасида олам эволюциясининг “системали изоҳ”ини тушунтириб берадиган асосий тушунчалар бўлиб хизмат қилади.

Ўзгарувчанлик – борлиқ эволюцияси ва ташкил топиш назариясининг энг мураккаб тушунчаларидан бири ҳисобланади. Бу термин эволюцион система жараёнини давом эттириши керак бўладиган турли-туман ҳолатларни бирлаштирадиган “шакллар майдони”ни вужудга келтиради. Ўзгарувчанлик асосида ҳаммаша мавжуд ноаниқлик ва гумон омиллари ётади. Бундай ҳолатни тушунтиришнинг бир неча шакллари мавжуд бўлиб, борлиқнинг ҳамма қаватларида ноаниқлик ва гумоннинг бўлишини тушунтириш ниҳоятда мураккаб муаммо. Айни ушбу муаммо юзасидан фикр билдирган муаллифлар томонидан олға сурилган ғоялар турлича маъно касб этади. Лекин улардан бирортаси ҳам ўзгарувчанлик маъносини тўла очиб бера олмайди.

Умуман, ўзгарувчанлик олам пайдо бўлишининг ҳамма қаватларида ҳар хил намоён бўлади. Унинг кўринишларидан бири – бу жамлаш элементлари янги системаларда ва унга боғлиқ тизимларда намоён бўлади. Бу системалар, бир томондан, мураккаб химиявий бирлашмалар, иккинчи томондан, резонслар (акс садо), учинчи томондан, когерентлик (алоқавий, ўзаро боғлиқ) ҳолатлари, тўртинчи томондан, Бенар занжирига ўхшаш вазнсизликнинг эҳтимолга яқин ҳолатларининг турли хил шакллари, тартибсиз, чалкашлик ва физика фани ўрганадиган бошқа кўп хилма-хил ҳолатларни ташкил этади.

Биологияда бундай ҳолат, биологик эволюция жараёни негизда ётган мутагенез (ирсий ўзгарувчанлик) ҳолатлари оламнинг юқори қаватида “олам онги” табиат ва жамият ўзаро таъсир ҳаракатининг янги-янги турлари, инсон фаолиятининг янги шакллари тўхтовсиз ўзгариб бораётганлигини кузатамиз.

Системали ёндашувнинг иккинчи асосий термини “ирсиятдир”. У ҳар қандай система ва система ичидаги системаларнинг ўтмиши ва ҳозирги даврини боғлайди. Системаларнинг ўтмишга боғланиши даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Бундай ҳолатни система хотираси деб аташ қабул қилинган. Тўлиқ аниқланадиган системаларда ўтмиш бир томонлама келажакни ҳам аниқлайди: уларни табиий чексиз хотирали системалар дейиш мумкин. Бундай объектларга Ньютон қонунларида тасвирланган ҳаракатни намоён қиладиган системалар мисол бўлади. Умуман, хотирадан маҳрум бўлган системалар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Масалан, ривожланган тартибсизлик, чексиз хотирали системалар ёки хотирасизлар қандайдир мавҳумлик томон олиб боради. Ҳақиқий ҳаётда эса хотира чекланган бўлади. Америкалик метеоролог олим Лоренцнинг аниқлашича, об-ҳаво ҳам ўзининг олдинги ҳолатини 23 ҳафтагача эслаб туради. Бу дегани, атмосферанинг ҳар хил ҳолати 23 ҳафтада бир хил об-ҳаво шароитини вужудга келтиради.

Дарвин учлигининг энг қийин тушунчаси “саралаш”дир. Ўзгарувчанлик у ёки бу системанинг ривожланиш имкониятлари майдонини яратса, ирсият бу майдонни чегаралайди, лекин пайдо бўладиган турнинг сараланиши ёки турлар ривожланиши бир қанча қоидалар ва қонунлар билан аниқланади. Бу биринчи навбатда сақланиш қонунидир. Саралаш қоидалари ҳақида олам биносининг бошқа қаватларида ҳам гапириш мумкин. Аммо ҳозир гап биз яшаб турган қават ҳақида кетаяпти. Бошқача айтганимизда, биз кўриб кузатадиган физик, биологик ва ижтимоий ривожланиш қонунлари саралаш қоидаларидир. Шунинг учун ҳам, саралаш қоидаларига биз тўла ҳуқуқ билан у ёки бу қарорларни қабул қиладиган, ўзимизнинг амалий фаолиятимизда суянадиган инсоният тажрибасидан келиб чиқадиган ҳолатларни киритиш мумкин. Бундай ҳолат ривожлана-

қисм тарзида идроклаш, талқин этиш, ҳодисанинг универсал моҳиятини бой бериш жараёни содир бўладики, айна ҳолатни биз анъанавий ҳамсашуносликда ҳам кузатамиз. Бизнингча, бу ҳолат собиқ совет тузумидаги ижтимоий-психологик чекловларнинг оқибати бўлиши эҳтимол.

Кейинги уч-тўрт йил ичида анъанавий ҳамсашуносликдаги бундай кемтикликни англаш, тафтиш этиш ва муайян таклифларни ўртага ташлаш йўлида ягона уриниш бизга маълум. 2008 йили ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан ташкил этилган навоийшунослик анжуманида филология фанлари номзоди Сувон Мели “Хамса” супер жанр сифатида” деган муаммони илгари сурган, “Хамса”нинг мумтоз дoston жанрига нисбатан кўламдор, шунингдек, мустақил жанр эканига урғу берган, уни “супержанр” тарзида номлашни таклиф этган эди. Айна пайтда, ушбу маърузада “Хамса”ни нега айнан супержанр тарзида номлаш лозимлиги, қайси назарий принципларга кўра у суперлик мақомини эгаллаши, унинг мустақил жанр эканини кўрсатадиган поэтик критерийлар нималардан иборат экани каби соф методологик масалалар эътибордан четда қолганди. Қолаверса, луғавий жиҳатдан “улкан”, “жуда катта”, “энг юқори” деган маъноларни берадиган “супер” тушунчаси, бизнингча, “Хамса”дек кўламдор жанр моҳиятини тўла ифодалай олмайди. Аксинча, бундай атама бир қадар шов-шувли, ижтимоий жиҳатдан долзарб, ўта улканлик, баландликни билдирадиган “супермен”, “супертанкер”, “супероболожка” сингари кўшма сўзлар маънолари билан қоришиб, “Хамса”дек улуғвор жанр қимматига соя солиб қўйиши мумкин.

Умуман, адабиётшунос С.Мелининг “Хамса” жанрини белгилаш йўлидаги уринишларини эътироф этиш жоиз. Аммо юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, “Хамса” жанрини супержанр эмас, универсал жанр тарзида белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Негаки, “универсал” сўзи “супер” сўзи сингари улкан, кўламдор маъноларини эмас, аниқ тизимга эга, кўплаб қисмлардан ташкил топган, айна пайтда мукамал, бир бутун феноменал ҳодисани ифодалайди. Улканлик, кенглик, баландлик тушунчалари эса ҳеч қачон бутунлик, мукамаллик тушунчалари билан синоним бўла олмайди. Нарса-ҳодиса ҳажм жиҳатидан ўта улкан кўриниши мумкин, аммо унда аниқ тизим, мақсад-муддао йўқ экан, баҳо ўлчови ҳам шунга яраша бўлади. Қолаверса, башарият тарихидаги ноёб ҳодиса саналадиган “Хамса” индивидуал поэтик тафаккур воситасида амалга оширилган, мукамал ва том маънодаги бадиий синтез ҳодисасидир. Бадиий синтез жараёни эса ягона субъект, мутафаккир – даҳо томонидан ижод этилгани боис ўз-ўзидан аниқ қонуниятлар тизими – поэтик универсалликка олиб келади.

Авалло, ушбу жанрга хос бешлик системаси Шарқ – ислом

асар тили, услуб, мақолат, бадиий тизим, супержанр, дидактик асар, феномен, эстетик идрок, поэтик критерий.

Алишер Навоий ижодий мероси, хусусан, “Хамса” асари А.Фитрат, В.Маҳмуд, А.Саъдий, В.Зоҳидов, Ойбек, Е.Э Бертельс, И.Султон, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, А.Абдуғафуров, Б.Қосимов, Ё.Исҳоқов, Б.Саримсоқов сингари йирик адабиётшунослар томонидан турли адабий-тарихий, илмий-назарий муаммолар негизида тадқиқ этилган. Ушбу илмий анъана бугунги кунда ҳам изчил давом этапти. Ўрта ва ёш авлодга мансуб мутахассислар Навоий лирикаси, дostonчилиги, адабий-тарихий, маънавий-маърифий, илмий-биографик ва назарий йўналишдаги асарлари устида иш олиб бoryптилар. Айни пайтда, ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги, жорий юз йиллик ибтидосида шаклланиб келаётган янги эстетик тафаккур Навоий ижодини жаҳон, шунингдек, ислом Шарқи бадиий воқелиги доирасида ўрганиш заруратини сезяпти.

Шарқ мумтоз адабиёти муҳитида шаклланган хамсачилик анъанаси жаҳон халқлари эстетик тафаккури тарихидаги ўта ноёб ва феноменал ҳодиса. Замон чегараси бир неча минг йилликлар билан ўлчанадиган жаҳон адабиёти тарихи хамсачиликка қадар ва ундан кейин ҳам бундай йирик бадиий системани, илоҳиёт-самовот-инсон учлигини бир бутун эстетик идрок этишнинг бу каби универсал шаклини кашф эта олган эмас. Ҳатто улкан қамровга эга жаҳон эпоси, асосан, тор миллий, худудий доираларда ўралашиб қолгани боис на вертикал, на горизонтал кўлами жиҳатидан хамсачилик улкан бадиий сферани ишғол этишга эриша олмаган эди. “Хамса”га хос самовий композицион доира, олий математика ўлчамидаги сюжет тизими, изчил образлар дунёси мазкур ноёб бадиият намунасини башарий тафаккурнинг ҳадди аълосига олиб чиқди.

Анъанавий навоийшунослик одатда “Хамса”ни мумтоз дoston жанрига оид беш асар мажмуаси сифатида тушунади ва талқин этиб келади. Аммо бундай ёндашув, назарий-методологик нуқтаи назардан, “Хамса” деб номланган бир бутун бадиий ситеманинг изчил талқин этилишини мураккаблаштиради. Тадқиқотчи томонидан ҳар бири мустақил жанр ўлароқ идрок этилган “Хамса” дostonлари универсал бадиий тизим доирасига яқинлашиш ўрнига ундан узоқлашади. Илмий ижод психологиясига кўра, талқинчи тафаккури, хусусан, унинг онги остидаги илмий синтезлаш механизми умумлаштирувчи илмий-назарий жараён функциясини адо этишга иккилана бошлайди. Ижод психологиясини махсус ўрганган А.Н.Лук бу жараён ҳақида шундай ёзади: “...ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзига ҳисобот бериш жараёнининг (илмий ижод жараёнининг демоқчи – У.Ж.) тўғри йўлдан тамомила бошқа томонга оғиб кетишига олиб келиши мумкин” (1). Бунинг натижасида бутунни

диган система, стимул ва ўзгариш чегараларини ўрганиш учун мумкин бўлган доирадагина белгиланади.

Хуллас, ҳар қандай система ривожланишида ривожланишнинг эҳтимоллик йўллари майдони ҳосил бўлиши кузатилади ва амалга ошириладиган турли ҳолатлар сараланиши системаларнинг вақт бўйича ҳаракати деб аталади ва ҳар қандай мураккаб системанинг ҳолати ва ўзгариш жараёни XVIII асрнинг охирида Эйлер томонидан топилган ва Пуанкаре томонидан 100 йил илгари ўрганилган бўлиб, у динамик системалар назариясининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Инсон системалар ҳаракатида анча сокин, бошқача айтганимизда, тезликлар жуда паст ҳолатларни кузатади. Дарвиннинг эволюцион жараёнлари оқими ички ва ташқи сабаблар таъсири остида система хусусиятларининг аста-секин ўзгариши рўй беришини тақозо қилади. Кўпинча бундай ҳолат – гомеостаз шароитларининг кучсизланиши билан боғланган ҳолатлари классик табиатшунослар томонидан ўрганилган бўлиб, у турғунлик чегарасига яқинлашув ҳолати дейилади.

Ҳодисаларнинг кейинги ривожини гомеостазнинг йўқолиши билан боғлиқ ва системанинг сифатий қайта қурилишига олиб келади. Кўпинча бу ҳолатнинг турғунлиги (барқарорлиги)нинг йўқолиши система эволюцияси юз беришини билдиради. Худди шундай ҳодиса Эйлер ва Пуанкарелар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг фикрича, бу “бифуркация” (бўлиниш) ёки Р.Том томонидан киритилган “ҳалокат” номини олган. Пуанкаре томонидан ўрганилган классик динамик системалар ҳолатида, бифуркация – бир вақтда содир бўладиган ҳолат бўлиб, бу вақтда система турғунлик ҳолатини ҳам, хотирасини ҳам тўлиқ йўқотади. Унинг кейинги ривожланишини башорат қилиб бўлмайдиган даражага келади. Бошқача айтганимизда, бифуркация вақтида системанинг келажакдаги ҳолати ва унга таъсир қиладиган тасодифий омиллар таъсири билан аниқланади. Демак, бифуркация вақт бўйича чизилган системанинг сифат жиҳатидан энг муҳим қайта қурилишидир. Ёки бифуркацияни системанинг фалокатли қайта қурилиш жараёни, дейиш ҳам мумкин. Бундай ҳолатда ҳодисаларнинг оқибатларини башорат қилиб бўлмайди. Чунки система хотираси кузсизланган, тасодифий омилларнинг аҳамияти кучайган ҳолат бўлади. Худди шундай ҳолатлардан бири сайёраимизнинг эволюцион ривожланиш тарихидир. Ернинг биринчи планета булутларидан шаклланиш жараёни эҳтимол кўп миллиард йиллар давом этгандир. Ҳозирги фан маълумотларига кўра, Ер 4,6 миллиард йил давомида шакллланган. Кейин эса ҳаёт пайдо бўлиши билан боғлиқ бифуркация жараёни бошланади. Чўкма жинсларнинг таҳлил этилиши натижасида Австралияда 3,9 млрд йил аввал анаэроб (кислородсиз) ҳаёт мавжуд бўлганлиги ҳақидаги фаразлар мавжуд. Бу фаразга

таяниб шуни айтиш мумкинки, 4 миллиард йил аввал Ерда ривожланаётган биосфера бўлган. Бундай ҳолат эса биринчи фундаментал бифуркация эди. Худди шу вақтдан бошлаб Ер сайёраси кифасининг ўзгариши умуман бошқа йўналиш билан кетди. Шу асосда Ерда дастлабки ҳаёт элементлари вужудга келди. Материя мавжудлигининг янги шакли ўзининг янги қонунлари билан биринчи бифуркация прокариотик (бактериялар) шаклидаги биосферанинг шаклланишига олиб келди. Прокариотлар фотосинтез реакциясини ўзлаштириб олди ва кислород ишлаб чиқара бошлади. Прокариотик биосфера ривожланиши жараёнида янги бифуркациянинг вужудга келишига замин ҳозирланди. Натижада атмосфера ва океанда аста-секин кислороднинг тўпланиши биосфера ривожланишининг прокариотик ривожланишига яқин ясади, уларни ўлимга маҳкум этди. Оқибатда биосфера деб аталадиган системада бундан тахминан 1,2 млрд йиллар аввал янги бифуркация бошланди. Бу эса кислород билан нафас оладиган эукариотларнинг ҳукмронлигига олиб келди. Бугунги инсоният ҳамда барча тириклик худди шу эукариотларнинг авлодлари ҳисобланади. Биосферанинг бундан кейинги эволюцион тараққиёти системанинг ҳалокатли қайта қурилишлари даврини бошлади. Системада кислороднинг кўпайиши озон қатламининг вужудга келишига олиб келди. Бундан тахминан 33,5 млн йил аввал системада янги ҳалокатли қайта қуриш содир бўлди, бу ақлнинг пайдо бўлиш жараёни эди.

Охирги ва улкан бифуркация ёзма тарих арафасида юз берди. У яхши ўрганилган неолит (тош асрининг охирги даври) инқилоби номини олди. Бундай ҳолат Палеолит даврининг эволюцион жараёни қайта қурилишининг ички сабаблари туфайли юз берди.

Ақл-заковатнинг ривожланиши натижасида инсон тошга ишлов бериш технологиясини мукаммаллаштирди ва отувчи қуролларни яратди. Инсон жуда қисқа вақт ичида мутлақ йўлбошчи, ҳайвонот оламининг ҳукмронига айланди. Палеолит даврида тошболта ихтиро қилганидек, энди инсон янги техниканинг имкониятларидан тўлиқ фойдалана бошлади. Натижада инсониятни ҳам йўқолиб кетган турларнинг тақдири каби тақдир кутмоқда. Буни инсоният англаяптими? Агар англаётган бўлса, қай даражада англаяпти? Гап шундаки, инсониятни навбатдаги умумсайёравий инқироз кутаяпти. Бинобарин, инсон ақлида умумсайёра эволюциясининг ҳозирги босқичида тегишли таассуротни шакллантириш зарур. Чунки бусиз инсоният навбатдаги умумсайёра инқирозини енгиб ўтишга қодир эмас.

Хуллас, умумсайёра масшабдаги охирги бифуркация неолитик инқилоб ҳисобланади. Бу ходиса натижасида биосферанинг эволюцион табиати тубдан ўзгарди: иккинчи табиат пайдо бўлди, техносфера, сунъий биокимёвий оқимлар вужудга келди, табиатда

В данной статье на основе новых источников проанализированы реформы по развитию сельского хозяйства, проводимые в Узбекистане в годы независимости, и их результаты.

SUMMARY

In this article on the basis of sources analyzed reforms carrying out in Uzbekistan and their results in the development of agriculture in the years of independence.

Наширға доц. О.Бўриев тавсия этган

ФИЛОЛОГИЯ

БАДИЙ ХРОНОТОП ЖАНР МЕЗОНИ СИФАТИДА

Жўрақулов У.Х. (ЎзМУ)

Таянч сўзлар: *хронотоп, жанр, композиция, образ, бадий*

1. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. –Т.: Ўзбекистон, 1994. – 3–б.
2. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Тошкент: “Шарқ”, 2000. – 357-б.
3. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т., 2007. –17-б.
4. Ўзбекистон Республикаси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б: 280–181.
5. Каримов И. А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади//Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.
6. Каримов И. А. Ўша ерда.
7. Буюк ва мукаддасан мустақил ватан. –Т.: Ўқитувчи, 2011. – Б.: 110–111.
8. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. –Т.: Ўзбекистон, 1994. –8-б.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси//Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.
10. Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилинган маъруза//Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.
11. Ўзбекистон Республикаси 2011 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида//Халқ сўзи, 2011 йил 8 ноябрь.
12. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади//Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.
13. Сангиров Р. Мустақил Ўзбекистоннинг аграр сиёсати: ютуқлар ва муаммолар. –Т.: MERIYUS, ХМНК, 2013. –44-б.
14. Agro. us.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот//Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши борасида ўтказилган ислохотлар ва уларнинг натижалари янги манбалар асосида таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

олдин мавжуд бўлмаган янги моддалар алмашинувига олиб келди.

Юқоридаги фикрлардан шуни таъкидлаш мумкинки, сайёрамиз ҳозир биосферанинг энг муҳим қайта қурилиши бўсағасида турибди. Бундай ҳолат амалга ошса, у сайёра эволюцияси тарихидаги учинчи бифуркация бўлади.

Вужудга келаётган табиий муҳит ўзгариши ҳақида кўп ёзилди ва ундан ҳам кўп айтилди, айтилмоқда. Демак, кутилаётган инкироз муаммоси асосли маънога эга бўлган икки ҳолат билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Биринчиси, бу муаммо илк бор Мальтус томонидан белгилаб берилган эди. Бунинг эътиборли томони шундаки, инглиз пастори ўзининг ҳисоб-китобларида хато қилган эди, яъни Мальтус ўйлаганидек, сайёра кўламида жон бошига озиқ-овқат ишлаб чиқариш XVIII асрда эмас, балки XX асрнинг 70–80 йилларида бошланди. Шуниси муҳимки, инсониятнинг ўсиб бораётган иштаҳаси камбағаллашиб бораётган сайёра имкониятларидан ошиб кетди. Бу оғирликни сайёра ортиқ кўтара олмаяпти. Фақатгина озиқ-овқат соҳасида эмас, ўсиб бораётган инсон эҳтиёжларини қондириш учун керак бўладиган бошқа энергия манбалари ҳам тугаб бормоқда.

Иккинчидан, тезлик билан ривожланиб бораётган биосферада антропоген юк ошиб бормоқда. Бундай ҳолатни ҳам ўша система кўтаришга қодир эмасдек. Бифуркацион ҳолатга яқинлашиш кўрсаткичларига иқлимнинг исиб кетиши, озон қатламининг юқалашиб кетиши, биохилма-хилликнинг камайиши ва бошқа ҳолатларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги турғунлик ҳолатининг йўқолиш имкони ҳақидаги фаразга ядро урушининг биосфера ҳолатига таъсирини ҳам кўрсатиш мумкин. Масалан, ядровий портлашлар ва ёнғинлардан кейин биосфера тахминан бир йилдан кейин ўз осойишталигини аввалги ҳолатидан тубдан фарқ қилган ҳолда тиклаши мумкин экан. Гап маълум чекланган регионлардаги синовлар ва портлашлар ҳақида кетаяпти. Тасаввур қилинг, бундай ҳолат бутун сайёра бўйлаб содир этилса, нималар бўлади? Бу шуни кўрсатадики, биосферанинг ҳозирги ҳолати инсон авлоди пайдо бўлгандан буён ривожланиш эволюциясининг охиригача чегарасига яқин турибди.

Демак, камбағаллашган табиатда сайёра имкониятлари йўқолиши учун бўлган курашда инсоният ўзининг тош асридаги тош қуроллари билан эмас, балки жанговар ядро қуроллари арсеналига эга бўлган давлатлар иштирок этишади. Қўрқинчли томони шундаки, янги улкан ҳалокат бифуркация натижасида инсониятни нималар кутаётганлигини башорат қилиб бўлмайди. Аммо сайёра тарихида содир бўлиб ўтган бифуркациядан, ҳалокатлардан фарқли равишда, янги фалокат арафасида инсониятда жамоавий ақл пайдо бўлди. Инсоният мумкин бўлган хавфни билиб, уни ечишга ҳаракат

қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганимизда, инсоният пайдо бўлгандан буён у яшаб турган табиатда содир бўлган эволюцион ўзгаришлар инсоннинг ижтимоий қиёфасига ҳам қатта таъсир кўрсатди. Демак, инсонни табиат яратди. У қанчалик софдил, тоза бўлса, инсоннинг ижтимоий қиёфаси ҳам шунчалик мусаффо бўлади. Табиий муҳит бузилган сари у ҳам ваҳшийлашиб бораверади. Аммо инсон қанчалик ваҳшийлашмасин, содир бўладиган ҳалокат олдида у ожиз. Шунинг учун ҳам XX аср ўрталаридан бошлаб ҳалокатнинг олдини олишга қаратилган қатор жамоат ташкилотлари пайдо бўлди. Булар жумласига БМТ, “Юнеско”, “Рим клуби”, “Гудзон институти”, “Яшиллар ҳаракати”, “Экосан” халқаро саломатлик жамғармаси” ва бошқаларни айтиш мумкин.

Содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокатнинг олдини олиб бўладими? деган саволга “Рим клуби” аъзолари, олдини олиб бўлади, бунинг учун инсониятнинг бугунги ривожланиш тенденциясини ўзгартириш лозим, деб жавоб берадилар. Улар бу муаммонинг ҳал этилиши куйидаги муаммоларнинг ечими билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар:

- а) аҳолининг ўсишини тартибга солиш;
- б) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини меъёрлаштириш;
- в) атроф-муҳитнинг зарарланиш оқибатларини камайтириш.

Хуллас, инсон энди ақл билан иш юритиб, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаши зарур.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бугунги кундаги экологик муаммолар табиатда янги бифуркация ҳолатининг юзага келаётгани билан боғлиқлиги исботланган.

РЕЗЮМЕ

В статье доказывается, что нынешние экологические проблемы связаны с возникновением нового бифуркационного состояния в природе.

RESUME

In this article new bifurcation and its condition are explained. And it is the of the ecologic problems of current days.

Наишга фасл.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ЎРТА ОСИЁДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING НАЗАРИЙ

аниқлаш мақсадида экилди ва Давлат нав синаш участкаларида синовдан ўтди. С-9085 ғўза нави 6 та синаш участкаси (Термиз, Жиззах, Қашқадарё, Хива ва Қорақўл) да маҳсулдорлиги бўйича 1,0 дан 4,5 центнергача андоза навидан устунлигини кўрсатди. Мазкур нав Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли, Эллиққалъа, Тўртқўл туманларида умумий 600 гектар майдонга экилиб кенг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилди ва гектаридан ўртача 36,0 центнер ҳосил олинди[14].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, модернизациялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар аграр секторда сифат ўзгаришларини таъминламоқда. Ноқулай об-ҳаво шароитларига ва сув тақчиллигига қарамай, 2013 йилда барча асосий қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича юқори ҳосил етиштирилди ва йиғиб олинди; 3,36 миллион тонна пахта хом ашёси, 7,8 миллион тонна ғалла, 8,4 миллион тонна сабзавот маҳсулотлари ҳосили олинди [15].

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мазкур соҳа тармоқларининг самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда. 2010 йили республика раҳбарининг ташаббуси билан Украина ва Польша давлатларидан олиб келинган, интенсив технологиялар асосида парваришланадиган пакана ва ярим пакана олма, нок, олхўри, гилос, шафтоли кўчатлари, асосан, Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг фермер хўжаликлари майдонларига экилди. 2011 йилдан бошлаб мевали боғларнинг ҳар бир гектаридан 50 – 70 центнергача ҳосил олишга эришилди.

Наижада бундай боғларни йилдан-йилга кенгайтириш, уларни деҳқон фермер хўжаликларида барпо этиш мақсадида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Республикамиз ҳудудида жами 5,3 минг гектар, жумладан, Самарқанд вилояти ҳудудида 1300, Тошкент вилоятида 1000, Навоий вилоятида 750, Қашқадарё вилоятида 600, Сурхондарё, Наманган ва Андижон вилоятларида 400 гектардан ортиқ майдонда мана шундай интенсив боғлар барпо қилинган. Ҳозирда етиштирилаётган мевалар, нафақат кўшни мамлакатларга, балки Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, сектор тармоқларида олиб борилган техник ва технологик янгиланишлар, мунтазам такомиллаштирилиб борилаётган модернизация жараёнлари қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Фан ва техника янгиланларидан мунтазам хабардор бўлиб туриш ва улардан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш аграр соҳа вакилларининг долзарб вазифасига айланди.

Адабиётлар

бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди [12].

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2003–2009 йилларда 801,5 минг АҚШ доллари қийматидаги 21 та лойиҳа амалга оширилиб, шулардан чет эл инвестициялари ҳисобига киритилган маблағ 560,4 минг долларни ташкил этган. Амалга оширилган бундай кенг қамровли тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги бирмунча ошди, фермер хўжаликларининг даромадини кўпайтириш имконияти кенгайди [13].

Ҳозирги пайтда инвестициялар аграр соҳада сифат ўзгаришларининг муҳим омилига айланиб бормоқда. Жумладан, Республиканинг Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Марказий Фарғона ҳудудлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ишларини қайта тиклаш учун 2010 йилда халқаро молия институтларининг 62 миллион АҚШ доллари-дан зиёд маблағлари жалб этилган.

Мустақиллик йилларида аграр соҳа олимлари пахтачилик, ғаллачилик, мева-узумчилик, сабзавот-полизчилик, чорвачилик, ветеринария ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришга, ер, сув, минерал ўғит ва бошқа моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларини оширишга қаратилган муҳим масалалар юзасидан тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Жумладан, Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва унинг филиаллари олимлари томонидан яратилган “Бухоро-102”, “Бухоро-8”, “Андижон-37”, “Хоразм-127”, “Ибрат”, “Наврўз” ва бошқа янги навлар 509,7 минг гектар майдонга экилди. Айни пайтда, институтда “Бухоро-9”, “Бухоро-103”, “Оқдарё-8”, “Парвоз”, “Пахтакор-1”, “ЎзПИТИ-102”, “ЎзПИТИ-202”, “ЎзПИТИ-1001”, “ЎзПИТИ-2601” сингари кўплаб янги навлар устида ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, Ёўза селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган ёўзанинг районлашган С-6524, “Наманган-77”, “Омад”, С-4727, “Султон”, ва С-5641 ёўза навлари 486,8 минг гектарга экилган. Улардан 80–90 миллиард сўмлик иқтисодий самарадорлик кутилмоқда.

Ташки муҳитнинг экстремал шароитларида ҳосилдорлик, тезпишарлик ва вилтга чидамлилиқ бўйича рақобатбардош, тола сифати IV типга мос ёўза навларини узоқ дурагайлаш услуги асосида яратишда ЎзФСУИТИнинг Қашқадарё филиалида ёўзанинг С-9083, С-9084, “Чарос”, Л-425 нав ва тизмалари, Хоразм филиалида эса “Чарос” нави шўрланишга ва сув танқислигига чидамлилигини

АСОСЛАРИ (ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ)

Эшов Б.Ж. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *давлат бошқаруви, бошқарув фаолиятлари, администрация, бошқарув вазифалари, давлатчилик ва бошқарув, раҳбар-йўлбошчи, ташкил этиш, бошқарув назорати, тасаввуф, бошқарув шакли.*

Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг барча жабҳаларида, хусусан, давлат бошқаруви тизимида ўта муҳим бўлган бошқарувнинг энг қуйи поғоналаридан то энг юқори поғоналаригача бўлган раҳбар кадрлар тайёрлаш, улар фаолиятини доимий равишда янги анъаналар билан бойитган ҳолда такомиллаштириб бориш, уларнинг малака ва тажрибаларини узлуксиз оширишга эришиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан биргаликда, давлат бошқаруви тарихи, бу жараённинг тарихий-ижтимоий илдизлари ва асосларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Зеро, юртбошимиз И.А.Каримов асосли равишда таъкидлаганидек, Ўрта Осиё шароитда жамоа бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади. Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муҳокама, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор хусусиятларни кўрамиз... Шарқ халқлари ва юртимиз аҳлига мансуб бундай белги-аломатлар ҳақида гапирганда, уларнинг тарихий-ижтимоий заминига алоҳида эътибор қаратиш лозим [1].

Қиёсий таҳлилларга асосланган тадқиқотлар натижаларига кўра, жамиятдаги инсон фаолияти таъсирида рўй берадиган жараёнлар ҳамда воқеа-ҳодисалар бевосита бошқарув фаолияти билан боғлиқ. Бошқарув – бу муайян жамоа ёки ташкилот аъзоларининг фаолият йўналишини таъминлайдиган, бутун ташкилот ва унинг бўлимларини белгиланган мақсад доирасида ушлаб турадиган, фаолият турларига кўра, жамиятнинг барча жабҳаларида ўзига хос тузилмага эга бўлган, муайян раҳбар кадрлар томонидан амалга ошириладиган вазифадир. Шунинг учун ҳам лотинча “administratio” – “администрация” атамаси раҳбарлик қилиш (кимгадир нимагадир), бошқарувни англатади. Бошқарув-тегишли ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларга эришиш йўлида амалга ошириладиган фаолиятларни ўзида мужассам этади [2].

Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, юзлаб минг йилликларни ўз ичига олган инсоният тарихида дастлабки давлатларнинг пайдо

бўлиши анча кеч юз берган жараёндин. Давлатчилик ва бошқарув асослари инсоният цивилизациясининг сўнгги беш минг йили билан боғланади. Қадимги жамоаларда раҳбар-йўлбошчининг нуфузи юқори бўлса-да, ўша даврларда бошқарув ютуқларига асосланган ижтимоий ҳокимият сиёсий давлат мақоми даражасига етмаган ижтимоий ташкилот турини ўзида ифода этган. Моддий бойликларни тақсимлаш ҳамда жамоа маҳсулотидан олинадиган улуш бундай ташкилот бошқарувчиси лавозимидаги шахсларнинг ўрни ва амалига боғлиқ бўлган. Шу тариқа йўлбошчи-раҳбарнинг дастлабки ижтимоий фойдали фаолияти касбий бошқарувчиликка айланган.

А.С.Сагдуллаев тадқиқотларига кўра бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоли, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурати, жамоадаги мавжуд урф-одатларни бажариш, жамиятнинг ижтимоий вазифалар жиҳатидан бўлиниши [3]. Бу асосларга яна қуйидагиларни қўшиш мумкин: 1) жамоа ишларини ташкил қилиш, тартибга солиш ва назорат қилиш, 2) жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб туриш.

Олимларнинг эътирофи этишларича, қадимги бошқарув тизимининг биринчи босқичи қуйидаги вазифалар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган: иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий, ҳудудий.

Иқтисодий вазифалар. Бу тизимда ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоли муҳим ўрин тутган. Жумладан, деҳқончилик ишларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жамоа хўжаликлариде ер ва сувни тақсимлаш, қурилиш ва суғориш-ирригация ишларини йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, товар ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида режалаштириш, ташкил қилиш, тартибга солиш ва назорат қилиш каби ишларни бажариш вазифалари ҳам пайдо бўлган.

Ижтимоий вазифалар. Бу вазифалар жамоалардаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш, жамоавий ҳамжиҳатликда яшаш, мурасага келиш, жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб туриш заруриятига асосланган.

Ҳарбий-сиёсий вазифалар. Бу вазифалар ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, ички ва ташқи хавфлардан ҳимояланиш, ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш, қуролланган қўшинларни ташкил этиш, маконлар ва туманлар ҳудудларида мудофаа ишларини амалга ошириш, давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва баҳсли масалаларни ҳал қилиш каби вазифалар асосида ривож топган.

Юқорида кўрсатилган омиллар билан боғлиқ ҳолда давлат хизмати ва бошқарувнинг ҳудудий вазифалари ҳам вужудга келган. Ушбу вазифалар (туман, вилоят ҳудудларида жойлашган қишлоқ

синф юртимизда амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизнинг тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда [9].

Таҷрибалар шуни кўрсатдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез мослашувчан, ўзгариб туривчи талабларга ўз вақтида жавоб беришга қодир бўлиб, истеъмолчи учун зарур бўлган маҳсулотларни тезда етказиб беришнинг уддасидан чиқади. Шу сабабли фермер хўжаликлари зиммасига қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш каби масъулиятли вазифалар юкланди. Одам ўзини чинакам мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун изчил курашмайди.

Айни пайтда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда модернизацияга эътиборни кучайтириш долзарб вазифалардан бирига айлантирилди. “Минг афсуски, – деб таъкидлаган эди Президентимиз И.Каримов, – биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз, ҳолбуки, саноат билан бир қаторда, иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда [10]”.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг кўламини янада кенгайтириш мақсадида бу соҳада замонавий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилди. 2008–2012 йилларда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида умумий узунлиги 10530,2 километр хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида жами 59 миллиард сўмдан ортиқ таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда 586,6 километрлик ёпик горизонтал дренаж тармоқларида, 9 та мелиоратив насос станцияларида, 627 та мелиорация қудуқлари ва бошқа бир қатор мелиорация объектларида тиклаш ишлари бажарилиши натижасида бир миллион гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 300 минг гектар майдонда сизот сувлар сатҳи пасайтирилди [11]. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида, 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори

ларининг 55 фоизидан кўпроғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг қарийб 46 фоизидан 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиб келинаётганлиги сабабли, уларнинг қуввати, иш унуми ва ёнилғи истеъмол қилиш даражаси замонавий талабларга жавоб бермай қолган.

Чорвачилик соҳасини ҳам модернизация қилиш долзарб масалага айланди. Биргина сут соғиб олиш бўйича кўрсаткич Дания ва Жанубий Кореяда 8-9,5 минг килограмми, Венгрия, Германия, Голландия каби мамлакатларда эса 6-7 минг килограмми ташкил этса, бу рақам бизнинг республикамизда 1,7 минг килограмдан ошмаган [7].

Юртбошимиз бундай салбий ҳолатларни чуқур таҳлил қилиб, мавжуд камчиликларга қисқа вақт ичида барҳам бериш зарурлигини таъкидлаган эди: “Биз ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, иш жараёни самарадорлигини ва пировард натижаларга эришишни жадаллаштириш мақсадида кўп муаммолар ва масалаларга танқидий кўз билан қарашимиз лозим.

Биринчидан, бизни боқадиган мана шу ер, мана шу тупроқ. Унинг унумдорлигини оширишимиз керак. Бунинг учун эса, энг аввало, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ишларини устувор мақсад деб қарашимиз шарт. Иккинчидан, қишлоқ хўжаликни замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган даражада бўлиши керак. Агар лозим бўлса, уларни техника, ўғит ва бошқа керакли жиҳозлар билан арзонроқ, имтиёзли тарзда таъминлашимиз зарур”[8].

Мамлакатда аграр муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш ва самарали бошқарув тизимини яратиш долзарб масалага айланди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, мазкур соҳада мавжуд номутаносибликларни давлатнинг аралашувисиз бартараф этиш осон эмас эди. Иқтисодий ўзгаришлар жараёни кўп жиҳатдан республикада мулкдорлар қатламини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали, – деб таъкидлаган эди Президентимиз И.Каримов, – биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустақкам бўлиб боришига эришмоқдамиз

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам – яъни ўрта

жамоалари, туман (бир неча қишлоқ жамоалари) ва вилоят (бир неча туман) аҳолисининг муносабатларини назорат қилиш ҳамда бошқариб туриш заруратидан келиб чиққан [4].

Қадимги давлат бошқарувининг босқичма-босқич ривожланиши жамоаларда ўзини ўзи бошқарув муассасаларининг йўлбошчи ҳокимиятига тўла бўйсундирилиши билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнда жамоа аъзолари ўртасидаги ички ва ташқи алоқалар, ҳуқуқий тартибот янада такомиллашиб боради. Бу ҳолат эса давлат тизимидаги турли вазифаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва ҳокимиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилишига олиб келади [5].

Тадқиқотларнинг таҳлилларига кўра, энг қадимги даврларда бошқарувчи лавозимини бажарувчи шахсларнинг (оқсоқоллар, ҳарбий йўлбошчилар, корхоналар) фаолияти, асосан, ижтимоий жиҳатдан фойдали фаолият бўлган, чунки жамиятда бундай кишиларнинг чиқишига уларнинг ахлоқий хислатлари ва обрў-эътибори сабаб бўлган. Жамоани бирлаштириш, уюштириш ва бошқариш каби фазилатларга эга бўлган шахслар рағбатлантирилиб турилган ва бу, ўз навбатида, ўзига тўқ оилаларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Шу тариқа аста-секинлик билан жамоадаги юксак хурматга асосланган ҳокимият мерос тарикасида отадан ўғлига ўта бошлаган [6].

Қадимги Ўрта Осиё давлатларида давлатчилик ҳамда бошқарув тизимининг мазмуни ва шакли жамоавийлик моҳиятини ифода этиб келган. Олий (сарой) ва маҳаллий ҳокимият бошқаруви, раҳбарлик ишларига одамларни тайинлашда ҳам Ўрта Осиё цивилизациясига хос бўлган шахснинг жамиятдаги обрўси, жамоавийлик устунлик қилган. Энг қадимги ёзма манбалардан бири бўлган “Авесто”да ҳам давлат хизмати лавозимлари ҳамда ижтимоий мансаблар ва бошқарув ишларининг барқарорлигини таъминлашда, жамоавийлик омилининг муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқотларга кўра, “Авесто”да жамиятдаги бошқарув лавозимларига қўйилган бош талаблар қуйидагича намоён бўлади: жамиятнинг тўртта тоифаси (ҳарбийлар, ҳунармандлар, деҳқон-чорвадорлар, кохинлар (диндорлар)дан бирига мансуб бўлиш ва улар орасида обрў-эътибор қозониш. “Авесто”да мана шу тўртта тоифа жамиятнинг асосини ташкил этган. Жамият бошқарувидаги асосий қарорлар жамоадаги тўрт тоифа вакиллари тўпланган кенгашларда қабул қилинган [7].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиёда давлатчилик шаклланиши, бошқарув юзага келишининг дастлабки босқичларида давлатни идора этиш ва жамият тартибини сақлаш, давлат бошлиғи ва бошқа мансабдорларни танлаш, тайинлаш масалалари жамоа оқсоқоллари кенгаши, диний ва ҳарбий, чорвадор-деҳқон ҳамда ҳунармандчилик табақаларини бошқарувчи раҳбарлар қарорларига биноан ҳал этилган [8]. Аммо, олимларнинг таъкидлашича, Алек-

сандр Македонский истилосидан сўнг араблар босқинига қадар Ўрта Осиёда бирин-кетин вужудга келган кўпгина давлатлардаги давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этишда ҳарбий-маъмурий усулларга таяниш кучаяди [9].

Ўрта асрлар даврида инсоннинг жамият субъекти сифатидаги ўрни, уни фозил жамият ва идеал давлат бошқарувидаги иштироки, шунингдек, шахснинг фаол яратувчи бўлиши учун маънавий баркамол ва ахлоқли бўлиши ҳақидаги таълимотни илк бор Абу Наср Форобий яратди. Аллома бошқалардан фарқ қиладиган умумий категориялар – давлат ва жамият тўғрисидаги илмга киришдан олдин ана шу бирликлар боғлиқлигини, давлат ва жамият хизматини ижтимоий-сиёсий ва руҳий моҳиятини ҳар томонлама очиб бериб, инсонга жамиятнинг фаол аъзоси бўлишига оид кўплаб тавсиялар берди.

Форобийнинг фикрича, адолатли бошқарув тизимида ҳам бошқа тизимларда бўлгани каби жамият ва қонунлар ҳамда бош раҳбар ўртасида турувчи ўрта бўғин – бошқарув хизмати тизими асосий иш юритувчилик вазифасини бажаради. Унинг таркибий тизими, энг муҳими, раҳбарлик ва бошқарувчилик фаолияти қонунлар ва бошқа раҳбар билан жамиятнинг ўзаро мувофиқлиги, ҳамжиҳатлиги ҳамда тенглигини таъминловчи тарозидир. Агар давлат бошқаруви хизмати ана шу икки томондан бирига кўпроқ оғиб кетса, мувозанат бузилади. Форобий ана шу давлат хизматига хос бўлган, ўзи зарур деб топган баъзи муҳим, принципиал қоидалар ва хусусиятларни санаб ўтади [10].

IX-XVI асрлардаги давлат бошқаруви ишларида турли оқимлар ва кўплаб ижодкорлар тоифаси ҳам фаол иштирок этганлар. Хусусан, бу даврда бутун мусулмон оламини ўз таъсир доирасига торта олган қатор тасаввуф оқимлари пайдо бўлиб, тараққий этди. Ўрта Осиёда хронологик жиҳатдан олдинма-кейин шаклланган Кубровия (Нажмиддин Кубро) Яссавия (Аҳмад Яссавий), Нақшбандия (Баҳовуддин Нақшбанд) каби тариқат – оқимлар мазкур минтақа аҳолисининг маънавий жиҳатдан ҳар томонлама камолотга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, бу тариқатлар давлат ва жамият бошқаруви тизимининг маънавий-мафкуравий жиҳатлари тараққиётига муҳим ҳисса қўшди.

Манбаларнинг маълумот беришича, Соҳибқирон Амир Темур ҳам адолатли давлат бошқарувида ақл билан иш қилиб, узоқни кўзлаган ҳолда эшонлар, саййидлар, шайхлар ва тасаввуф вакилларига нисбатан алоҳида эътибор билан қараб, давлат ишларини юритиш, давлат бошқаруви мансабдорларини тайинлаш, бошқарувидаги назоратни ташкил этишда уларнинг маслаҳатларига амал қилган [11]. Бу ҳолатни Амир Темурнинг ўзи ҳам эътироф этади. Хусусан, “Темур тузуклари”да келтиришича, Соҳибқирон давлат

Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини янада жонлантириш, малакаларини ошириш мақсадида 2004 йилдан бошлаб Тошкент давлат аграр университетида “Фермер хўжалигини бошқариш” факультети ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида қўрилган тадбирлар қисқа муддатда ўз самарасини бера бошлади. 2013 йилда деҳқон ва фермерлар юқори натижаларга эришдилар. Жумладан, 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси етказиб берилди [5]. 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик 6,4 фоизга, чорвачилик 7,4 фоизга ўсди.

Шуни айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиши тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди [6]. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 2013 йилда 2000 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсиш суръати паст бўлса-да, картошка, сабзавотлар ва бошқа полиз маҳсулотлари етиштиришда ўсиш кузатилади.

Шундай қилиб, Республика қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар фермер ва деҳқон хўжаликларининг ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайишига, хўжаликлар рентабеллигининг оширилишига эришилмоқда.

Мамлакатимизда халқ хўжалигини ривожлантириш учун нафақат саноатда, балки қишлоқ хўжалигида ҳам модернизация ишларини давр талаби даражасида такомиллаштириш кўзда тутилди. Бу борада, аввало, тупроқ унумдорлигини ошириш, суғориш объектларининг ҳолатини яхшилаш, уларни замонавий технология ва ускуналар билан таъминлаш, чорва молларининг сифат даражасига эътибор кучайтирилди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, унинг деярли 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир. Суғориладиган ерларнинг 23 фоизидан ортиқроқ қисми бонитети паст ерлар тоифасига мансуб. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятларига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган чопиқ трактор-

пунктлари ишга туширилди. 1995 йили ким ошди савдоси орқали 211 минг бошдан ортиқ қорамол хўжаликларга ва аҳолига сотилди. 1995 йил охирида мамлакатимизда 18085, 1997 йил охирида 20 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ишлаган бўлса, уларнинг қарийб ярми чорвачилик тармоқларида фаолият юритди.

Қишлоқ хўжалигида бошқарув тизимини мукамаллаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан бирлаштирилиб, 1996 йил 26 ноябрда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. 1998 йил 18 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида” фармони эълон қилинди. 1998 йил 30 апрелда Республика Олий Мажлисининг XI сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси тасдиқланди, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида” (2004 йил 26 августда янги таҳрирда), “Дехқон хўжалиги тўғрисида”, 1998 йил 28 августда “Давлат Ер кадастри тўғрисида” қонунлар қабул қилинди [4].

Бу қонунларга кўра, ишлаб турган жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилди. Хўжаликларнинг мол-мулки қиймат шаклида аъзоларнинг пай улушларига бўлинди ва хўжаликларнинг йил давомидаги ишлари натижаларига кўра ҳар бир аъзога унинг ширкат хўжалиги пай жамғармасидаги улушига қараб дивидент тўлаш тартиби жорий қилинди. Мулкый пайларни жорий этиш асосида жамоа хўжалиklarини қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) сифатида қайта ташкил этиш қоидаларига мувофиқ 1998-2000 йилларда 1802 жамоа хўжалиги ширкат хўжалиги шаклида қайта ташкил этилди.

Ширкат хўжалиklarининг 1,1 миллиондан ортиқ пай эгалари расман қишлоқ мулкдорлари сафига кўшилдилар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мулкый пай эгаларида мулкдорлик ҳиссининг шаклланмаганлиги, ташаббускорликнинг сустилиги, хўжалик аъзолари томонидан бошқарув фаолиятини назорат қилиш механизмнинг етарлича ишламаганлиги натижасида ширкат хўжалиги талаб даражасида фаолият кўрсата олмади.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ерни ҳақиқий эгасига топширишга, тадбиркор ва ишбилармон мулкдорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, бу асосан, зарар кўриб ишлаётган ва истикболсиз ширкат хўжалиklarини фермер ва дехқон хўжалиklarига айлантириш орқали амалга оширилди. Ислохотлар даврида фермер хўжаликлари сонининг ўртача йиллик ўсиши 173,6 фоизни ташкил этди. Агар ислохотларнинг дастлабки палласи – 1993 йилда фаолият кўрсатган дехқон ва фермер хўжалиklarининг сони 7630 бирликни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб 66134 тага етди.

бошқарувига оид кўплаб масалаларни ўз пирлари Шамсуддин Кулол, Саййид Барака, Зайниддин Абубакр Тойободийлар маслаҳатлари асосида ҳал этиб борган [12].

XX асрнинг биринчи чорагига қадар Ўрта Осиё ҳудудларида бир қанча давлатлар пайдо бўлиб, бу давлатлар бошқарув тизимида бир қанча ўзгаришлар киритди. Айнан шунинг учун ҳам юртимизда бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларнинг ижтимоий-сиёсий томонларини, хусусан, давлат бошқаруви билан боғлиқ анъаналарни (давлат хизмати, унвонлар, амаллар, мансабдорлар ва бошқа) тадқиқ этиш мураккаб масала ҳисобланади. Шунга қарамадан бу соҳада илмий-тадқиқотлар давом этаётганлигини таъкидлаш лозим [13].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлат бошқаруви тизими бўйича тадқиқотлар ва уларни жамиятга татбиқ этишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилиб, улар қонунлар ва фармонлар билан ҳимояланган бўлиб, бу жараёнларнинг асослари қадимги замонларга, дастлабки сиёсий институтлар ва жамоалар шакллана бошлаган даврларга тўғри келади. Бу масалаларни тадқиқ этиш эса бугунги мустақиллик шароитида ўта муҳим ҳисобланади.

Ижтимоий жараёнлар ва бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари



Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. – Б.10–11.
2. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Дарслик. –Т.: Янги аср авлоди. 2012. – Б.14.
3. Сагдуллаев А. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. // Жамият ва бошқарув. 2004. – №1. –Б.9.
4. Юсубов Ж. Кадрлар тайёрлаш тизимининг ижтимоий-тарихий хусусиятлари. – Т.:Янги аср авлоди. 2013. – Б.82–83.

1992–1995 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги зарар кўриб ишлаётган 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди, уларнинг негизида 530 та жамоа хўжалиги, 314 та ширкат хўжалиги, 87 та ижарачилар уюшмаси ташкил этилди. Катта майдонлардаги боғлар ва тоқзорлар хусусийлаштирилди. Шундай қилиб, ислохотларнинг биринчи босқичида республика қишлоқларида фермер ва дехқон хўжаликлари каби янги хўжалик юритиш шакллари пайдо бўлди.

1995 йилда дехқон хўжалиklarининг сони ҳам нисбатан тез кўпайди ва шу йили уларнинг сафига 3 минг хўжалик қўшилди. Шунга мувофиқ равишда уларда банд бўлган қишлоқ меҳнаткашларининг сони 79229 кишидан 105377 кишига кўпайди. 4380дан ортиқ киши меҳнат шартномаси асосида мавсумий ишларга жалб қилинди. Натижада бутун Марказий Осиё мамлакатлари 2 миллион тонна пахта толаси етиштирса, биргина Ўзбекистон 1 миллион 400 минг тонна пахта толаси етиштиради [2].

Амалга оширилган тадбирлар туфайли ғалла импортига қарамликка барҳам берилиб, ғалла мустақиллигига эришилди. Ғалла ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилдаги 1899 минг тоннадан 2010 йилда 6952 минг тоннага етди, яъни деярли 3,7 баробар ўсди. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилганимиз, – деб таъкидлайди Президент И.Каримов, – мамлакатимиз иқтисодиёти ва экологиясига катта зарар етказган пахта монополиясига барҳам берганимиз туфайли бу вазифани ҳам муваффақиятли ҳал этишга эришдик. Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ғаллага бўлган эҳтиёжини қоплагина қолмасдан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги қўшни мамлакатларга, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга ғалла ва ун маҳсулотларини экспорт қилмоқда [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги “Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ва бошқа қарорлари маҳсулдорлиги паст чорва фермаларини жамоага мулк қилиб бериш йўли орқали фермер хўжаликлари ишини кенг йўлга қўйишга имконият яратди. Чорва моллари зотини яхшилаш кўзда тутилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Андижон, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги 6 та ширкат хўжалиги негизида қорамолчилик наслчилик заводлари, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларидаги 15 жамоа хўжалигида наслчилик хўжаликлари ташкил этилди. Шунингдек, республиканинг барча вилоятларидаги ихтисослашган хўжаликларда зотли моллар етиштириладиган ва сотиладиган таянч

Ўзбекистонда мустақилликка эришиш учун бошланган ҳаракатнинг дастлабки пайтлариданоқ ва мустақилликка эришгандан кейин ҳам мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида зарур ислохотларни амалга ошириш, аввало бу соҳада бозор муносабатларини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклларига ўтиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига кенг йўл очиб бериш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Республика Парламенти қишлоқ хўжалигида жиддий ўзгаришларни назарда тутган қонунлар қабул қилди. Хусусан, 1990 йилнинг 20 июнида “Ер тўғрисида”, 1991 йилнинг 19 ноябрида “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, 1992 йил 3 июлида “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”, 1992 йил 9 декабрда “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”, 1993 йил 6 майида “Ер солиғи тўғрисида” ва “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ҳамда бошқа қонунлар қабул қилинди. Конституциянинг 36-моддасида “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли,” деб белгилаб қўйилди.

Қабул қилинган қонунлар деҳқонларнинг мулкка бўлган муносабатларини ўзгартириш ва келажакка бўлган ишончларини оширишда алоҳида ўрин тутди. 1991 йил 21 декабрда Республика Президентининг “Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустақамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давр талаби асосида ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Янги иқтисодий шароитда асосий масалалардан бири қилиб, қисқа муддатда Ўзбекистоннинг энг муҳим озиқ-овқат ресурслари билан ўзини ўзи таъминлашга эришиш, бунинг учун даставвал қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш масаласи қўйилди. „Модомики, фаровон ҳаёт қурмоқчи эканмиз, – деб таъкидлайди Президент И.Каримов, – олдимизга халқ турмушини яхшилаш мақсадини қўйган эканмиз, иқтисодий ислохотларни аввало қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ҳаёти соҳасидан бошлашимиз зарур”[1].

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Республикада ғалла мустақиллигини таъминлашга доир дастур ишлаб чиқилди ва у босқичма-босқич амалга оширила бошланди. Донли экинларнинг майдони 1993 йилда 300 минг гектарга кенгайтирилди. 1995 йилда экин майдонларининг таркибий тузилиши ўзгартирилиб, ғалла майдонларининг улуши 40 фоизга етказилди ва 3,3 млн. тонна ғалла тайёрланди. 1991–1993 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 500 минг гектардан кўпроқ ҳосилдор ерлар шахсий томорқа хўжаликлари юритиш учун ажратиб берилди.

5. Сағдуллаев А.С., Мавлонов Ў.М. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Т.: Академия. 2006. – Б. 28

6. Ўша асар.Б.43.

7. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик /Аскар Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001. –Б. 115.

8. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. –Л.: Наука. 1976. –74 с.

9. Сағдуллаев А.,Мавлонов, Ў.Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Т.: Академия. 2006. –Б. 36–37.

10. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. –Б. 20–24.

11. Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. –Т.: Камалак. 1994. I–II боблар.

12. Темур тузуклари. –Т.: Шарқ. 2014. –Б.12–13, 118–120.

13. Равшанов Ф.Р. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар тайёрлаш асослари: докторлик диссертацияси. –Т.:2009. –Б. 358; Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Дарслик. –Т.: Янги аср авлоди. 2012. –Б.556.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада қадимги ва ўрта асрлар даври Ўрта Осиёдаги давлат бошқаруви тизими шаклланиши ва ривожланишининг назарий асослари манбаларга асосланган ҳолда таҳлил қилиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье на основе источников проанализированы теоретические основы формирования и развития системы государственного управления в Средней Азии в эпоху древности и средневековья.

SUMMARY

In this article, based on the source theoretically analyzed the foundations of public administration in Central Asia in ancient and medieval times.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИШИ МУАММОЛАРИ ВА НАТИЖАЛАРИ

Мўминова Г.Э. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *Ўзбекистон, оналик, болалик, тарих, маслаҳатхона, туғуруқхона, доволаш, ўрин, касаллик, ясли, шаҳар, соҳа, муассаса, санитария, гигиена.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда баркамол авлод тарбияси энг долзарб вазифалар қаторидан жой олди. Бу борада қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўрилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: “Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олдик” [1]. Ўзбекистонда оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва улар саломатлигини муҳофаза этиш келажак авлод баркамоллигини таъминлашнинг энг асосий ҳал қилувчи омилларидан бири сифатида жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ҳар бир давлатда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ишига муайян халқ менталитети, иқтисодий ривожланиши ҳамда ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб ёндашилган. Совет ҳукмронлиги, хусусан, XX асрнинг 20–30 йилларида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш юзасидан муайян тадбирлар олиб борилиб, аёллар ва болалар учун маслаҳатхоналар, сут тарқатиш пунктлари, яслилар очилди ва турли касалхоналар таркибида улар учун махсус бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди ҳамда даволаш ўринлари сони кўпайтирилди, жамоа хўжалиги туғуруқ уйлари ташкил этилди.

Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати эълон қилиниши билан кўплаб корхоналар фаолият кўрсата бошлади. Бу эса хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришга ва жамоат ҳаётига жалб қилиниши туфайли оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари тармоғини кўпайтиришни талаб этди. 1925 йил Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида 18 та муассаса, хусусан, 5 та болалар маслаҳатхонаси, 80 ўринли 3 та ясли ва бошқалар ишлаб турди. [6, 4] 1932 йил болалар маслаҳатхонаси 122 тага, яслилар 338 тага ортди. Шу йилларга тааллуқли равишда аёллар маслаҳатхоналари 5 тадан 122 тага, туғуруқ ўринлари 75 тадан 939 тага кўпайди [4, 129]. Аёллар маслаҳатхоналарига мурожаатлар кўпайиб борди. 1924 – 1925 йилларда аёллар маслаҳатхоналарига қилинган 15312 марта мурожаатлар қайд этилган бўлиб, 1927 – 1928 йиллари бу 300 000 тага етди [3,74]. 1929 йили Ўзбекистон қишлоқларида биринчи марта мавсумий яслилар ташкил этилиб, уларнинг сони 18 та эди [9, 99].

Аммо республиканинг турли ҳудудларини маслаҳатхоналар ва туғуруқ ўринлари билан таъминлашда бир хил ёндашилмади. Масалан, 1929 йил Ўзбекистонда 5000000 нафарга яқин аҳолиси учун фақат 379 та туғуруқ ўрини хизмат кўрсатди. Туғилиш эса ҳар 1000 нафар кишига 30 тадан тўғри келди. Туғуруқ ўринлари Тошкент, Самарқанд шаҳар даволаш муассасалари учун бўлиб, Андижон,

5. Жамолхожи Илхомжон Назиржон угли, История формирования и развития нефтяной промышленности в Ферганской долине (1860-1917 гг) Автореф. дисс...канд...ист... наук. –Т., 2004. –35 с.

6. Каримова М. Ж. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистоннинг савдо алоқалари: Тар. фан. номз. дисс. автореф. –Тошкент. 2008, – 27-б.

7. Насретдинова Д.М. Туркистоннинг маданий ҳаётида татар-бошқирд аёлларининг тутган ўрни ((XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чораги): Тар. фан. номз. дисс. автореф. –Тошкент. 2011. –30-б.

8. Худайкулов А. Просветительская деятельность джадидов Туркестана. (Конец XIX – начало XX вв.) Автореф. дисс... канд... ист... наук. Ташкент, 1995, –24 с.

9. ЎзР МДА, И-1 жамғарма, 12-рўйхат, 164-йиғма жилд, 9-варак.

10. “O’zbekiston ovozi”, 2010 йил 8 май.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида Россия империяси ҳукмронлиги даврига оид сақланаётган ҳужжатлар ва уларнинг тарихий воқеа-ҳодисаларини тадқиқ этишдаги ўрни хусусида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются документы Центрального Государственного архива Республики Узбекистан времен Российской империи и их роль в освещении исторических событий.

SUMMARE

This article from the Central State Archive of the Russian Empire during the reign of stored documents and historical events mentioned in the perception of the role.

Наширға доц. О.Бўриев тавсия этган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДБИРЛАР

Мусаев Н.У. (ТДАУ)

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги, аграр соҳа, фермер хўжаликлари, тадбиркорлик, сувдан фойдаланиш, томорқа ерлари, хусусийлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари.

жилди маълумотлари орасида Фарғона вилояти генерал-губернаторининг 1900 йили учун қилган ҳисоботи ҳам бўлиб, унда шундай дейилади: “Вилоятнинг иқтисодий ҳаётига темир йўлнинг таъсири, биринчи йилдаёқ кўйидаги рақамларда ифодаланади: вилоят миқёсида 555432 йўловчи ташилди, 1900 йил мавсумида 4304739 пуд, ёки 43 млн. рубллик пахта ташиб кетилди” [9].

Россия империяси даврида Туркистон ўлкасига кўплаб рус зобитлари, маъмурий раҳбарлар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа аҳоли табақа вакиллари келиб жойлашди. Уларнинг яшаш шароитлари, таълим-тарбияси, тиббий хизмати тўғрисида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, Туркистон генерал-губернаторлигида соғлиқни сақлаш ишини йўлга қўйиш борасида ҳам ишлар олиб борилган. Туркистонга кўплаб кўнгилли врачлар келиб, ўлкага хос касалликлар, уларни даволаш усуллари, Европа даволаш усуллари тарғиб этиш юзасидан изланишлар олиб борилган. Бу жараёнлар ҳақида ҳам ЎЗР МДА ҳужжатларида маълумотлар учрайди. Архивнинг И-36 жамғарма (Тошкент шаҳар бошлиғи), И-837 жамғарма (Туркистон округи ҳарбий-тиббий инспектори), И-81 жамғарма (Россия Қизил Ярим Ой жамияти Туркистон округи бошқармаси), И-616 жамғарма (Туркистон кўзи ожизлар комитети)ларидан Россия империяси ҳукмронлиги шароитида ўлкада тиббий хизмат иши масаласига доир маълумотлар олиш мумкин. Масалан, Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетидан соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган маблағ, унинг аҳоли жон бошига тўғри келиши, ўлканинг турли шаҳарларида илк шифохоналар қурилиши билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

Хуллас, тарих фани тадқиқотларида Ўзбекистон Давлат архивлари жамғармалари ҳужжатлари асосий манба бўлиб хизмат қилади. Давлат архивлари ҳужжатларидан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳа фаолиятини ёритиб беришга хизмат қиладиган, хусусан, маъмурий органларнинг буйруқлари, кўрсатмалари, ҳисоботлари, таълим муассасаларини ташкил этиш, улар фаолиятининг моҳияти, иқтисодий соҳанинг турли тармоқларида олиб борилган тадбирлар мазмуни хусусидаги маълумотлар олиниб, улар орқали муайян тарихий давр ҳақида аниқ илмий хулосалар чиқариш имкони яратилади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008, 4-б.
2. Закон Республики Узбекистан “Об архивах”. –Ташкент, 1999.
3. Сборник Постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан за октябрь 1992. –100 с..
4. Бобожонова Ф.Х. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири – XX аср бошларида): Тар. фан. номз. дисс. автореф. –Т., 2011. – 31-б.

Қашқадарё, Хоразм каби округларда туғуруқ ўринлари фаолияти йўлга қўйилмаган эди [5,39]. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича республикада ягона бир тизим ёки режа ишлаб чиқилмаган бўлиб, соҳага давлат томонидан эмас, фақат маҳаллий бюджет ҳисобидангина маблағ ажратилди [10, 2]. Давлат молия органлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларини маҳаллий бюджет ҳисобидан барпо этиш ва молиялаштиришга ҳаракат қилди [11,10].

XX аср 30-йилларининг иккинчи ярмида ҳам туғуруқ ўринлари кўпайиши кузатилса-да, аммо уларнинг тақсимотидаги нотенглик давом эттирилди. 1938 йили Ўзбекистон шаҳарларида жами 1106 та туғуруқ ўринлари мавжуд бўлган бўлса, 1939 йил улар 1439 тага етди. Шундан 740 таси Тошкент шаҳрида, 100 таси Кўкон шаҳрида, 160 таси Самарқанд шаҳрига тўғри келди. Қарши ва Термизда 18 тадан, Тўрткўлда 15 та, Нукусда фақат 4 та туғуруқ ўрни ишлаб турди [11,10].

Соғлиқни сақлаш соҳасининг кўплаб тармоқларида аниқ статистика ва рўйхатга олиш ишлари олиб борилмаганлиги туфайли кўп ҳолларда республикада туғилиш кўрсаткичи бўйича аниқ далилий рақамларни аниқлаш имкони бўлмади. Масалан, архив ҳужжатларида қайд этилишича, 1937 йил Ўзбекистон қишлоқларида ҳар 1000 нафар кишига туғилиш 20, шаҳарларда эса 43 нафарни ташкил қилган [12, 121]. Бу рақамларнинг нотўғрилиги шундай оддий таҳлилда ҳам намоён бўлди. Чунки ҳар доим туғилиш шаҳарга нисбатан қишлоқларда юқори бўлган.

Тадқиқотчи олим Тимма 1927 – 1929 йилларда Ўрта Чирчиқ тумани қишлоқларида туғилиш ҳолатини ўрганганида ҳар 1000 нафарга туғилиш ўртача 57, 1 нафарни ташкил этишини аниқлайди [12, 212]. Ушбу ҳолат таҳлилида шу нарса аниқланадики, аввало бу даврда қишлоқларда ўз уйида туғиш юқори фоизни ташкил этган. Уйда туққан аёллар эса рўйхатга олинмаган.

Бу йилларда оналар ва болалар муассасалари ишини йўлга қўйишда қатор қийинчиликларга дуч келинди. Айниқса аҳоли орасида етарли даражада санитария маорифи ишининг йўлга қўйилмаганлиги туфайли маҳаллий аҳолини оддий санитария-гигиена талабларига ўргатиш иши қийинчилик билан олиб борилди. Масалан, Самарқанд округи ясиларидан бирида тиббиёт ҳамшираси сочлари ўсиб кетган болаларни сартарошга олиб бориб, сочларини чиройли қилиб тартибга келтиради. Кечкурун болаларини олиш учун келган оналар ҳамширанинг ишига ажабланиб, эртасига болаларини яслига олиб келмаганлар. Болаларни яна яслига келтиришга кўндиргунча анча куч сарфланди. Ёки бошқа бир ҳолат: Соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан юқумли касалликларга чалинган болаларни яслига қабул қилмаслик ҳақидаги кўрсатмага

мувофиқ, касалланган болалар яслига олинмаган. Натижада биргина Бухоро округи туманларида 70 фоиз болада безгак касаллиги тарқалганлиги аниқланган [7,9].

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳаси моддий-техника базаси ночорлигича қолиб кетаверди. 1933 йилда Тошкент округи Паркент тумани гўдаклар уйи жойлашган бино носоз ҳолатида бўлиб, ҳеч бир қулайликларга эга бўлмаган. Болаларнинг аксарияти касалликка чалинган, озик-овқат таъминотининг ночорлиги туфайли ҳаётдан кўз юмган. Мазкур болалар уйига сўралган 70 литр сут ўрнига 8 литр сут етказилган [13, 33].

Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига бағишланган илмий анжуманлар ҳам ўтказилиб, соҳа фаолиятига доир кўплаб долзарб масалалар муҳокама қилиб борилди. 1929 йил Ўрта Осиё оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари ходимларининг I съезди бўлиб, унда соҳа фаолиятини йўлга қўйиш, туғуруқ ишларини ташкил этиш, бепуштлиқни даволаш, яслилар, болалар ва аёллар маслаҳатхоналари очиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва бошқа масалалар юзасидан маърузалар тингланди [7,1,3].

Анжуманда аёлларнинг паранжи ва чачвони ҳамда унинг она ва бола соғлигига зарарли томонлари тўғрисида Р.С.Гершеневич, Ф.Н.Тавилдаров, Р. Н. Казоросянлар маъруза қилишди. Маъруза муаллифлари паранжи ва чачвоннинг аёллар ва болалар саломатлигига таъсирини оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти ходимлари олиб борган тадқиқот натижаларига мувофиқ таҳлил этишди.

Масалан, Р.С.Гершеневич ва Ф.Н.Тавилдаровлар маърузасида институт илмий ходими А.Д.Асфандиёрованын 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган 120 нафар аёллардан сўровнома олиб, улардан паранжи ва чачвоннинг қулай ва ноқулай томонлари юзасидан суҳбатлар уюштирилганлигини таъкидлайдилар. Тадқиқот натижасидан шу нарса аниқланадики, аксарият аёллар учун паранжи ва чачвон ўраш жуда кўплаб ноқулайликлар туғдирган [7].

Р.С.Гершеневичнинг таъкидлашича, паранжи ва чачвон ёш гўдак организмга жиддий таъсир кўрсатади. Аввало, паранжи остида тоза ҳаво етишмаслиги оқибатида нафас олиш қийинлашади, болада овқат ҳазм қилиш органларида бузилиш юзага келиб, турли юқумли касалликларнинг ривожланиши учун қулай муҳит вужудга келади, шунингдек, инсон организми учун ниҳоятда зарур бўлган қуёш нури тўсилади [2,57].

Р.Н.Казоросян эса паранжи ва чачвоннинг ҳомиладор аёллар организмга салбий таъсири, айниқса аёл танасида қон айланиш жараёнининг бузилишини асослаб беради [2,57]. Паранжи ва чачвон аёллар ўртасида баъзи кўз касалликларининг тарқалишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Масалан, тадқиқотларда

ди. Хусусан, жамғармалардан Туркистоннинг рус-тузем мактаблари ва гимназиялари, янги усул мактаблари, жаҳид мактаблари кенг кўламли фаолиятига доир қимматли маълумотлар олинган.

ЎзР МДАнинг И-47 жамғармаси ҳужжатларида Туркистон таълим тизимининг мазмун ва моҳиятини тўла очиб беришга хизмат қиладиган ниҳоятда хилма-хил маълумотлар сақланади. Ушбу жамғарманин 1-рўйхат, 955-, 230-йиғма жилдида XX асарнинг дастлабки йилларида ўлкада очилган янги усул мактаблари, Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларида фаолият кўрсатган бу турдаги мактаблар ва ўқувчилар сони, ўқув жараёнининг бориши, мактабларнинг жиҳозлари, ўқув қуроллари, дарсликлари, ўқитувчилари ҳақида маълумотлар келтирилган.

ЎзР МДА жамғармаларида Туркистон ўлкасида жаҳидчилик ҳаракатининг юзага келиш омиллари, янги ишбилармон табақаларнинг ҳаракатни ривожлантириш юзасидан олиб борган тадбирлари, жаҳидлар фаолиятининг ўлкадаги мавжуд таълим тизимини ташкилий ва мазмуний жиҳатдан ислоҳ қилиш ва маҳаллий миллий матбуотни шакллантириш бўйича ҳам қимматли маълумотлар жамланган.

Хусусан, Туркистон жаҳидчилик ҳаракатининг етук намояндлари Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний каби алломаларнинг шахси ва фаолияти ҳақида ЎзР МДА нинг И-47 жамғармаси ҳужжатларидан маълумот олиш мумкин. Шунингдек, архивнинг И-2, И-461, И-462, И-463, И-468 жамғармалари ҳужжатларидан ҳам жаҳидчилик ҳаракати ва унинг намояндлари фаолияти, уларнинг матбуот нашрлари, Туркистон халқининг ўзлигини англаш йўлидаги ҳаракатлари хусусида маълумотлар тўпланган.

Архивнинг И-19 жамғарма (Фарғона вилояти правлениеси), И-300 жамғарма (Қўқон уезди бошлиғи), И-23 жамғарма (Марғилон уезди бошлиғи)ларида ўлка маъмурий органларининг миллий иқтисодиётни қарамликка солиш юзасидан олиб борган тадбирлари, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасини йўлга қўйишда империя манфаатлари устунлигини таъминлаш борасидаги сиёсатининг моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган ҳужжат материаллари жой олган.

Россия империяси ҳукмронлиги даврида Туркистонда ички ва ташқи савдони йўлга қўйиш ва бундан кўзланган мақсад, рус савдо-саноат буржуазиясининг чет эл капитали билан ҳамкорликда ўлкада тузган ширкатлари, савдо уйлари, акционерлик жамиятлари, ўлкани хом ашё етказиб берувчи ҳудудга айланттириш тадбирлари, бойликларни ташиб кетиш мақсадида темир йўллар қурилишининг кучайтирилишига доир маълумотлар ЎзР МДАнинг юқорида таъкидланган жамғарма ҳужжатларида жамланган.

Масалан, архивнинг И-1 жамғармаси, 12-рўйхати, 164-йиғма

Давлат архивларида сақланаётган жамғарма ҳужжатларининг ўрни бекиёс. Ўтмиш тажрибаларини архив материаллари асосида ўрганишнинг нафақат назарий, балки амалий аҳамияти бор.

Ушбу омил ҳисобга олиниб, мустақиллик йилларида архив ишига давлат томонидан жиддий эътибор қаратила бошланди. Бу ишни юритишнинг ҳуқуқий асослари тўла яратилган. 1992 йил 19 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бош архив бошқармаси ҳақидаги қарори [3], 1999 йил 15 мартда Олий Мажлис томонидан “Архивлар ҳақидаги” Қонуни [2], 2010 йил 7 майда Олий Мажлис Сенати томонидан “Архив иши ҳақидаги” [10] янги Қонун ҳужжатининг қабул қилиниши соҳа ишини йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш учун асос бўлди.

Ўзбекистон Давлат архивларида Россия империяси ҳукмронлигига доир ниҳоятда қимматли ҳужжатлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги шу кунга қадар мукамал ўрганилмаган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида (ЎЗР МДА) Россия империяси ҳукмронлиги даври тарихига оид ниҳоятда хилма-хил ва қизиқарли ҳужжатлар сақланади. Россия ҳукмронлиги даври тарихи бўйича мустақиллик йилларида олиб борилаётган тадқиқотларда Давлат архивларида сақланаётган жамғарма материалларидан кенг фойдаланилмоқда.

А.Худойқулов [8], Жамолхожи Илҳомжон Назиржон ўғли [5], М.Ж.Каримова [6], Ф.Х.Бобожонова [4], Д.М.Насретдинова [7] ва бошқаларнинг номзодлик диссертациялари айнан Россия империяси даврининг турли соҳалари тарихини тадқиқ этишга бағишланиб, уларда ЎЗР МДАда сақланаётган ҳужжатларнинг маълумотларидан унумли фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг И-1-жамғарма (Туркистон генерал-губернатори девонхонаси), И-17-жамғарма (Сирдарё вилояти бошқармаси), И-47-жамғарма (Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси), И-57-жамғарма (Тошкент Маринск хотин-қизлар гимназияси), И-461-жамғарма (Туркистон район муҳофаза бўлими), 2-жамғарма (Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги дипломатик амалдор), 3-жамғарма (Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги) 11-жамғарма (Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳридаги 1-райХТБ тафтишчиси), 48-жамғарма (Сирдарё вилояти халқ билим юрти директори), 126-жамғарма (Бухоро амири кушбегиси бошқармаси), 1009-жамғарма (Н.П.Остроумовнинг шахсий жамғармаси)ларида Россия империяси даврига оид ҳужжат материаллари сақланади. Ушбу жамғармаларнинг ҳужжатларидан тадқиқотчилар унумли фойдаланиб келишмоқда.

Жамғармалар ҳужжатлари маълумотларидан Россия империяси даврида таълим тизимининг ҳолати, моддий таъминоти, вақф мулклари ва ўқув жараёнлари ҳақидаги қимматли маълумотлар аниқлан-

аёлларнинг паранжи ва чачвон тагида қуёш ёруғисиз кўп вақт бўлиши кўз нурига жиддий таъсир этиши аниқланган [8].

1928 йил Хива шаҳар амбулаториясида фаолият олиб борган врач Сек кўз касалликларининг аҳолининг турли қатламлари орасида тарқалиши юзасидан изланишлар олиб бориб, 3273 беморни ўрганади. Тажрибаларда шу нарса кўринадик, глаукома – кўз касаллиги дунёнинг кўпгина мамлакатларида аёл ва эркеклар ўртасида бир хил тарқалган. Аммо Ўзбекистонда бу касаллик билан касалланганларнинг катта қисмини аёллар ташкил этган. Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги шифохонада 1919 – 1928 йиллари фаолият олиб борган врач Журавлев кўз касалликларининг аҳоли орасида тарқалиши юзасидан олиб борган тадқиқотларида аниқлашча, глаукома билан касалланганларнинг 83,9 фоизини аёллар ташкил қилган [5,39].

Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ишлари тарихини ўрганиш натижасида қуйидаги умумлашган хулосаларга келинди:

– совет ҳукмронлиги йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишига соғлиқни сақлаш соҳасининг асосий йўналиши сифатида қаралиб, давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг моҳияти ва муайян халқ менталитетидан келиб чиқиб ёндашилди. Соҳа моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, аёллар ва болалар маслаҳатхоналари, сут тарқатиш пунктлари, яслилар, поликлиника ва шифохоналар очилиб, даволаш ўринлари, педиатрлар, акушер-гинекологлар сони йилдан-йилга ортиб борди. Аммо уларни ҳудудлар бўйича тақсимлашда анча тафовут мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда ушбу соҳага ажратилган маблағлар марказий республикаларга нисбатан жуда кам эди;

– соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларнинг пайдо бўлиши ижтимоий ҳаётнинг қолоқлиги билан изоҳланади. Ўзбекистонда туғуруқ ўринларининг етишмаслиги, аҳоли ўртасида санитария маорифининг йўлга қўйилмаганлиги, ҳомиладор аёлларни ўз вақтида рўйхатга олиш ва уларга керакли тиббий ёрдамнинг кўрсатилмаганлиги сабабли республикада аёлларнинг ўз уйида кўзи ёриши ҳолати юқори даражага чиқди. Бундан ташқари тез-тез ҳомиладор бўлиши, фарзандлар туғилиши ўртасидаги йилларнинг яқинлиги оналар саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, улар ўртасида камқонлик касаллиги кенг тарқалишига олиб келди. Бу касаллик кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон собиқ Иттифокда энг олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Оилани режалаштириш ишлари кун тартибига долзарб қилиб қўйилмаганлиги сабабли кўп болали оналар сони ошиб борди. Бу оилаларда ота-оналар болаларига зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш бериш имконияти чекланиши натижасида болалар саломатлиги ва уларнинг жисмоний ривож-

ланиши етарли бўлмади. Ўзбекистонда болалар ўлими кўрсаткичи РСФСР, Украина, Белоруссия республикалари кўрсаткичларига нисбатан 5 – 9 мартага юқори эди.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятмизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилинган маъруза // Халқ сўзи, 2015 йил 6 декабрь.

2. Гершенович Р.С. Вредное влияние паранджи, чачвана и бешика на узбекского ребенка // Материалы 1-го Среднеазиатского совещания работников охраны материнства. – Т., 1930 –57 с.

3. Закиров И.З., Ходжаев Р.Х. Акушерско-гинекологическая помощь в Узбекистане за годы Советской власти // Медицинский журнал Узбекистана, 1977, –№ 10. –74 с.

4. Здравоохранение в Узбекской ССР (Ст. справочник). – Т., 1958. –129 с.

5. Тавалдарова Ф. Н. Организация родовспоможения в городах и кишлаках Узбекистана // Материалы 1-го Среднеазиатского совещания работников охраны материнства. – Т.: 1930. –83 с.

6. Тўлаганов Х. С. Ўзбекистонда болалар соғлиғини сақлаш. – Т.: Медицина, 1976, 4-бет.

7. Материалы 1-го Среднеазиатского совещания работников охраны материнства. –Т., 1930. –9 с.

8. Сек. Отчет Хивинской городской амбулатории по глазным болезням // Медицинской мысли Узбекистана, 1928 йил декабрь.

9. ЎзР МДА, И-737-фонд, 1-рўйхат, 599-иш, 99-варак.

10. ЎзР ИТТХМДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 135-иш, 1-варак.

11. ЎзР МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 8967-иш, 10-варак.

12. ЎзР ИТТХМДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 121-варак.

13. ЎзР ИТТХМДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 399-иш, 33-варак.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш иши тарихи хусусида сўз юритилади. Республиканинг турли худудлари аҳолисини маслаҳатхона ва туғуруқхоналар билан таъминлашдаги номуносиблик, ижтимоий қатламлар ўртасида касалликка чалиниш оқибатлари таҳлил этилади.

РЕЗЮМЕ

В этой статье рассматривается история охраны материнства и

детства в Узбекистане. Также исследуется состояние обеспеченности населения родильными домами и консультациями, приводится анализ основных факторов распространения болезней среди социально незащищенных слоев населения.

SUMMARY

In this article the history of protection of motherhood and the childhood in Uzbekistan is considered. Also are investigated a condition of security of the population with maternity hospitals and consultations among the population, the analysis of major factors of spread of diseases among these social groups of the population

Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИДА САҚЛАНАЁТГАН РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ДАВРИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАРНИНГ МАНБА СИФАТИДАГИ ЎРНИ

Тошпўлатов Б. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: *Ўзбекистон, давлат, мустақиллик, архив, манба, ҳужжатлар, Россия империяси, давр, материаллар, жамғарма.*

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барча соҳаларда туб ўзгаришлар содир бўлиб, янги-янги ютуқлар қўлга киритилганлиги сабабли илм-фан соҳасини янгидан йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида ҳам қатта ишлар амалга оширилмоқда. Турли фан йўналишлари доирасида бажариладиган ишлар кўлами ва сифати ҳам йилдан-йилга яхшиланиб, бу жаҳоннинг илмий таснифи тадқиқотчилар олдида жуда масъулиятли ва улкан вазифалар қўймоқда. Шунинг учун тарих фани доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши керак.

Дарҳақиқат, тарих фанини ривожлантириш, ёш авлод онгига тарихимизни сингдириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг куйидаги сўзларини келтириш ўринли: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажиги йўқ” [1,4].

Мустақиллик йилларида тарих фани тадқиқотчилари томонидан Ватан тарихининг турли даврлардаги ҳолатини ўрганиш ва якуний ҳулосалар чиқариш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг турли даврлардаги тарихини ўрганишда